

ЎКТАМ ДАВЛЕТОВ

СЕВИНЧИМ – ДАРДИМ



ТОШКЕНТ

84. (54) 7
D. 13

ЎКТАМ ДАВЛЕТОВ

СЕВИНЧИМ – ДАРДИМ

ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

Ў.Давлетов. Севинчим – дардим. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 228 бет.

ISBN 978–9943–10–879–0

Хоразмлик ҳаваскор шоир Ўктам Давлетовнинг мазкур тўплами ижодкорнинг турли йилларда ёзилган шеърларидан жамланган. Шоирнинг она-Ватан, муҳаббат ва вафо, садоқат, самимият ҳақидаги шеърлари сизга манзур бўлади деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)7

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилоят бўлимининг
2013 йил 11 февралдаги қарорига асосан нашр этилди.*



ISBN 978–9943–10–879–0

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

СЎЗ БОШИ

Ўктам Давлетов 1955 йили Хоразмнинг Кулонқорабоғ кишлоғида туғилган. Асли касби иқтисодчи. Ўз меҳнат фаолиятини молия соҳасида бошлаб, кейинчалик Богот туман «Ўзбекистон» ширкат хўжалағида таъминотчи вазифасида давом эттирган. Мана ўттиз йилдирки у бадий ижод билан шуғулланади. Шеърлари турли тўпламлар ва республика, вилоят рўномаларида чоп қилинган. Филология фанлари номзоди, доцент Исомжон Ёқубов Ўктам Давлетов ҳаёти ва ижодини адабиётшунослик нуктаи назаридан тадқиқ қилиб; «Кулонқорабоғ оҳанглари» (2003) номли изланишини нашр қилдирган.

Ўктамбойда шеъриятга ошуфталик ҳисси болалик чоғлариданок бошланган. У ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб қаламини чарҳлади, бой ҳаётний тажриба тўплади. Ўша тоталитар тузум ҳукм сурган даврларда ёзган фалсафий руҳдаги исёнкор шеърларини мавжуд тақиқлар сабаб нашр қилдира олмади. У бугунги мустақиллик ва эркин фикрлаш шароитида Хоразм адабий муҳитида ўз сўзига ва услубига эга шоир ҳисобланади.

Ўктам шоир шеъриятида панд-насихатга йўғрилган дидактика салмоқли ўринини эгаллайди. Шоирнинг борлиққа нисбатан ўз қараши, ўз нуктаи назари мавжуд. Айнан фалсафий мавзудаги шеърларда шоирнинг ўзига хос индивидуал услуби намоён бўлади. Шоирнинг аксарият шеърлари метафорага бой бўлиб, бадий антитезадан ўз ўрнида фойдаланганлиги унинг шеърларининг бадийлигини оширади. Шоирнинг лирик этюдлардан иборат муҳаббат мавзусидаги шеърлари ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Шоир бугунги кунда халқона оҳанглардаги лапар жанрида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Унинг қатра ва ҳажвий манзумалари ҳам шеърият муҳлислари кўнглидан жой олиши табиийдир.

Ўктам Давлетов серкирра ижодкор. У ўзи кўрган, билган нарсалари ҳақида ёзади. Бой ҳаётний тажриба ва синчковлик унинг қўш қаноти бўлиб, ўзига хос тасвир услуби шоир ижодий парвози юксак бўлишидан далолатдир. Муаллиф китобга киритган аксар шеърлари табиий жозибаси, мусиқий оҳангдорлигини сақлаш

мақсадида шевага хос кўплаб сўз ва оборотларни адабий тилга мослаштирмаган. Ўктам Давлетов кўнгил талпинишлари, илҳом мавжларидан тузилган ушбу шеърини тўплам сиз азиз мухлислар қалбидан жой олади деган умиддамиз.

ВАТАН МАДҲИ

*Ушбу илк китобимни турмуш ўртоғим
Гулчеҳрага бағишлайман*

ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Мен дунёни кезиб чиқдим,
Дала тоғ оша.
Жаннатмакон боғларини,
Айлаб томоша.

Ёқимлидир ўзга элнинг,
Куй-у яллasi.
Меҳр тўла қувнаб айтган,
Ширин алласи.

Оҳ, Ўзбекистоним !

Қайга бормай қучоғингга,
Қайтгим келади.
Қиёсинг йўқ, шукроналар,
Айтгим келади.

Тўйиб-тўйиб нафас олай,
Ҳаволарингдан.
Жўшиб кетиб, майин эсан,
Саболарингдан.

Айрилиқда билинаркан,
Қадринг Ватаним.
Соғинч ёшга тўлди кўзим,
Наволарингдан.

ХОРАЗМ

Хоразмни (нг) шеваси дим нақшли¹,
Одамлари меҳр гўз-ла бокишли,

Дерё², дутор бўлмагон ҳеч бир уй йўқ,
«Лазги»сина данг галадўгин³ шўх куй йўқ.

Булбул сайраб гетар қўшиқ, созина,
Қуёш жўшиб нурин сочар ёзина.

Даласинда очилади оппоқ дур,
Дунёда йўқ, қўй-қўзиси - қамар, сур.

Лачак⁴ ўраб, ҳурматдадир момола,
Чўғирмада⁵ ғўч йигитдин⁶ бовала.

Еб гўрганла (р) айтсин «гулоб», «таннак» ин,
«Оқ новот»-у «ола хомма», «гурвак»⁷ ин.

Боғлари бо (р) олма, анжир, узумли,
Айвонлари соя, салқин, гужумли.

«Хўш галдингиз!» дея, кучоқ очади,
Бори йўқин дўстирхон (г)а сочади.

Гал-галиб гўр, о - хо !
Бир галиб гўр, о - хо !
Дабарасан⁸, о - хо !

¹ Дим нақшли — жуда гўзал, чиройли

² Дерё- доира

³ Данг галадўгин — тенг келадиған, қиёслаш мумкин бўлған

⁴ Лачак — аёллар ўрайдиған улкан рўмол

⁵ Чўғирма — қўй терисидан тикилған эркаклар бош кийими

⁶ Ғўч йигитдин — қирчиллама йигитдай

⁷ Гулоби, тарнак, оқ новот, ола хомма, гурвак — қовун навлари

⁸ Дабарасан — деб юборасан

ГЎЗАЛ

Ўз юртини мактаса биров,
Таърифлашга шошаман дарров:
«Жаннатмакон бир ўлка бор-ов!»
Энг гўзал юрт, менинг Ватаним!

Куйлайвергим келар хар онда,
Қўшиқ жўшиб юракда, қонда,
Бундай ўлка борми жаҳонда?!
Энг гўзал юрт, менинг Ватаним!

Ёз-у, куз-у, қиши, баҳори,
Боғида гул, тоғида - қори,
Кетган одам чангини⁹(нг) зори,
Энг гўзал юрт, менинг Ватаним!

Одамлари оддий, мулойим,
Эътиқоди, иймони қойим,
Меҳрин ато қилган Худойим,
Энг гўзал юрт, менинг Ватаним!



⁹ Чангини — гардини, тупроғини

БАЛЛИДИР

Аё, дўстлар, мен юртимни севишим,
Қалбим чертган сайроқ тордан баллидир¹⁰.
Дунё кездим бундай юртни кўрмадим,
Чўлларида гули бордан баллидир.

Агар имон бойлик бўлса? энг бойи,
Кулиб туриш – одамларин чиройи,
Бағрикенглик – улар яшар уй жойи,
Қувнаб кетган дўст-у, ёрдан баллидир.

Ўз юртини севмаган эл - эл бўлмас,
Мақталмаса, Ватан - кўшиқ, шеър бўлмас.
Жаннат ичра ўз ерингдай ер бўлмас,
Ўзга юртда - унга зордан баллидир.

Тўтиёдир ҳар бир сиким тупроғи,
Чўлу адир, дарё-қўли, қум, тоғи,
Жоним берсам, дилда армон йўқ чоғи,
Садоқатим – номус, ордан баллидир.



¹⁰ Баллидир - маълумдир, белгилидир

ТИНЧЛИК

Юрма зинҳор ғаним йўлидан,
Чукур жарлик, тўғриси йўқдир.
Туз тотмагин берса қўлидан,
Ҳар меҳрининг биттаси ўқдир.

Кулиб туриб ўзли-ўзингни,
Уриштириб қўйиши тайин.
Сарғайтириб гулдай юзингни,
Оч қолдириб тўйиши тайин.

Бир кун жанжал қилса рўзгоринг,
Қирқ кун ризқинг камаяр эмиш.
Шукр ила баҳам кўр боринг,
Ким кўнгилчан - душманга эмиш.

Биз ҳамиша бўлайлик кўз-қош,
Энг асосий бахтимиз тинчлик!
Бир тан, бир жон - берайлик бардош,
Тоғу давлат, тахтимиз тинчлик!



ТОПИЛМАС

Ватанини сотган одамга,
Ғанимдан туз тотган одамга,
Халкига тош отган одамга,
Ўлса дуо, эй, вой топилмас,
Дўзахдан ҳам ҳеч жой топилмас¹¹,
Ватанини сотган одамга.

Ким булғаса ичар дарёсин,
Орзу, умид, элин зиёсин,
Сочса агар дили сиёсин,
Ўлса дуо, эй, вой топилмас,
Дўзахдан ҳам ҳеч жой топилмас,
Ватанини сотган одамга.

Ким ўйнар экан душман созига,
Чидай олмай кўпу-озига,
Қўл кўтарса ўз Юртбошига,
Ўлса дуо, эй, вой топилмас,
Дўзахдан ҳам ҳеч жой топилмас.
Ватанини сотган одамга.

Кўролмас ким эл фароғатин,
Тинч меҳнатин зўр шижоатин,
Мустақиллик тўйю роҳатин,
Ўлса дуо, эй, вой топилмас,
Дўзахдан ҳам ҳеч жой топилмас,
Ватанини сотган одамга.



¹¹ Дўзахдан ҳам ҳеч жой топилмас – Шоирнинг назарида дўзах энг кўп қийноққа солинадиган жой. У Ватан хонинига шу маскани ҳам раво кўрмайди. Бироқ, бу поэтик ҳукмда жазо муқаррар бўлган ягона маскан дўзах экани унутилиб хатога йўл қўйилган.

СОҒИНЧ

Аму, Сирнинг сувларидан келтир ичай,
Дардкаш бўлсин, дардларимдан ҳоли кечай.

Хаёлларим олиб кетсин юртим томон,
Чанг-тўзонин кўзга суртай мен бир замон.

Ёт элларда ҳеч кимлардан кам эмасман,
Молу-дунём бор, кайфиятим хуш демасман.

Бунда биров - биров билан ҳеч иши йўқ,
Бир пиёла чой узатар бир киши йўқ.

Кезай десам, уйдагидай боғлар қайда?
Дўст-ёр билан учрашган ул чоғлар қайда?

Ўзгачадир ҳарорати ҳавосин ҳам,
Англолмайман куй, қўшигин навосин ҳам.

Билмагандим ватан қадрин, дунё кезмай,
Яшаяпман қайдалигим ўзим сезмай.

Салом-алик айтолмайман ўз тилимда,
Соғинч ўти ёнмаган кун йўқ дилимда.

Аму, Сирнинг сувларидан келтир ичай,
Дардкаш бўлсин, дардларимдан ҳоли кечай.

Хаёлларим олиб кетсин юртим томон,
Чанг-тўзонин кўзга суртай мен бир замон.



САБР

«Қийин бўлиб қолди, буёғи...»,
Нолий кетди бир ношуд банда.
Маърузасин кўзга илмадим,
Шукронамни қилмадим канда.

Йиғилган бу буғдой хирмоннинг,
Моҳиятин фараз қилсайди.
Мустақиллик берган ҳар онин,
Озодлик-не англай билсайди ?

Таниб бўлмас қадамжоларни,
Кўриб кўркам, гўзал жамолин,
Ишлаб чиққан машинасин ҳам,
Шахарларнинг қадди-камолин.

Таърифласам арзимас, нега,
Буюк Ипак, темир йўлларин ?
Нефтли, газли янги конлар-у,
Гуллаётган қумлоқ, чўлларин.

Миллий ўзбек кураши учун,
Кўтарилса юртим байроғи.
Ахир, айтинг, қувонмай, нечун,
Жаҳон уни қўллаган чоғи ?

Юртбошимиз айтган: «У кунлар,
Келишини қилайлик ҳавас»,
Сабр-тоқат, ақл бирлашиб,
Фақат тинчлик, тинчлик бўлса, бас !



АЙЛАНДИ

Кутлуг қадам бўлсин ҳар бир кунларинг,
Юлдузлардан мунчоқ осди тунларинг,
Қайтиб кўрмай, чеккан оху-унларинг,
Элим, куруқ ниҳоллардан дарак орзулар,
Энди куртак очиб чаман, боғга айланди.

Қувончлардан эрур кўзда кўзёшлар,
Қалбинг жўшиб, кўшиқ, ялла, куй бошлар,
Етиб аста неки, сабр-бардошлар,
Халқим, армон чанги ичра қолган бу кўксинг,
Дунё узра тенгсиз, буюк тоғ(г) а айланди.

Тинмагай ҳеч наволари созимни (нг),
Меҳнат ила ҳарорати ёзимни (нг),
Чеки йўкдай дилда шукр розимни (нг),
Юртим, сенга пинҳон бўлган кўп ширин онлар,
Бугун бахтли даврон сураб чоғ(г) а айланди.



ЮРТИМ

Бошқача гашти бо (р) қиш-у ёзингни,
Пардаси баланддир қўшиқ-созингни,
Чўл-у биёбонинг суртиб гўззима,
Шукрини айтайин кўпи, озингни.

Юртим! Мадҳинг ёзмин қолажақим йўқ¹²!
Ўзга юрт жаннатин қолажақим йўқ¹³!
Бир қисм тўрпоқинг учун минг тилло,
Барсала (р) чангинга олажақим йўқ!

Меймона кўксингни очқонинг очқон,
Юзингни нурларин сочқонинг сочқон,
Қўёра жой топмин қувонғонингтон,
Жўшибла дарёдин дошгонинг-дошгон!

Юртим! Мадҳинг ёзмин қолажақим йўқ!
Ўзга юрт жаннатин қолажақим йўқ!
Бир қисм тўрпоқинг учун минг тилло,
Барсала(р) чангинга олажақим йўқ!

Мудом хизматингда дуройин ўзим,
Гуннан-гун равнақинг гўрайин ўзим,
Чопону, тўппида дунё узра ман —
Байрогинг гўтариб юрайин ўзим!

¹² Қолажақим йўқ - ёзмай қолмоқчи эмасман, яъни албатта ёзаман

¹³ Холажақим йўқ - маъқул топпайман

Юртим! Мадҳинг ёзмин қолажақим йўқ!
Ўзга юрт жаннатин ҳолажақим йўқ!
Бир қисм тўрпокинг учун минг тилло,
Барсала чангинга олажақим йўқ!



ҚОРАҚАЛПОҚ

Гундан гуна боғу бўстон ерлари,
Қўшиғинда Бердақ шоир шеърлари.
Безаб дурор кўксин Эллик қалъалар,
Шоли, бугдой, оқ олтинли далалар.
Улуғлаған уруғ-аймоғ зотини,
Қорақалпоқ дерлар бу эл одини.

Достонларин жўшиб куйлар бахшиси,
Бунда эрур қамар, сурни яхшиси.
Булбул яйраб, сайрар Бодай тўқайда,
Ковуниндин ковун йўқдир ҳеч жойда.
Улуғлаған уруғ-аймоғ зотини,
Қорақалпоқ дерлар бу эл одини.

Қизларина ошиқла (р) ни дарди кўп,
Йигитлар(и)ни орасинда марди кўп.
Давралари ўйин-кулги, жавобли,
Ҳар бир иши эл-юрт учун савобли.
Улуғлаған уруғ-аймоғ зотини,
Қорақалпоқ дерлар бу эл одини.

Полвонлорин донғи гетган жаҳона,
Дехқонлари топмас ишда баҳона.
Меҳмон галса, дастурхони кўнглиндин,
Қўли очик эл йўқ ҳечам бунин (г)дин.
Улуғлаған уруғ-аймоғ зотини,
Қорақалпоқ дерлар бу эл одини.


ҲАЛИ МАН...

Дулли-дулли куй, кўшиқла (р),
Яратаман ҳали ман!
Дунё аҳлин ўз юртим,
Қаратаман ҳали ман!

Шундин баланд пардала (р)да,
Куйли (й) ман гул, боғини!
Кўй-кўзили Қизилқум-у,
Дамир йўлли тоғини!

Кўнгли очик, дастурхонли,
Эл эканнин билсинла (р)!
Самарқанду ҳам Бухоро,
Хивани га (ли) б гўрсинла (р)!

Амударё тўлкинидин,
Тўлиб-тошсин юрагим!
Икки сўзим бирисинда,
Тинчлик бўлсин тилагим!



СУРХОНДАРЁ

Аё дўстлар, таърифини баён айлай,
Биласизми, йўқми, сизга аён айлай,
Чин кўнгилдан куйлаб тилим бийрон айлай,
Шундай гўзал маскан экан Сурхондарё!

Азал миллий удумларнинг кони экан,
Меҳмон келса уйларига жони экан,
Томиринда Алпомишнинг кони экан,
Шундай гўзал маскан экан Сурхондарё!

Бахши сўз-у, дўмбирасин сози бошқа,
Қуёш нурин хазинаси ёзи бошқа,
Полвони бош, қизин ҳаё, нози бошқа,
Шундай гўзал маскан экан Сурхондарё!

Яйловида сурув-сурув эчки, қўйи,
Томошасиз ўтмас сира байрам, тўйи,
Чиройига чирой қўшар Аму бўйи,
Шундай гўзал маскан экан Сурхондарё!

Бунда кўрдим, Бойсун деган бир тоғини,
Олма, узум, хурмо, чамап гулбоғини,
Тавоф қилдим тарихга бой тупроғини,
Шундай гўзал маскан экан Сурхондарё!



ОНАЖОНИМ

Учай десам бордир қанотим,
Пойгаларда туртилмас отим,
Кўнглим хушдир, қувноқ ҳаётим,
Минг шукрки, онам бор, онам,
Онажоним, онам бор, онам.

Келаверар куйилиб алёр,
Қўшиқларим ҳамиша гулёр,
Омад кулиб боқар, зафар ёр,
Минг шукрки, онам бор, онам,
Онажоним, онам бор, онам.

Чин кўнгилдан кула биладан,
Бахтлиман деб, биладан,
Ҳеч ташвишсиз юра биладан,
Минг шукрки, онам бор, онам,
Онажоним, онам бор, онам.

Тирик бўлгай ҳар ким онаси,
Тарк айлагай армон ноласи,
Мағрурланиб юрсин, боласи,
Минг шукрки, онам бор, онам,
Онажоним, онам бор, онам.



НАСИҲАТ

СЎНГИНГНИ БАРСИН¹⁴

Бахт куши кўнса-ю, давлатинг ошиб,
Дунёлора сиғмин, юракинг дошиб,
Беҳуда созуриб, ақлинг адашиб,
Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!

Отда юриб, кейин қолсанг пиёда,
Юракинг чидамай, ғам ила дода,
Хатоларинг бир-бир тушириб ёда,
Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!

Писанд этмаганинг, учолса Ой (г) а,
Айланиб гетсалар, каттакон бой (г) а,
Ўхшатарлар санам юрган гадоё (г) а,
Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!

Узоқлашиб яқин қариндошларинг,
Денгизни дўлдириб, гўзда ёшларинг,
Урин дасанг, оғриб, ғамгин бошларинг,
Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!

Чақирмин кўярла (р), давра – тўйлар (г) а,
Вужудинг чўктириб, алам ўйлар (г) а,
Зиёдинқ атарсан, қурган уйлар (г) а,

¹⁴ Сўнгингни барсин – охиригини обод бўлсин

Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!

Куннан - кун кўриниб, ҳаммага ёмон,
Барча қайғу - ҳасрат бўлар сен томон,
Пуш (ай)монлар этарсан: «Тирикман ҳамон?!»,
Давронинг душдайн, ўнгингни барсин!
Аввалинг баринча, сўнгингни барсин!



АЙЁРЛАР ОЗМИ

Юрмаган ишларинг кетса юришиб,
Ўтирсанг, қошингда тикка туришиб,
Қувонсанг пинхона лабин буришиб,
Атрофинг ўраган айёрлар озми ?
Йиғласанг, қулишга тайёрлар озми ?

Мушугинг «Йўлбарс», деб, итингни: «Сиз»лар,
Дўстми –у, душманми ? сездирмас, гизлар,
Йўлингнан уришни (нг) йўлини излар,
Атрофинг ўраган айёрлар озми ?
Йиғласанг, қулишга тайёрлар озми ?

Қўллари кўксида - бўяб кўзингни,
Қулоғин тикишиб, тинглар сўзингни,
Ёмона чиқариб, ўзли - ўзингни,
Атрофинг ўраган айёрлар озми ?
Йиғласанг, қулишга тайёрлар озми ?

Мақсади дастурхон, неки йўқ - боринг,
Чиройли бўлса гар сен севган ёринг,
Ёки ул етмаган мансаб-у коринг,
Атрофинг ўраган айёрлар озми ?
Йиғласанг, қулишга тайёрлар озми ?

Сабабчи ўзингсан, иш тушса бошга,
Армон-ла тўкилган кўздаги ёшга,
Кўнтилчан бўлма, сен, ҳеч бағри тошга,
Атрофинг ўраган айёрлар озми ?
Йиғласанг, қулишга тайёрлар озми ?

ЁЛҒОН ТОПАРСАН

Подшо (х)ни ҳам тақдир гадо қилади,
Ким қувонса, ғамлар адо қилади,
«Мен булбул» деб, чумчуқ гадо қилади,
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан.

Қора сочинг ҳасрат оқа дўндираб,
Жон – қарздор! Тангрим қайта ундираб,
Бир гун галиб, ёғоч ота миндираб,
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан.

Ўзга юртни(нг) ери санго ер бўлмас,
Дул хотин (г)а биров эри эр бўлмас,
Маъниси йўқ сўздан яхши шеър бўлмас,
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан.

«Дўстингман, ман» деган, душман бўп чиқар,
Пайтинг пойлаб, гулиб шундин бир йиқар,
Молинг олиб, ўзинг зиндон (г)а тикар,
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан.

Вафоси йўқ баъзи ёрлар, «ёр»ман дер,
«Мен ҳамиша вафо ичра борман», дер,
Бошқасини ўйлаб: «санга зорман» дер,
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан.

Замон ўзи жуда яхши замондир,
Баъзиларин қилар иши ёмондир,
Яхшилари кетиб, ёмон омондир.
Ҳақиқатни излаб ёлғон топарсан

КЎРАВЕРАСАН

Катта-ми ? Кичик-ми? Нечадир ёшинг ?
Осмонда бўлса-да, эгкин бу бошинг,
Ётлар ҳам бўлади қавму - қардошинг,
Тақдиринг кўзгудир, кўраверасан,
Не эксанг, экканинг ўраверасан...

От миниб, яёвдан кулмагин зинҳор,
Ўзингни буюк деб билмагин зинҳор,
Покиза қалбларни тилмагин зинҳор,
Тақдиринг кўзгудир, кўраверасан,
Не эксанг, экканинг ўраверасан...

Сийламас, ким, туккан ота - онасин,
Тавоблар айлабон кулба хонасин,
Айблаш бефойда эрка боласин,
Тақдиринг кўзгудир, кўраверасан,
Не эксанг, экканинг ўраверасан...

Бўлмаса ҳаётда на дўсту ёринг,
Улардан афзал деб, мансабу коринг,
Ҳаммадан бой бўлгин - тийиндир боринг!
Тақдиринг кўзгудир, кўраверасан,
Не эксанг, экканинг ўраверасан.

Шўх кунинг айланса алам - фарёд (г)а,
Юрагинг чидамай, ғам ила дод (г)а,
Қилмишинг эслагин, тушир бир ёд(г)а,
Тақдиринг кўзгудир, кўраверасан,
Не эксанг экканинг ўраверасан...

БЎЛМАСА?!

Кунинг кунми? Кечирсангда бол чайнаб,
Ёнингда бир гўзал дилдор (б)ўлмаса ?!

Завки завкми ? Қўшиқла (р)ни сарасин,
Қўшиб турган тапбур - дугор (б)ўлмаса ?!

Дўлиб - дошиб, оқарми ҳеч дарёла (р) ?
Қишда ёкқан ёмғиру – қор (б)ўлмаса ?!

Қоринжадин¹⁵ обрў топмас эл ичра,
Девдин йигит, алинда қор (б)ўлмаса ?!

Нелигнини билармикан, дармоннинг,
Соғлом одам, дард(г)а дучор (б)ўлмаса ?!

Яқинларинг ётлашади, танимас,
Могу дунёш, ҳам мансабинг (б)ўлмаса ?!

Сўзлармиди киши меҳр - шафқатдан,
Умр бўйи меҳрга зор (б)ўлмаса ?!

Шукр айла сан, бу кунлар(г)а, эй, Ўктам !
Етармидинг, гар Худо ёр (б)ўлмаса ?!



¹⁵ Қаринжа - чумоли

УСТИДА

Душманинг – дўст, дўстинг - душман,
Пичогинг мой устида.

Бири тулки, бири сиртлон,
Сен эга жой устида.

Хурмати йўқ киши, ўзин,
Сезади, Ой устида.

Хотини пул топса, эри -
Кезади той устида.

Ота - она керак бўлмай,
Кетса, дод-вой устида.

Ака-ука қон кечади,
Суви йўқ сой устида.

«Мен яқин» деб, талашарлар,
Етти ёт, бой устида.

Бахти кулган - озода, пок,
Ётса-да, лой устида.

Ўз қадрини билмаганни (нг),
Бекадр «ҳой» устида.



БЎЛМАДИМ

Мол дунё ортгирдим, ноўрин сочдим,
Жафога - вафо деб, қучоғим очдим,
Душманним изладим, дўстимдан қочдим,
Йўқолган номус-у, орча (б)ўлмадим.

Саломим аядим, яқин - йироқдан,
Қаро деб, четландим, мен, кўнгли окдан,
Эшитиб қувондим, «Чўли Ироқдан»,
Оҳидан узилган торча (б)ўлмадим.

Шайтону - (а)жинлар ўраб олдилар,
Нур дея, кўнимга чўшлар солдилар,
Йиғласам, устимдан кулиб қолдилар,
Туёқ-ла янчилган морча (б)ўлмадим.

Бир зумлик давроним - минг йил туюлди,
Мазмунсиз, маъносиз давра уюлди,
Тил учи меҳрлар бошдан қуйилди,
Ёрига бевафо ёрча (б)ўлмадим.

Қуриган қамишдек, сувсиз бир рош¹⁶да,
Яқиним - соям бўп, қолдим - кўз ёшда,
Ҳимрим (ни) ўтказдим — сабр-бардошда,
Баҳорда ёққан бир қорча (б)ўлмадим.

¹⁶ Рош — Ариқдан қазиб чиқарилган ва қуриб қолган тупроқ. Хоразм шеvasида унинг «пўрсанг» деган варианты ҳам мавжуд.

ҚОЧ

Боринг бўлса, ерлар, ичарлар,
Йўқотишга режа бичарлар¹⁷,
Бир тангага - сендан кечарлар,
Қоч, улардан, доим омон юр!
Ота-онанг, ёринг томон юр!

Касал ётсанг, ҳолинг сўрмаслар,
Кувончингни кўра билмаслар,
Беҳудага сен-ла юрмаслар,
Қоч, улардан, доим омон юр!
Ота-онанг, ёринг томон юр!

Молинг олиб, бермаслар қайтиб,
Изингдан кўп тухматлар айтиб,
Ҳам куларлар, рангинг саргайтиб,
Қоч, улардан, доим омон юр!
Ота-онанг, ёринг томон юр!

Дўстим, эшит, мани сўзимни!
Шундайлар кўр килди, кўзимни!
Едирдилар ўз(им)га - ўзимни!
Қоч, улардан, доим омон юр!
Ота-онанг, ёринг томон юр!



¹⁷ Бичарлар – Одатда, кийим тикишда етти ўлчаб бир кесишни «бичиш» дейишади.

ДАРМОНДИР

Қўллари(нг)ни чўзсанг, етса Ойлар(г)а,
Юзинг тушса, кунда, жаннат жойлар(г)а,
Жўшиб юрсанг, ўхшаб Ҳотамтойлар(г)а,
Юрагинг(нг)ни ичи тўла армондир !
Қувончу ғам бир-бири(н)а дармондир !

Кунинг ўтса мудом созу базмда,
Давраларда шеър(у) газал, назмда,
Дунё кезсанг, ту(р)ли шаҳри-аз(и)мда,
Юрагинг(нг)ни ичи тўла армондир !
Қувончу ғам бир-бири(н)а дармондир !

Сийлай билсанг, ота-она зоринг(и)ни,
Дийдорина тўя билсанг ёринг(и)ни,
Бўлмаса-да данг(и) - касбу коринг(и)ни,
Юрагинг(нг)ни ичи тўла армондир !
Қувончу ғам бир-бири(н)а дармондир !

Тарифларинг кетса жумла-жаҳона,
Чўминб кетсанг, чексиз шуҳрат ҳам шона,
Қўйилмаса-да, буюклигинг нишона,
Юрагинг(нг)ни ичи тўла армондир !
Қувончу ғам бир-бири(н)а дармондир !

Таъзим этса етти иккинч(и) султони,
Ал¹⁸ остинда турса, тили - зар кони,
На истасанг, пайдо бўлса имкони,
Юрагинг(нг)ни ичи тўла армондир !
Қувончу ғам бир-бири(н)а дармондир !

¹⁸ Ал- қўл, яъни чексиз имкониятлар эшиги очилса, демокчи

ҲАҚ

Ҳақиқатни енгар ёлгон, берсалар пора,
Қонлар йиғлаб юрар неча мўмин-бечора.
Яхшиликдан ёмонликлар кўрмаган ким бор?
Ўғри бўлиб, тўғриман деб юрмаган ким бор?
Ҳақни(нг) ўзи ҳақлиги ҳақ! Ҳеч ёлгон эмас!
Бирор кимса жавобига кеч қолгон эмас!

Йилни(нг) иссиқ куни бор-у, қишн йўқми айт?
Қорни тўйиб еганларнинг кўзи тўқми айт?
Мансаб учун яқинидан кечган неч(т)аси.
Етти ётнинг пайтавасин ечган неч(т)аси.
Ҳақни(нг) ўзи ҳақлиги ҳақ! Ҳеч ёлгон эмас!
Бирор кимса жавобига кеч қолгон эмас!

Дўст билганинг қилар иши душмандан ёмон,
Кулиб туриб дейди: «Ўзи шундайин замон».
Шундай қизиқ қонуни бор ҳаёт деганин,
Кимки очкўз, сингиролмас¹⁹ зиёд еганин.
Ҳақни(нг) ўзи ҳақлиги ҳақ! Ҳеч ёлгон эмас!
Бирор кимса жавобига кеч қолгон эмас!



¹⁹ Сингиролмас – ҳазм қилолмас. Бу ўринда очкўзлик билан йиғилган мол-давлат бевафоллиги ҳақида сўз бормоқда. Демак, саховатли иш олишдиҳмат бўлиш лозимлиги уқтирилмоқда.

АЛДИНДА²⁰

Порлаб тургон одли-одли²¹ юлдузла (р),
Шамчиро(к)дин кўринмас Ой алдинда.

Ёд(г)а тушмас кури дарё²² ўзани,
Чирпиб оқар киччи²³ бир сой алдинда.

Тилла тақа қоққан билан эшак(к)а,
Қолиб кетар чопқида²⁴ той алдинда.

Жой топми(й)сан, тўй берса, энг яқининг,
Кейин келган, етти ёт - бой алдинда.

Ўзи оч қо(ли)б, меҳмон олиб, туз берган²⁵,
Обрўлидир, минг Ҳотамтой алдинда.

Йиқик бўлса (ха)м яшаб тургон чартак²⁶ инг,
Қадрлидир, ўзга сарой алдинда.

Кўнглинг тоза тутиб²⁷ юрсанг, эй, Ўқтам !
Юзинг ёруғ бўлар Худой алдинда.



²⁰ Алдинда – олдида

²¹ Одли-одли – машҳур, номдор дейилмоқчи

²² Кури дарё – қуриган дарё

²³ Киччи – кичик

²⁴ Чопқида – пойтада

²⁵ Ўзи оч қо(ли)б, меҳмон олиб туз берган – Энг сўнги нонини ҳам меҳмонга илина олган, سخонадди киши

²⁶ Чартак – Қиминдан тикилган кана, чолдевор

²⁷ Кўнглинг тоза тутиб – Қалбинини пок сақлаб

ЖОНИ - ЖОН

«Кел» демас ерлар(г)а - бормагон яхши,
Иззатсиз ўтириб қолмагон яхши,
Уйингда қатти(қ) нон ялмагон²⁸ яхши,
Ҳар кимни(нг) жони - жон, бу ширин жонда,
Қадрингни йўқотма - беқадр ён(и)да.

Ўннингни²⁹ билмасанг, ўннинг билинмас,
Сўллаган³⁰ сўзларинг кўз(г)а илинмас,
Эътибор камайиб, ҳурмат қилинмас,
Ҳар кимни(нг) жони - жон, бу ширин жонда,
Қадрингни йўқотма - беқадр ёнда.

Қилмишинг қайтишин ўзингдан кўр, сан,
Эл ичра оқ-қаро юзингдан кўр, сан,
Ҳар, қоннинг дўймаса, гўззингдан кўр³¹ сан,
Ҳар кимни(нг) жони - жон, бу ширин жонда,
Қадрингни йўқотма - беқадр ёнда.

Йиғлатган одам³²ни - кулгани бо(р)ми ?
Бириси икки бў(ли)п, юргани бо(р)ми ?
Тинчгина давронин сургани бо(р)ми ?
Ҳар кимни(нг) жони - жон, бу ширин жонда,
Қадрингни йўқотма - беқадр ёнда.

²⁸ Ялмагон – Қаттиқ нонни оғиримай еган.

²⁹ Ўннингни – Ўринингни, иззатингни

³⁰ Сўллаган – сўзлаган

³¹ Қоннинг (қоринин) оғирса гўззингдан (кўзингдан) кўр – Нафсингни тий дейилмоқчи

³² Йиғлатган одам – Ёу ўрида бева-бечораларга нисбатан адолатсизлик қилган жоҳил кимса назарда тутилмоқда

ГЕТАР

Кувонсанг, кувониб кучган бахтингнан,
Даврон сур, қайтма! деб, энди аҳдингнан,
Айрилиб қолгон кун тожу тахтингнан,
Саломинг олминла(р) қорамин гетар,
Ҳол-аҳвол сўраш(г)а ярамин³³ гетар.

Итин(г)га эт³⁴ чайнаб берган кимсалар,
Мақтаниб, бошини керган кимсалар,
Кис(с)ангнан тушганин терган кимсалар,
Саломинг олминла(р) қорамин гетар,
Ҳол-аҳвол сўраш(г)а ярамин гетар.

Садақанг кутиб-ла тургон ҳар куни,
Ёлғонинг рослар(г)а бургон ҳар куни,
Минг бора салом(г)а кирган ҳар куни,
Саломинг олминла(р) қорамин гетар,
Ҳол-аҳвол сўраш(г)а ярамин гетар.

Оч галиб ёнинга қонни дўйғонло,
Оёқинг остино кўйло сўйғонло,
Гечиксанг, овқатин емин кўйғонло,
Соломинг олминло қоромин гетар,
Ҳол-аҳвол сўраша ёромин гетар.



³³ Қарамин - қарамай; Ярамин - ярамай

³⁴ Эт - гўшт

«САН» ДЕЯ БОШЛАР...

Йўқ ердан ёғилса, дулли³⁵ фалокат,
Йўқолса бойлигу, файзу-барака (т),
Қолмаса соғлигинг, кетса ҳаракат,
«Сиз» деган инсонла (р) - «сан» дея, бошлар,
Яқинла (р) ётлашиб, гўзларинг ёшлар.

Бўлмаса бир манфа(а)т, касбу корингда,
Меҳр ҳам йўқолар, дўсту ёрингда,
Изини топтирмас, еган борингда³⁶,
«Сиз» деган инсонла(р) - «сан» дея, бошлар,
Яқинла (р) ётлашиб, гўзларинг ёшлар.

Бараси³⁷ галмасла(р), олғанда олиб,
Ҳар хил(и) найрангли йўллара солиб,
Ҳолинг вой, гетса, гар, тийини қолиб,
«Сиз» деган инсонла (р) - «сан» дея, бошлар,
Яқинла (р) ётлашиб, гўзларинг ёшлар.

Ўгилу қизингнан синади сўзинг,
Дармилиб³⁸ ётқонда, ёрдама гўз(з)инг,
Ёмонла(р) гўриниб, ўзинг(г)а - ўзинг,
«Сиз» деган инсонла(р) - «сан» дея, бошлар,
Яқинла (р) ётлашиб, гўзларинг ёшлар.

Сезсалар йўқлигин бори имконинг,
Бермасла(р) уйингда беминнат нонинг,
Худога ёлвориб: «ол» дейсан, жонинг,
«Сиз» деган инсонла(р) - «сан» дея, бошлар,
) ётлашиб, гўзларинг ёшлар.

³⁵ Дулли - түрфа

³⁶ Изини топтирмас еган борингда - Мол- давлатинг борида атрофингда парвона бўлганлар мансабинингдан тушган сенин қонинида демокчи.

³⁷ Бараси - бергиси. Яъни қирч олиб кейин уни қайтаргиси келмайдиган, аниқроғи қарзни қайтаришни исламайдиган кимса

³⁸ Дармилиб - термилиб

ГАЛМИ(Й)ДИ...

Қувсанг-да, кетмайин, юрган қошингда,
Жўжани кўрган ул Чойдин³⁹ бошингда,
Давронинг гетса, гар, шерик ошингда,
Чақирсанг – галми(й)ди, борсанг – қочади,
Бахт қуши кўнган(г)а кучоқ очади.

Топганинг бўлмаса қайда поёни,
Чўзганла(р) кунда бер, дея, оя⁴⁰ни,
Йўқолса маълумдир, аниқ аёни,
Чақирсанг – галми(й)ди, борсанг – қочади,
Бахт қуши кўнган(г)а кучоқ очади.

Бир вақти танган(г)а зор бўлган кимса,
Кийиминг кийиб, сўнг, тор бўлган кимса,
Ишлари юришиб, бор бўлган кимса,
Чақирсанг – галми(й)ди, борсанг – қочади,
Бахт қуши кўнган(г)а кучоқ очади.

Қўй бериб, (х)ўкизинг олиб гетганла(р),
Тўйла(р)да тонг(г)ача қолиб гетганла(р),
Қолганин халтаға солиб гетганла(р),
Чақирсанг - галми(й)ди, борсанг – қочади,
Бахт қуши кўнган(г)а кучоқ очади.

Соянг(г)а қилганла(р) минг бор ибодат,
Дониминг⁴¹ гетиши табиий одат,
Замона зай(и)ли шундан иборат,
Чақирсанг – галми(й)ди, борсанг – қочади,
Бахт қуши кўнган(г)а кучоқ очади.

³⁹ Чой - жўжа овловчи қуш (Қалхат)

⁴⁰ Оя – кўлини, папжасини. Яъни таъмагирлик билан қўл чўзади дейилмоқчи.

⁴¹ Дониминг - танимай, танимаганга олиб.

ЁМОНЛИК ЙЎҚ

Топганингни ётми-дўғгон долоши⁴² бо(р),
Сочларингни пойки билан дороши⁴³ бо(р),
Қучоқ очиб, панжа уриб, қороши бо(р),
Уларда ҳеч тил учи(н)да ёмонлик йўқ,
Энг яхшисин - яхшисиннан⁴⁴ омонлик йўқ.

Охиргингнам⁴⁵ қолдирмасдан олмоқ истар,
Гар йикилсанг, кулиб қарсақ чалмоқ истар,
Гулчамбар деб, ипак сиртмоқ солмоқ истар,
Уларда ҳеч тил учи(н)да ёмонлик йўқ,
Энг яхшисин - яхшисиннан омонлик йўқ.

Кежа-қундуз дастурхонда ётажақла(р),
Сиринг билиб, душманинг(г)а сотажақла(р),
Икки кўз(з)ин милтиқ этиб отажақл (р),
Уларда ҳеч тил учинда ёмонлик йўқ,
Энг яхшисин - яхшисиннан омонлик йўқ.

Олгинг⁴⁶ бўлса(ҳа)м, улар учун қарздорсан,
Қанчалик кўп алинг очма, зикна, торсан,
Баргисини⁴⁷ кечсанггина - дўсти-ёрсан,
Уларда ҳеч тил учи(н)да ёмонлик йўқ,
Энг яхшисин - яхшисиннан омонлик йўқ.

Хавф-хатарни сезса, сени бошда гўржак⁴⁸,
Қувноқ кунинг - кўз(з)инг, қайғу-ёшда гўржак,
Ўлмасингнан - номинг қабртошда гўржак,
Уларда ҳеч тил учи(н)да ёмонлик йўқ,
Энг яхшисин - яхшисиннан омонлик йўқ.

⁴² Ётми дўғгон - ети ёт бегона ҳам, қавму қариндош ҳам

⁴³ Пойки билан дорош - пақки билан қиртишлаш, яъни мол-дунёнинг талашиш

⁴⁴ Энг яхшисин-яхшисин - ҳаммаси ҳам талон-торож қилиш тилагида дейилмоқчи

⁴⁵ Охиргингнам - сўнгги парча номингнинг ҳам

⁴⁶ Олгинг - қарз сифатида берган маблағингнинг олмоқчи бўлсанг маъносиди

⁴⁷ Баргиси - қайғарадиган қарин

⁴⁸ Сени бошда гўржик - хавф туғилиши билан сени чоҳга итаришга шай

ДАВРАЛАР

Йўқ нарса ўзи йўқ, ноз-неъмат кони,
Мусаллас, шакар, бол, каймоқли нони,
Ҳар бири ўзича, жаҳон султони,
Мусофир қиёфа, айёр давралар.

Куй, қўшиқ завқидан роҳат олиш йўқ,
Қанча кўп еса-да, демас: «Қорним тўқ»,
Бир-бирин мўлжаллар топилса, гар, ўқ,
Ўйламай, отишга тайёр давралар.

Масхара килишар кирса бечора,
Бировнинг мушкили жонига оро,
Энг яқин дўстидан таъмаси пора,
Бермаса қочарлар, сайёр давралар.

Манфа(а)тим тегар деб, келмай кетади,
Садақа берганин миннат этади,
Мансабинг бўлмаса, сени нетади,
Давлатинг борида бисёр давралар.

Юзаки меҳрибон - изингдан сўқар,
Киноя гап ила қўнглини тўқар,
Бир пул чун гадога минг бор тиз чўқар,
Мусибат кунингда алёйр давралар.

Истадим ҳаминна софдил, беғараз,
Соддадил, қалби пок, қилмайтун⁴⁹ ғараз,
Яхшилар туюлди гўёки фараз,
Дуч келди бир умр ағёр давралар.

⁴⁹ Қилмайтун ғараз - ғаразгўйлик қилмайдиган, беғараз

ДҮСТ

Дўстга дўсту, ҳам йўлдош,
Ака-ука, мард, сирдош,
Тўғри йўлда ўзи бош,
Топиларми чин, ҳақ дўст ?

Ул подшо, мен кул бўлсам,
Тақдир ёқса, кул бўлсам,
Кўнгил берса, гул бўлсам,
Топиларми чин, ҳақ дўст ?

Шайтон тузин тотмаган,
Пайтинг пойлаб ётмаган,
Мол дунёга сотмаган,
Топиларми чин, ҳақ дўст ?

Содда дилли, кўнгли оқ,
Хиёнатга ёт, йирок,
Гар ишонсанг, сен бироқ,
Топиларми чин, ҳақ дўст ?



КУТИБ ОЛУРЛАР

Зўр кутиб олурлар, мисоли бир хон,
Кўзингни яшнатар тўкин дастурхон,
Атрофинг тўладир сохта содикқа
Гўёки, сен учун бермоқчидай жон.

Беҳуда кўрмайсан ҳурмат, ҳеч жойда,
Пиёда юрарлар, сен юрсанг тойда,
Ўзинг-ча кетасан Ҳотамтой бўлиб,
Зарарин кўрсанг-да, берасан фойда.

Йўлингда пәендоз ёш қаламқошлар,
Ёқмайсан, шунда ҳам эркалай бошлар,
Фазога учасан сеҳр-жолудан,
Арзондай туюлар энг қиммат тошлар.

Етти ёт кимсалар дўсти-ёрингдир,
Дўстлигин риштаси мансаб-корингдир,
Фарқи йўқ, дўстмисан ёки бир душман,
Уларга кераги - қўлда борингдир.

Лек бир кун қўлингдан кетса давронинг,
Эгасиз қолгандай кумда қарвонинг,
Қидирсанг топиламас улар сояси,
Дардин(г)а дармон бўл, дилда армонинг.



БЎЛМИЙДИ

Куёшли кун соя бармас тол бўлмийди,
Шакарни минг қайнатсанг ҳам, бол бўлмийди,
Ҳар жойда ҳам қора нуқта ҳол бўлмийди,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

Ризқинг бўлса, кум (г)а эксанг ҳосил унар,
Ёмонларни яхшилиқ (к)а унда, кўнар,
Тозалик йўқ жой (г)а мудом чивин кўнар,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

Қиш фаслининг ўзга яраш (а) қори яхши,
Кўнгишининг⁵⁰ да бўлса, агар, бори яхши,
Йигит учун кўли(н)да бир қори яхши,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

Ўзи судхўр бўлган бойни - бой демаслар,
Йўрғаси йўқ тойни кўриб, той демаслар,
Меҳмон келмас қасринг асло жой демаслар,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

Севсанг, севар ёринг пари, гўзал бўлсин,
Эшитганинг куй-у, кўшиқ, ғазал бўлсин,
Бор бир танганг - йўқ тилладан афзал бўлсин,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

От минсанг ҳам, мингин зўр, ёш саманин,
Қўйгин ўзга юртнинг Париж ҳам Яманин,
Қадрини бил, элинг, юртинг чўл-чаманин,
Ўз қадрини билмагани (нг) қадри бўлмас.

⁵⁰ Кўнгишинг - кўшнинг

ТОПМАДИМ

Мен қанча кулмайин, барибир ёндим,
Севинчга ташнаман, хўрликдан қондим,
Ёлгонни рост кўриб, чиндан ишондим,
Ҳолимни сўрарга хўстор топмадим.

Ҳурматинг ҳурмат-ла қайтиб беролган,
Хатойинг юзинг(г)а айтиб беролган,
Юборган саломинг элтиб беролган,
Ишонса бўлгудек, дўст-ёр топмадим.

Учрадим баъзи бир гўзал бебошга,
Фарқи йўк, қирқ ўрим қирқилган сочга,
Юсуфни авраган ул қаламқошга,
Жафосиз, вафоли дилдор топмадим.

Дардимга ҳамдардим бўлиб қолар деб,
«Гиря»нинг куйи-ла кўнглим олар деб,
Музлаган вужудим ўтга солар деб,
Ноласи ноламдай дутор топмадим.

Яхши-ю ёмонни фарқига етдим,
Хатойим англадим - дарилиб кетдим,
Мазмунсиз, маъносиз ҳаётим петдим,
Қучоғин очмаган бир дор топмадим.



ЙЎҚ

Дунё гўзал - яшаш учун,
Енгил ҳаёт совғаси йўқ.

Тилла ўйнаб бол⁵¹ еганнинг,
Ким айтади ғавғоси йўқ.

Юлдуз кучмоқ истасанг, уч,
Ердаги соф ҳавоси йўқ.

Қиммат молинг арзон айтсанг,
Айби бор деб, савдоси йўқ.

Сўз мағзини чакмас хофиз,
Куй-кўшинин сафоси йўқ.

Ўртада мол-дунё турса,
Дўстга дўстнинг вафоси йўқ.

Ҳавас қилма бойларига,
Қай бир элнинг гадоси йўқ.

Ватанни тарк этган киши,
Армонларин адоси йўқ.

Ким ёмонлик истар, агар,
Билгин ани, Худоси йўқ.

Ҳақлик дардинг бўлса, Ўктам,
Бу дардингни(нг) давоси йўқ.

Буюрганга - буюради,
Югурганинг пайдоси⁵² йўқ.

⁵¹ Бол- асал

⁵² Пайдоси - фойдаси, югурганин бефойда

ТАЙИН

Агар шайтон тутса ақлинг отин жиловин,
Тўғри йўлни эгри дея, чотиши⁵³ тайин.

Ўзи ёкиб, ёқтирмаган йигит-у қизга,
Йўқдан яхши, ёқмаган ёр ёқиши⁵⁴ тайин.

Мансабингда, номинг «тилла» қўйган дўст-ёринг,
Тушганинга қадринг бепул сотиши тайин.

Катта бой бўп, шакар-у бол еган кимсалар,
Тақдир гадо айлаб, зардоб тотиши тайин.

Келишингдан кетишинг тез армон дунё бу,
Шуқун чикқан қўшн - шуқун ботиши тайин.

Қаро тунлар бошга тулса, сабр айла, Ўктам,
Эртасига кулиб, тонлар отиши тайин.



⁵³ Чотиши - аллаши, ҳақ йўлдан адаштириши

⁵⁴ Ёқмаган ёр ёқиши - бегонани севиб қолиши. Бу ўринда севмаганга суйкалма дейилмоқчи

БОРУ- ЙЎҚ

Бу ёлғончи, синаб берган даврон бору- йўқ,
Ўз танангга азиз жонинг меҳмон бору-йўқ.

Чўлу-сахро дема йўлин, турма бир жойда,
Юриб кўргин, гулзор чиқар, карвон бору-йўқ.

Ёрингни деб, ота-онанг қадрин билмасанг,
Армонларда ўтар умринг, инсон бору-йўқ.

Кўзинг(г)а сурт, чанг-тўзонин элу-юртингни,
Фарқи йўқдир, чумчуқ учун макон бору йўқ.

Бахт қушини учирмагин, қўнса бошинга,
Бошинг(г)а қайтадан кўниши кўп гумон, бору-йўқ.

Эй, Ўктам, сен, қайгуни қўй, қуйла қувончдан,
Берилурми, бундайин ҳеч имкон бору-йўқ.



КЎНГЛИМ

Балки, мен туфайли қувонмай ўтдинг,
Бу ҳаёт ғамидин ҳеч қонмай ўтдинг,
Ёринг(г)а етмадинг, лек, тонмай ўтдинг,
Кел, кўнглим, ўйна, кул, араз қиб юрма,
Ўзгалар меҳрини ҳавас қиб юрма!

Армонинг масхара қилиблар юрдим,
Ҳар дамда юрагинг юлиблар юрдим,
Гоҳида йиғлатиб, кулиблар юрдим,
Кел, кўнглим, ўйна, кул, араз қиб юрма,
Ўзгалар меҳрини ҳавас қиб юрма!

Бир чимдим меҳрга интизор кўзинг,
Айрилиқ ҳасрати бўлди ҳар сўзинг,
Сотмадинг, дўстликда ягона ўзинг,
Кел, кўнглим, ўйна, кул, араз қиб юрма,
Ўзгалар меҳрини ҳавас қиб юрма!

На яйраб билдинг сен, сиғмай жаҳона,
Бўлса-да имконинг ҳаёт шоҳона,
Ҳеч кимдан кўрмадинг излаб баҳона,
Кел, кўнглим, ўйна, кул, араз қиб юрма,
Ўзгалар меҳрини ҳавас қиб юрма!

Ушалмай қолса-да орзу бор бўлар,
Хаста дил яшашдан умидвор бўлар,
Энг сўнг(г)и дамимиз Худо ёр бўлар,
Кел, кўнглим, ўйна, кул, араз қиб юрма,
Ўзгалар меҳрини ҳавас қиб юрма!



ҚАРИЯЛАР УЙИДАН САДО

Жой топилмай қолди уйимда,
Қўшилдим мен кимки кўйимда,
Битта тугун, эски буюмда,
Қариялар уйи маконим.

Тушимга ҳам кирмаган эди,
Ҳамдардларим «такдиринг», деди,
Азоблари тириклай еди,
Қариялар уйи маконим.

Ўз уйимда боғларим қолди,
Қирчиллама чоғларим қолди,
Фарзандларим, доғларим қолди,
Қариялар уйи маконим.

Орзу, умид қилган эдим, мен,
Ўғил-киз деб, юрган эдим, мен,
Юрак-бағрим тилган эдим, мен,
Қариялар уйи маконим.

Ақлим етмас, ўйлайин, десам,
Мадорим йўқ, юрайин, десам,
Кўзим кўрмас, кўрайин, десам,
Қариялар уйи маконим.

Сочларимда қаро қолмади,
Фарзандларим хабар олмади,
Аламин не қуйга солмади,
Қариялар уйи маконим.

ҚИЗЛАРГА

Гар келгирсанг, иснод, номус ҳам орларга,
Ишониб сен, сохта ошиқ-ғамхорларга,
Уйинг тўлмас, куй-қўшиғу, ёр-ёрларга,
Ибо, ҳаё қочиб кетар, кўзларингдан,
Чимилдик ҳам юз ўгирар, юзларингдан.

Ёнгил ҳаёт қамраб олса, ўйларингни,
Ўйламайин, эртанг бўлар тўйларингни,
Шармандалиқ безар, қадди-бўйларингни,
Ибо, ҳаё қочиб кетар, кўзларингдан,
Чимилдик ҳам юз ўгирар, юзларингдан.

Ҳар бир саёк булбулни(нг) сен, гули бўлма!
Кўнгил хушлаш ҳаёлларин қули бўлма!
Сўнгги пуш(ай)мон, армонларинг қули бўлма!
Ибо, ҳаё қочиб кетар, кўзларингдан,
Чимилдик ҳам юз ўгирар, юзларингдан.

Ифқатинг-ла безамасанг, ой юзларинг,
Ҳеч йигит-ла, ярашмайди юлдузларинг,
Қаро тунга айланади, қундузларинг,
Ибо, ҳаё қочиб кетар, кўзларингдан,
Чимилдик ҳам юз ўгирар, юзларингдан.



БАҲОСИ

Борингдан айрилиб, хор бўлиб, ётсанг,
Кенг жахон кўзинг(г)а тор бўлиб, ётсанг,
Бир чимдим меҳрга зор бўлиб, ётсанг,
Аниқ баҳоси бу – юмушларингни(нг),
Ҳаётда кўрсатган – қилмишларингни(нг) !

Ҳол сўраб келмаса, дўст-ёр қошинг(г)а,
Оғир кун тушганда, на(и)лож бошинг(г)а,
Кўз ёшинг томчилаб, еяр ошинг(г)а,
Аниқ баҳоси бу – юмушларингни(нг),
Ҳаётда кўрсатган – қилмишларингни(нг) !

Қатордан чиқариб, ул буюк зотлар,
Йўлинг(г)а боссалар, жангал-у, чотлар⁵⁵,
Табаррук кўринса, гар, етти ётлар,
Аниқ баҳоси бу – юмушларингни(нг),
Ҳаётда кўрсатган – қилмишларингни(нг) !

Ўз боланг ҳар сўзда юзингдан олиб,
Юрганда, турли хил йўлларга солиб,
Ёкангдан ушласа, ҳайронлар қолиб,
Аниқ баҳоси бу – юмушларингни(нг),
Ҳаётда кўрсатган – қилмишларингни(нг) !

Кўринмай қолганда дилда баҳор, ёз,
Кўнглингдан четланса ўйин-кулги, соз,
Балки, булар бари сенинг учун оз,
Аниқ баҳоси бу – юмушларингни(нг),
Ҳаётда кўрсатган – қилмишларингни(нг) !

⁵⁵ Жангалу чот – тўсиқ. Ошпада, ғриакларда бош қахрамон жангалзор ва тўқайзорлардан иборат тўсиқларни енгиб ўтди. Бу ерда яшоган кишилар тақдир терс келганида ёрдам берини ўрнига жарга итаришди дейилмоқчи. Демек, хушёрликка даъват ва эзгу амаллар билан ҳаётни безашга ундаш руҳи устувор

ДЎСТИМ ХОТИРАСИГА

Қачон борсам, дуторингни сайратар эдинг,
Кўнгилхушлик билан дилим яйратар эдинг,
Кўзларингдан меҳр нурин таратар эдинг,
Дўстинг ўлди, деганлари ёлғондир, ёлғон !

Куй-наволар завқин энди, кимла сўзлашай,
Суворалар оҳангида ким-ла бўзлашай,
Ютуқлар-у, режамизни ким-ла кўзлашай,
Дўстинг ўлди, деганлари ёлғондир, ёлғон !

Яхши ният, орзуларинг бисёр эди-ку !
Мол-дунёмас, орттирганинг дўст-ёр эди-ку !
Янги уйда келин олиш ёр-ёр эди-ку !
Дўстинг ўлди, деганлари ёлғондир, ёлғон !

Қувонч-алам армонинг(г)а айландими, ё ?
Сирли дардинг дармони(г)а айландими, ё ?
Ажал йўли сарбонинг(г)а айландими, ё ?
Дўстинг ўлди, деганлари ёлғондир, ёлғон !

Кечир, дўстим розилашиб кузатолмадим,
Тобутинг(г)а қўлларимни узатолмадим,
Бари тушдай, ҳалигача англаёлмадим,
Дўстинг ўлди, деганлари ёлғондир, ёлғон !



КАРВОНИМ

Танигандан буён ўзимни,
Шайтон боғлаб қўйди кўзимни.
Рости ёлғон чиқиб сўзимни(нг),
Кўп адашди, ҳаёт карвоним.

Қадам босиб, эгри йўллардан,
Қанча даврон ўтди қўллардан,
Мадад сувин излаб чўллардан,
Кўп адашди, ҳаёт карвоним.

Чидайвердим неки йўқ-борга.
Ишониблар сохта дўст-ёрга,
Доғ тушириб, номус-у, орга,
Кўп адашди, ҳаёт карвоним.

Йўқ мақсад-ла яшай бошладим,
Қулиб туриб, кўзим ёшладим,
Ўз вужудим ўзим ошладим,
Кўп адашди, ҳаёт карвоним.

Гар мен кетсам куйлар чалинглар,
Қўшиқларим куйлаб қолинглар,
Ўктам руҳин эсга олинглар,
Кўп адашди, ҳаёт карвоним.



ЙЎҚ

Бу дунёда бир умрлик даврон йўқ,
Вақти келиб йиқилмаган полвон йўқ.
Тушдайин бу шону шуҳрат, мол-дунё,
Бизга қадар, айт-чи кимдан қолгон йўқ?

Чанг-тўзон(г)а айланади тоғлар ҳам,
Юк бермайин қўяр мева боғлар ҳам.
Чикмай туриб ботиб кетган қуёшдек,
Қайтмас ёшлик – қирчиллама чоғлар ҳам.

Қорни тўқлар кўзларин тўқ етолмас,
Бунда барча орзусига етолмас.
Карвон бирдир, ризки бошқа, ҳеч бири,
Бирин ризкин бири олиб кетолмас.

Кимга алам, кимга қувонч гоҳ оҳлар,
Ювиларми, қилсанг оғир гуноҳлар?
Совуқ ерни қучиб ётар жимгина,
Пар тўшакни қаттиқ билган ул шоҳлар.

Шукрона айт, неки йўқу-борига,
Дуч келмайин яратганнинг қорига⁵⁶.
Қайтар дунё дейдилар бу дунёни,
Кўнгил қўйма, Шайтон феъли-қорига.



⁵⁶ Қори - қиқри

МЕҲР

Ман бу ҳаёт бозорига,
Пулсиз кирган харидорман.
Топилмас бир нарсасига,
Умрим бўйи шундай зорман.

Манга бунда на кийим-бош,
На бир шакар-бол керакдир.
На бир тилло, на бир уй-жой,
На бир туя, мол керакдир.

Бир чимдимдай меҳр топсам,
Жоним бериб олажокман⁵⁷.
Йўликишим билмадим-ов,
Қўлим чўзи(и)б қолажакман⁵⁸.



⁵⁷ Олажакман - олмоқчиман

⁵⁸ Қолажакман - қолмоқчиман

ЯХШИЛИК

Ерга қадаб турмай гул юзинг,
Чин дилингдан сўзлагин сўзинг,
Қилганмисан, умрингда ўзинг –
Яхшиликка бир бор яхшилик?!

Олганини берган кўпми, айт?!
Дўст хурматин билган кўпми, айт?!
Бу дунёда кўрган кўпми, айт –
Яхшиликка бир бор яхшилик?!

Чиқиб кетар бир кун измингдан,
Қутулдик дер, кетсанг изингдан,
Насиб этмас ўғил-қизингдан –
Яхшиликка бир бор яхшилик!?

Дардин ичга ютиб ҳам юрма,
Йўлига кўз тутиб ҳам юрма,
Қайтади деб кутиб ҳам юрма –
Яхшиликка бир бор яхшилик!?



ЎЗИНГДАН КЎР !?

Эл ичинда ҳурматингни,
Бори йўғин ўзингдан кўр!?

Ишончини қозонганинг,
Рост-у ёлгон сўзингдан кўр!?

Тўйганинг ё тўймаганинг,
Ул икки оч кўзингдан кўр!?

Бошинг баланд тутишингни,
Оқ-у қора юзингдан кўр!?

Адан⁵⁹ ми ё тўрдалигинг,
Берган ош-у тузингдан кўр!?

Ота-онангга иззатинг,
Сан ўғил-у қизингдан кўр!?

Тўғри ёки эгрилигинг,
Босган қадам - изингдан кўр!?

Қуйланиш-у қуйланмасин,
Ўктам, ёзган сўзингдан кўр!?



⁵⁹ Адан - пойгак

БИР КУН

Манманликдан тор кўриб кенг жаҳон(н)и,
Оғритмагин ғариб кўнглин шод айла.
Унутмагин эски чопон-чоригинг,
Аввал ўзинг кимлигингни ёд айла.

Яхшилиқ қиб ҳеч ким зарар кўрмаган,
Борми ҳурмат қозонгани ёмон(н)инг.
Ундайлардан аҳли инсон жирканиб,
Иллати деб атайдилар замон(н)инг.

Бу дунёни қайтар дунё дейдилар,
Зўравонлик емирилмай қолмаган?!
Очиб кўргин эски тарих китобин,
Қайси ёмон бунда жазо олмаган?!

Ҳар сен гуноҳ ишларни кўп қилурсан,
Қилмишингни сезмас қонун ё Қози.
Бир кун келиб бошга тушгач билурсан,
Чунки Аллоҳ ўзи одил - тарози.



ОРЗУ

Келмай бурун кетадиган дунёда,
Йўқолмагай ҳеч бир инсонни(нг) изи.
Рухларин шод айлаб ўкиб дуолар,
Чирогини ёққай ўғил-у қизи.

Охтиқ-чўвлиқ⁶⁰ севиб ўтсин эркалаб,
Кўз тегмасин дея етган бўйина.
Дастурхонла(р) ёзиб, меҳмонла(р) кутиб,
Ўзлари бош бўлгай ҳар бир тўйина.

Оғримасин аҳли инсон диллари,
Сўлдирмасин ғам-аламлар – юзларин.
Шум хабарлар олиб яқин-йироқдан,
Армон ёши дўлдирмагай кўзларин.

Ҳар кўрганда фарзандларин бахтини,
Қувончлар(г)а тўлиб-тошиб юраги.
Розилигин айтсин гўзал ҳаётдан,
Ижобатла(р) бўлиб орзу тилаги!



⁶⁰ Охтиқ-чўвлиқ – Невара- чсвара

БАРИБИР...

Чиқар бўлсанг баланд тоғни(нг) устина,
Кенг йўл(х)ам тенг келолмас тор сўкмок(қ)а.
Нокас билан йўлдош бўлсанг сафарда,
Курукликд(х)ам ботирар лой, бўтмоқа⁶¹.
Бахмал даллик⁶² ёпқан билан эшак(қ)а,
Барибир(х)ам оғ(а)ни(й)ди, чанг, тўпроқ(қ)а.

Жуян ун⁶³ со(ли)б пиширсанг зўр, буломик⁶⁴,
Бир дуюр⁶⁵ эт илиб чикмас чўлпоқ(қ)⁶⁶ а.
Энг учкур от қолиб кетар чопкида⁶⁷,
Тушиб қолса гар жилов қўроқ(қ)а.
Бахмал даллик ёпқан билан эшак(қ)а,
Барибир(х)ам оғ(а)ни(й)ди, чанг, тўпроқ(қ)а.

Ака-ука мол-дунёни(нг) усти(н)да,
Тайёрдирла(р) бир-бирини отмок(қ)а.
Бол томибла(р) турса(х)м судхўр, уйи(н)да,
Таъма этар ювиндиндан дотмок(қ)а⁶⁸.
Бахмал даллик ёпқан билан эшак(қ)а,
Барибир(х)ам оғ(а)ни(й)ди, чанг, тўпроқ(қ)а.

⁶¹ Бўтмоқ - боткоклик

⁶² Даллик - От ёки эшакнинг ёпинчиги

⁶³ Жуян ун - жўхори уни

⁶⁴ Буломик - Жўхори унини чакки, қаймоқ ёхуд сарғ билан аралаштириб (булаб) пишириладиган овқат. Унинг кўриниши худди манний кашага ўхшаб кетади.

⁶⁵ Бир дуюр - бир нарча, бир дона (гўшт маъносида)

⁶⁶ Чўлпоқ - чўмич

⁶⁷ Чопки - пойга

⁶⁸ Дотмок - татимок

Боринг билса кетиб қолғон дўст-ёринг,
Қайтиб келар яна сани чатмоқ(қ)а⁶⁹.
Илон, чаён боқиб нон-у туз берсанг,
Югурминла(р) колмос сени чўқ(и)моқ(қ)⁷⁰а.
Бахмал даллик ёпқан билан эшак(қ)а,
Барибир(х)ам оғ(а)ни(й)ди, чанг, тўпроқ(қ)а.



⁶⁹ Чатмоқ - алдамоқ, чалкангирмоқ

⁷⁰ Чўқмоққа — чакмоққа. Бу ўринда илон чақиши орқали ҳар қанча яхшилик қилсанг ҳам, илон ва чаёнинг иши чакмоқдир дейилмоқчи

ОЛИБ ҚҰЙМАСИН

Омади ёр бўлиб, бахти қулган пайт,
Дунёга кўзлари тўйғон борми, айт?!
Борига шукр қил, сал инсоф(г)а қайт,
Берганин қайтариб олиб қўймасин!?
Қувончинг қайғуға солиб қўймасин!?

Ер юзин молига эга Искандар,
Қўл чўзиб кетган-ку мисли қаландар,
Нафсингни(нг) йўлида бўлма Самандар,
Берганин қайтариб олиб қўймасин!?
Қувончинг қайғуға солиб қўймасин!?

Оз еган саз ейди, дейдилар азал,
Оз бўлсин, кўп бўлсин, ҳалоли афзал,
Насиб этмай қолар йиртиқ пойафзал,
Берганин қайтариб олиб қўймасин!?
Қувончинг қайғуға солиб қўймасин!?

Савол бер ўзингга «Қилдингми савоб?»,
Бир танганг чиқса гар, бўлмагин кабоб,
Сўраса нима деб берасан жавоб?!
Берганин қайтариб олиб қўймасин!?
Қувончинг қайғуға солиб қўймасин!?



БОРМИ?!

Еб-ичиб бермайин киши ҳақ(қ)ини,
Эл ичра обрўда юрари борми?!
Куч-қувват дегани ақл эмасдир,
Бировни йиглатиб кулари борми?!
Бору йўқ бойлик(қ)а эга бўлса-да,
Кўзлари дунёга тўяри борми?!

Тож-у тахт бир кунлик – келар-у кетар,
Бесомон давронин суарари борми?!
Жумлайи жаҳонни олимларининг,
Ҳаётни орқагао суарари борми?!
Бору йўқ бойлик(қ)а эга бўлса-да,
Кўзлари дунёга тўяри борми?!

Дўстми ё душманми, ҳечам фарқи йўқ,
Бошинг(г)а иш тушса куяри борми?!
Ўғлингми, кизингми фойданг тегмаса,
Беминнат чой дамлаб қўяри борми?!
Бору йўқ бойлик(қ)а эга бўлса-да,
Кўзлари дунёга тўяри борми?!

Мингдан минг яхшилик эткан одаминг,
Сенга ҳам яхшилик тилари борми?!
Дунёнинг «жаннат»ин кезсанг-да агар,
Ўзингни(нг) юртинг(г)а келари борми?!
Бору йўқ бойлик(қ)а эга бўлса-да,
Кўзлари дунёга тўяри борми?!

ЎЗИНГ(Г)А...

Ўз халқини ҳурмат қилғон,
Бир умр раҳмат эшитгай.
Кимки тўкса кўз ёшларин,
Қарғиш-у, лаънат эшитгай.
Яхши бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а,
Ёмон бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а.

Ғарибларни(нг) бошин сила,
Жаннатий савоб айларсан.
Олиб есанг еяр ошин,
Дўзахда жавоб айларсан.
Яхши бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а,
Ёмон бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а.

Насиб қилар тўйларинг(г)а,
Топган-тутганинг ҳалоли.
Хиёнаткор бўлсанг агар,
Тегар наслинг(г)а малоли.
Яхши бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а,
Ёмон бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а.

Ўз элига содиқларни,
Қайга борса мард дейдилар.
Ватанини сотганларни,
Энг пастқаш, номард дейдилар.
Яхши бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а,
Ёмон бўлсанг(х)ам ўзинг(г)а.

БАНДАМАН

Кувончлари кўз ёшларга айланган,
Дили яро, тили алёр бандаман.

Ҳашаматли уйи туриб, кўча-куй,
Кезиб юрган дайди, сайёр бандаман.

Соддаликда соддаларнинг соддаси,
Айёрларга жуда айёр бандаман.

Бағритошга ундан қаттиқ бағритош,
Меҳрлига меҳри бисёр бандаман.

Имкон қадар қўлдан келса аямай,
Яхшилик чун мудом тайёр бандаман.

Мол-у дунё тўлиб тошиб ётса-да,
Энг бекадр, ҳам хору зор бандаман.



АЙИРМАСИН

Бу тош бошдан нелар кечмади,
Қанча қувонч, қанча ғам, алам.
Бирин-кетин ёза бошласам,
Ёниб кетар дардидан қалам.

Дўстим душман эканин кўрдим,
Бевафодан олдим кўп сабоқ.
Оғир кунда кўнгил истасам,
Яқинларим уйганин қовоқ.

Очилмасди менсиз дастурхон,
Энди «Кел!» деб айтмайди бири.
Афсуски, кеч англай бошладим,
Молу дунё экан-ку сири...

Ниятим шу аҳли инсоннинг,
Омад қуши учмасин бошдан.
Шукр қилиб берган кунига,
Айирмасин сабр-бардошдан.



НИМА ДЕЙ ?

Бири ташлаб кетса-да мени,
Тирик етим этса-да мени.
Бири кўйган уйин тўрида,
Эркалатиб қалбин кўрида.
Қай бирини «Она» деяй мен?!
Қай бирини «Ота» деяй мен?!

Бири кўз ёш тўксам қарамай,
Меҳрин бериш ўчун ярамай.
Бири босган қучиб бағрига,
Миндирибла(р) кўйган яғри(ни)га.
Қай бирини «Она» деяй мен?!
Қай бирини «Ота» деяй мен?!

Бири молу дунё кўйнида,
Ўз бурчини йўқ деб бўйнида.
Бири берган еяр нонини,
Ўйламайин ўзин жонини.
Қай бирини «Она» деяй мен?!
Қай бирини «Ота» деяй мен?!

Бири куйлаб юрган яллалар,
Раво кўрмай менга аллалар.
Бири менинг учун қуюниб,
«Гилла болам» деган суюниб.
Қай бирини «Она» деяй мен?!
Қай бирини «Ота» деяй мен?!

АЙЛАНМАСИН

Тиник сойга кесак отма,
Сувлари лойланмасин!
Аҳли Шайтон фикри зинҳор,
Миянгга жойланмасин!
Ҳар бир қилган савоб ишинг,
Миннатга айланмасин!

Ўқталма ҳеч кимга ханжар,
Кўксингга қадалмасин!?
Инсофли бўл, тарозингдан,
Харидор алданмасин!?
Ҳар бир қилган савоб ишинг,
Миннатга айланмасин!

Туяси йўқ саҳро бўйлаб,
Сафарга шайланмасин?!
Кўй-кўзига чўпон қилиб,
Бўрилар сайланмасин?!
Ҳар бир қилган савоб ишинг,
Миннатга айланмасин!



ОНА ФАРЁДИ

Кетдиларов олиб урушга,
Ёвга қалқон бўлиб туришга,
Ўқ-яроғли, завод қуришга,
Кўз(з)им тўрт бўп йўл(г)а бокқаним,
Қони дарё бўлиб оққаним...

Сиёсатни қурбони бўлдинг,
Билмай кимни душмани бўлдинг,
Очилмасдан, гулдайин сўлдинг,
Кўз(з)им тўрт бўп йўл(г)а бокқаним,
Қони дарё бўлиб оққаним...

Суратингга қараб тўйми(й)ман,
Хатларингни кўлдан кўйми(й)ман,
Жойи юрак узра – йўйми(й)ман!⁷¹
Кўз(з)им тўрт бўп йўл(г)а бокқаним,
Қони дарё бўлиб оққаним...

Балки сен ҳам ёринг суярдинг,
Ани(нг) ишқи билан куярдинг,
Эркалатиб фарзанд суярдинг,
Кўз(з)им тўрт бўп йўл(г)а бокқаним,
Қони дарё бўлиб оққаним...

Энди номинг ёзилмиш тошда,
Қанча қайгу, алам бу бошда,
Пойинг⁷² қўйиб ҳар куни ошда,
Кўз(з)им тўрт бўп йўл(г)а бокқаним,
Қони дарё бўлиб оққаним...

⁷¹ Йўймиyman - йўқотмайман

⁷² Пойинг - насибанг

СОВЧИ ГАЛИБДИ...

Ўзи ёмон хабар-ла галди қошима,
Гўёки чўп тушгандай еяр ошима,
Такдир, мани яна сен урма бошима,
Мани сўвар⁷³ ёрима совчи галибди.
Ота-онаси жавобин бариб қўймасин,
Совчила(р)ни гаппина⁷⁴ эриб қўймасин.
Кўрган, билган одимни⁷⁵ Ғариб қўймасин,
Мани сўвар ёрима совчи галибди.

Орзу-умид қалбим(г)а нур сочган эди,
Севги ҳиссин ғунчаси гул очган эди,
Эндигина дилимдан ғам қочган эди,
Мани сўвар ёрима совчи галибди.
Ота-онаси жавобин бариб қўймасин,
Совчила(р)ни гаппина ариб қўймасин.
Кўрган, билган одимни Ғариб қўймасин,
Мани сўвар ёрима совчи галибди.

На отам бор, на онам, йўқдир ҳеч кимим,
На опам бор, на синглим, бўлсайди иним...
Сеннан бошқа Худойим, борми яқиним,
Мани сўвар ёрима совчи галибди.
Ота-онаси жавобин бариб қўймасин,
Совчила(р)ни гаппина ариб қўймасин.
Кўрган, билган одимни Ғариб қўймасин,
Мани сўвар ёрима совчи галибди.

⁷³ Сўвар - севар

⁷⁴ Гаппина - гаппига

⁷⁵ Одимни - номимни

ШУК(У)Р АЙЛА

Даминг⁷⁶ галиб дурганина шук(у)р айла,
Мол-дунёмнан айрилдим даб йиглама.
Тан-сихатлик минг бойлиқдан устундир,
Кетса кетсин, қайгурма ҳам ўйлама.
Ў(р)ннина жонингни олса найларсан?
Кима нишаб⁷⁷ дардинг баён айларсан?

Бу дунёда на кўп, бойлик сони кўп,
Қанчалик кўп бўлса-да, кўз тўймаган.
Кимсалар бор о(ли)б гетжакдин у ёна,
Емай-ичмай йигнамоқни қўймаган.
Ў(р)ннина жонингни олса найларсан?
Кима нишаб дардинг баён айларсан?

Пулдан қанот боғлаб юлдуз қучсанг(х)ам,
Ерда кутар тахтадан ул Ғиротинг.
Тилла тахтда ўтирсанг(х)ам бир умр,
Изғор тўрпоқ⁷⁸, тўшагу каравотинг.
Ў(р)ннина жонингни олса найларсан?
Кима нишаб дардинг баён айларсан?

⁷⁶ Даминг – нафасинг. Яъни ҳар бир нафас ғанимат.

⁷⁷ Кима – кимга, нишаб (нишатиб) қандай қилиб. Яъни молу жония Яратганининг ўзи беради, ўзи олади. Қўлдан чиққан молинига қуйинма. Жон омон бўлса дўппи топилади. Демак, жон омонлиги шукронасини қил демоқчи.

⁷⁸ Изғор тўрпоқ – ҳўл турпоқ, яъни қиро ер дейилмоқчи.

Имкон топсанг тоғлар(г)а чик, боғлар кез,
Савоб айлаб ғариб бошин сила сен.
Тилла, кумуш, гавҳару дур дегунча,
Узоқ умр, бахт-саодат тила сен.
Ў(р)ннина жонингни олса найларсан?
Кима нишаб дардинг баён айларсан?



САЪДУЛЛА РЎЗИМАТОВГА

Ҳар ким ҳам халқи-ю она юртига,
Бунчалик содиқ-у ғамхор бўлмаган.

Кекса, ёш ҳурматин жойига қўйиб,
Бир киши йўқ-ки, ул дўст-ёр бўлмаган.

Меҳнати туфайли барака топиб,
Кеча-ю кундузи бекор бўлмаган.

Савобли ишларга қўл урса агар,
Кўнглида заррача ғубор бўлмаган.

Ўзбегу туркманнинг дўстлик риштаси,
Саъдулла Рўзматдек сардор бўлмаган.



ҲОЖИХОНИМ

Баҳшида айлади борин мақомға,
Таранглаб созлабон торин мақомға,
Қул қилди юрагим зорин мақомға,
Ҳамиша тингласам роҳати жоним,
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним!

Маънига йўғрилган эди боқиши,
Оҳанги сеҳрли – дилни(нг) нақши,
Қул бўлсам арзийди, ёқар ёқиши⁷⁹.
Ҳамиша тингласам роҳати жоним,
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним!

Дардларин дардлари куйдирди – ёндим,
Гоҳида завқидан маст бўп қувондим,
Жонима жонлигин⁸⁰ сездим, инондим,
Ҳамиша тингласам роҳати жоним,
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним!

Сувора, мақомдан бошқа ўйи йўқ,
Ғазалнинг ичидан яхши ўйи йўқ,
Вужудим титрамас қўшиқ, куйи йўқ.
Ҳамиша тингласам роҳати жоним,
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним!

Фалакни чок этди ҳар дам каж (о)ҳанги⁸¹,
Айтишса Боғибек, Қаландар банги,
Дунёда топилмас, изласанг дангги⁸²,
Ҳамиша тингласам роҳати жоним,
Авж ила ноласин ул Ҳожихоним!

⁷⁹ Ёқар ёқиши - нолакор оҳанги ҳуш ёқади

⁸⁰ Жонима жон – мусика завқи руҳимга қувват, мададкор куч

⁸¹ Ҳанг (оҳанг) - Бу ўринда қўшиқнинг авж нуқтаси назарда тутилмоқда

⁸² Данги - айтишувда тенги йўқ

БЎЛМАҒАЙ

Ҳар ошиқни(нг) кўнглида,
Севмаган ёр бўлмағай.

Бошига ҳасрат ила,
Ёғилган қор бўлмағай.

Ота-она фарзандини,
Меҳрига зор бўлмағай.

Аҳли содиқ элига,
Ҳеч қачон хор бўлмағай.

Айриликдан кўзига,
Кенг дунё тор бўлмағай.

Ким беадаб бўлса гар,
Даврада бор бўлмағай.

Беҳаё, беномусга,
Минг ақл қор бўлмағай.

Тилинг бол айла Ўктам,
Чақувчи мор бўлмағай.



НИЁЗМАТ ҲОЖИГА

Ким кўрсатса элга ҳиммат,
Эл ҳам ани шод айлағай!
Ҳурматин саклаб ҳамиша,
Ҳар қадамда ёд айлағай!

Халкни дилин топган одам,
Ҳеч эътиборсиз қолмаган.
Аҳли ёмонни ҳеч ким ҳам,
Номини тилга олмаган.

Яхшиларни сони кўпдир,
Кўпдир улар хизматлари.
Шу боис ҳам ҳозиргача,
Жойидадир ҳурматлари.

Савобга қўл урар бўлса,
Йўқ демаган бор иложи.
Шундайлардан эди бизнинг,
Бағрикенг Ниёзмат Ҳожи!



ГҶЗАЛДИР

ГҶзалдир бир-биридан хусни гул дилдорлар.
Ишқида оҳ чектириб, ул кўзи хумморлар.

Изида ҳар қайсисин йўқлабон эс-хушин,
Дардига дард кўшибон нечаси беморлар.

Рохати жон сезибон озори конини,
Кеча-кундуз соғиниб ухламай бедорлар.

Истабон бог аро қўл ушлашиб тонггача,
Айламак чун дил сўз-у севгисин изҳорлар.

Бўлса-да аччиғ, ҳам шундайин қайғу-алам,
Дилингни хуш айлағай бу ширин озорлар.

Ўктам дер, дуч келмағай ҳеч кима ҳеч қачон,
Сўзи пуч, ҳам беқадр, бевафо, айёрлар.



ЯХШИДИР

Очмисан, тўкмисан, соғмисан, хаста?!
Боринг(г)а минг шукр қилган яхшидир.

Ҳеч кимдан кўрмагин не тушса бошга,
Тақдирга тан бера билган яхшидир.

Кимники сарбони ҳақиқат агар,
Адашмай изидан юрган яхшидир.

Меҳнатсиз роҳатда яшаган борми?
Боғ қилиб иморат курган яхшидир.

Хурматин сақлабон кекса-ю ёшни,
Қўлларинг кўксингда турган яхшидир.

Ким қайда бўлмасин, қайси мансабда,
Кишининг ҳаққидан кўркқан яхшидир.

Қаранг сиз қандайин гўзал ҳаёт бу,
Зўр яшаб, ҳам ўйнаб-кулган яхшидир.

Эй Ўктам, қалқон бўл, элу юрт учун,
Ватанни сотгандан ўлган яхшидир.



АЛАМИННАН

Хайрон қолиб чехранг узра ҳуснинг нурина,
Кун ботса-да, чиқмай қолди ой аламиннан.

Вужудини чопмоқ истаб ошиқ дилларни,
Қошинг кўриб, синиб кетди ёй аламиннан.

Кечиб молу дунёси ҳам тожу тахтидан,
Гадо бўлди ишқингда кўп бой аламиннан.

Юзинг ювгач, татиб шўрин севинч ёшингни,
Зилол сувдан кечди оқар сой аламиннан.

Келишингдан меҳр ила соғинч улашиб,
Ўзин зикна сизди Ҳотамтой аламиннан.

Қувонтирар муҳаббатнинг ширин азоби,
Етолмаган ошиқ ҳоли вой аламиннан.



ЖУМБОҚ САТРАЛАР

УЙИМ

Девори ҳаводан – ҳашамат уйим,
Қуриган ниҳоллар – мева боғимдир.
Сими йўқ торларда – жаранглар куйим.
Саҳронинг қумлари – буюк тоғимдир.

Олдинга силжийман – юриб тескари,
Қуёш ҳам ўз нурун – тунда сочади.
Узоқлар – яқиндай, кетганим сари,
Йўқ бахтим қучоғин «Кел» деб, очади.

Шакарни (нг) мазаси ўтгандай тузга,
Кийикни қувмоқчи оқсоқ оёғим.
Ёшлиқдан ажинлар пардоздир юзга,
Хўрлигим келади қувонган чоғим.

Уйқуда ётсам-да, юмилмас кўзлар,
Кексайиб бораман – яшариб ёшим,
Афсона туюлар ҳақиқат сўзлар,
Тентакни (нг) ақлига тўладир бошим.

1987 йил



ТУШИМ

Кам егани дейишар: «Очкўз»,
Шайтонларда тахаллус – «Содда».
Ёлгон гапга тўладир - ҳақ сўз,
Олимларнинг илми йўқ – ёдда.

Тунлар ёруғ, нур сочар қуёш,
Гулга қўнар қишда болари.
Ғам чекканлар - тўкар қувонч ёш,
Бойман - пулим йўқолган сари.

Еттирмайди тошбақа отга,
Туя - чумчуқ каби сув ичар.
Яқинлар тез айланиб ётга,
Саводсизлар - масала ечар.

Гўё оқсоқ оёғим - тўғри.
Ожизларнинг кўзи - соппа-соғ.
Ўғирликни қўйганмиш ўғри,
Ғарибларнинг эса қўнгли чоғ.

Мажнунтолдай эгилар - терак,
Мен ёмондан ўрнак оламан!
Ақлим чошиб⁸³ кетмаган керак,
Тушим ўнгдай - ҳайрон қоламан.

1985 йил



⁸³ Чошиб - чалғиб

АҚЛИМ

Куйлак киймай чиқадирман аёзга,
Қармоқ қуриб сувсиз ариқ - саёзга,
Шакар қўшиб еядирман пиёзга,
Ақлим кириб қолдимини-ё, ёронлар?

Кеча юриб кундуз ухлаб қоламан,
Қулоқ тикиб куйга қулоқ соламан,
Ғам-аламдан қувнаб қарсак чаламан,
Ақлим кириб қолдимини-ё, ёронлар?

Табиб айтиб келадирман соғларга,
Гуллар ҳадя айлаб чаман-боғларга,
Сув оппормоқ⁸⁴ истаб баланд тоғларга,
Ақлим кириб қолдимини-ё, ёронлар?

Қуруқ гапга оғримайди бошларим,
Қулганларга чимираман қошларим,
Ёш боламан ўтса(ха)м эллик ёшларим.
Ақлим кириб қолдимини-ё, ёронлар?

2005 йил



⁸⁴ Оппормоқ – олиб бормоқ

ЁЛҒОНЧИ

Қора ранг - оқ-оппоқ юзла (р)да,
Ёлғон кўп - ҳақиқат сўзла (р)да,
Гадонинг тасвири - кўзла(р)да,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

Яхшила (р) ёмон(г)а дим зордир,
Энг тинч жой аслида бозордир,
Ҳаётни (нг) ҳузури озордир,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

Катта бой нолинар: «Кўп божи»,
Бол(г)а тил тегизсанг - шўр, ожи⁸⁵,
Топилар ўлимн(х)ам иложи,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

Олмага кадини сопарлар⁸⁶,
Айлана ичи(н)да чопарлар,
Керакмай қолғанда топарлар,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

Кенг дунё бўлмаса бунча тор,
Ким шодлик истаса бунда хор,
Ўғрида бор эмиш номус-ор,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

Учажак⁸⁷ қоноти йўқлар(х)ам.
Ношукур қор(и)ни тўқлар(х)ам,
Ёмон(г)а тегми(й)ди ўқлар(х)ам,
Бу дунё беҳуда, ёлғончи.

1982 йил

⁸⁵ Ожи - аччиқ

⁸⁶ Олмага кадини сопарлар — олмага қовоқни пайванд қилишади

⁸⁷ Учажик - учинга шай, учмоқчи

ГҮЁКИ...

Ўғил-қиз тингламас отани,
Тўғри деб қилган ҳар хатони,
Куйиннан⁸⁸ куларлар «Сато»ни,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

Гадола (р) илгида кор билан,
Кўпни(нг) ҳеч иши йўқ ор билан,
Ошиқлар ўзга бир ёр билан,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

Рўзгорда хотини эр(г)а бош,
Раҳимдил одамни(нг) бағри тош,
Душманинг дўстинг-ла кўп сирдош,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

Булбуллар менгзайди зоғлар(г)а,
«Лукмон»ла(р) хизматда соғлар(г)а,
Яхшила (р) бўялган доғлар(г)а,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

Оғайни бир-бирин отажак,
Ўз уйин бўлишиб сотажак,
Инсофли Шайтонни чотажак⁸⁹,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

Кулибла(р) бўяшар кўзларин,
Бол дея заҳарли сўзларин,
Айбини сезмасла(р) ўзларин,
Гүёки, гуноҳкор - замона.

1992 йил

⁸⁸ Куйиннан - таратган куйидан. Бу ўринда гап Сато ҳақида

⁸⁹ Отажак - отмоқчи; сотажак - соғмоқчи, хиёнат қилмоқчи; чотажак - чалғитмоқчи, алдамоқчи.

АЖОЙИБ

Тўронги-даракла(р)⁹⁰ мева-боғ,
Қумла (р)дан иборат буюк тоғ,
Табибла(р) бўлмаса хамма соғ,
Ажойиб дунё бу, вожаб !
Қар(р)ила (р) уярла(р)⁹¹ ёшлар(г)а,
Туз қўшмоқ керакмас ошлар(г)а,
Бошоғрик даводир бошлар(г)а,
Ажойиб дунё бу, вожаб !

Кунчиқар томонда кун ботар,
Қори(й)ла(р) мергандай ўқ отар,
«Азройил» пулинг(г)а жон сотар,
Ажойиб дунё бу, вожаб !
Қарғала (р) булбулдан қолишмас,
Ўт ёқсанг кури(к) чўп олишмас,
Оғайни туккан-ла боришмас,
Ажойиб дунё бу, вожаб !

Ўғирлик – тўғ(и)р(и)лик ҳамкори,
Ёмонни(нг) тегми(й)ди озори,
Ўзгага суюкли ўз ёри,
Ажойиб дунё бу, вожаб !
Оқ билан қорала (р) аралаш,
Қолмаган ҳеч ерда поралаш,
Ҳақ сўзлаш – юракни яралаш,
Ажойиб дунё бу, вожаб !

Ар(а)вали(к) ҳамиша пиёда,
Меҳру-мурувват риёда,
Яхшидир ҳар ким бу дунёда,
Ажойиб дунё бу, вожаб !

1984 йил

⁹⁰ Дарак - терак

⁹¹ Уймоқ - эргашмоқ, сомеъ бўлмоқ

ЁЛҒОН

Яхши сўз – малол,
Қўшиқ айтар – Лол,
Ҳаромлар – ҳалол,
Ёлғон – ҳақиқат.

Ақл тўла бош,
Сотқинлар – сирдош,
Дугона – кундош,
Ёлғон – ҳақиқат.

Бўрилар – чўпон,
Дакана⁹² – чопон,
Ширин эмас жон,
Ёлғон – ҳақиқат.

Ялқовлик ҳам кор,
Сахий қўли тор,
Севилмаган ёр,
Ёлғон – ҳақиқат.

Ғариб – кўнгли чоғ,
Сувсиз ерда - боғ,
Ҳасса тутган соғ,
Ёлғон – ҳақиқат.

Якинлар йироқ,
Энг шўх куй – «Ироқ»,
Билсанг-да бироқ,
Ёлғон – ҳақиқат

1982 йил

⁹² Дакана - доха, марли

ШУК(У)Р

Булбул янтоқ(к)а кўнар,
Такдир инсон(г)а кўнар,
Ўғри муллоға дўнар
Бу кунин(гг)а минг шукур.

Жавобинг(гг)а савол бор,
Энг меҳрибон баланд дор,
Жанозада янграр тор,
Бу кунин(гг)а минг шукур.

Дарё сувсиз оқади,
Ёр(г)а жафо ёқади,
Сич(қ)он мушук боқади,
Бу кунин(гг)а минг шукур.

Кийими бо(р) яланғоч,
Қорни тўкни(нг) – кўз(з)и оч,
Бош(г)а найза – ҳар бир соч,
Бу кунин(гг)а минг шукур.

Ажойиб дунё ўзи,
Шундай ёлғон чин сўзи,
Бир-бирин ер қўй-қўзи,
Бу кунин(гг)а минг шукур.

Иймон, виждон пул томон,
Қора - оқ, яхши - ёмон,
Гар тирикман, мен ҳамон,
Бу кунин(гг)а минг шукур.

1987 йил

ҲАЙРОНМАН

Булбулла(р) гулзора кўнмаса,
Олтинла(р) темирай дўнмаса⁹³,
Пулдордан қарзла(р) унмаса,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

Қишла(р)да оқ қорла(р) ёғми(й)ди,
Хотин-қиз сигирла(р) соғми(й)ди,
Томири кесилган оғми(й)ди⁹⁴,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

Ҳалолла(р) ҳақ сўздан қочади,
Ҳарома кучоқин очади,
Гадола(р) пулларин сочади,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

Юзаки дўст-душман бир жойда,
Олсала(р) бўлгани кўп фойда,
Ул қадр-қимматла(р), ор қайда,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

Ўйин(г)а тушмасла(р) шўх соз(г)а,
Тарнаку-гурвакда на маза,
Ғар ўлсанг, фарзандда йўқ аза,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

Айбини пул билан ёпарлар,
Юзина айтгани қопарлар,
Яхшини «дўзах»дан топарлар,
Дунёни(нг) ишина ҳайронман.

1988 йил

⁹³ Дўнмаса - ялтирамаса

⁹⁴ Оғмиди - йиқилмайди, қуламайди

ЎХШАР

Зимистон туюлар кундузлар,
Қуёш бор гўё тонг отмаган.
Милтираб турса ой-юлдузлар,
Ҳайронман нега кун ботмаган.

Ўй⁹⁵ кўриб ул буюк тоғларни,
Жарликлар, белисанд бокқандай.
Мевалар тош отиб боғларга,
Бевафо - ёрига ёкқандай.

Маънидан йироқда - маънолар,
Жазога гирифтор – гуно(ҳ)сиз.
Тентаклар базмида - донолар,
Худодан сўзлайди - худосиз.

Ҳаётим на яхши, на ёмон,
Ўз кўзим ўймоқчи кўзларим.
Ҳақлик ҳам, ким ноҳақ шу томон,
Ёлғонга ўхшайди сўзларим.

1986 йил



⁹⁵ Ўй -- паст, чуқурлик

ҚОЛДИ

Сув билан ўт ёқжокла(р)⁹⁶,
Нохсиз дуйма доқжокла(р)⁹⁷,
Оқкин(г)а терс окжокла(р)⁹⁸,
Дўғри юрмаким қолди.⁹⁹

Учак¹⁰⁰ даман – занги¹⁰¹ йўк,
Ҳофиз бўлди – «ханги» йўк,
Пўрсонг¹⁰² йўлни(нг) чанги йўк,
Дўғри юрмаким қолди.

Бол ялаган - бол сотар,
Қизлар(г)а лол гап отар,
Тўқла(р) - оч тузин дотар¹⁰³,
Дўғри юрмаким қолди.

Рост гапни(нг) ёлғони кўп,
Йўк нарса - қолғони кўп,
Берганни(нг) - олғони кўп,
Дўғри юрмаким қолди.

Ишларим терс(г)а дўнди,
Қаллобдан қарзим унди,
«Шайтон» инсон(г)а кўнди,
Дўғри юрмаким қолди.

1983 йил

⁹⁶ Ёқжокла - ёқишмоқчи

⁹⁷ Нохсиз дуйма доқжокла - илсиз тугма қадашмоқчи

⁹⁸ Оқкина терс оқжакла - оқимга қарши боришмоқчи

⁹⁹ Дўғри юрмаким қолди – Шоир бир оёғи оқсоқ бўлгани учун (Ўктам чўлоқ лақаби билан машхур) Бу ерда кеситиқ ўзига қаратилган. Чунки чўлоқ киши ҳеч қачон тўғри (равон) юролмайди

¹⁰⁰ Учак - том

¹⁰¹ Занги - нарвон

¹⁰² Пўрсанг - тупроқли йўл

¹⁰³ Дотар - татийди

РОСТ

Бўш эмас калла,
Қайғуси — ялла,
Илми — салла,
Балки рост - ёлғон.

Очла(р) бой боқар,
Кўй илон чақар,
Кўллар тез оқар,
Балки рост - ёлғон.

Кумда оқ айиқ,
Кўрғошин қайиқ,
Маст, мастмас — айиқ,
Балки рост — ёлғон.

Чукур сой бўйлар,
Ўйсиз ўй ўйлар,
Кар аста сўйлар,
Балки рост - ёлғон.

Осмон — қоғозим,
Ерга парвозим,
Жимлик — овозим,
Балки рост - ёлғон.

1979 йил



ЎЗ

Кенг кўнгилли(к) – тор,
Беномусда – ор,
Энг содда – маккор,
Ҳайрон қолиш йўқ.

Йўрғаси йўқ – той,
Гуноҳкорлар Ой,
Молу мулксиз – бой,
Ҳайрон қолиш йўқ.

Кўрганларинг – туш,
Анқовлар – сархуш,
Учолмаган қуш,
Ҳайрон қолиш йўқ.

Қувончинг – озор,
Шовқинсиз – бозор,
Қайғу дил ёзар,
Ҳайрон қолиш йўқ.

Сояси йўқ тол,
Соппа-соғ – беҳол,
Сувсиз ерда сол,
Ҳайрон қолиш йўқ.

Қанчалик кўп – оз,
Хунуклик – пардоз,
Ўз ҳам, қиш ҳам – ёз,
Ҳайрон қолиш йўқ.

1981 йил

ТИРИЛИБ КҮР?!

Туялар - тоғда,
Бургутлар – боғда,
Хасталик – соғда,
Бир тирилиб кўр?!

Кундуз чиқар Ой,
Ҳақ емаган -- бой,
Кулар – ҳоли вой,
Бир тирилиб кўр?!

Мева тугар тол,
Ётлар сўрар ҳол,
Тили борлар лол,
Бир тирилиб кўр?!

Кувончинг ошар,
Оролдай тошар,
Йўқ ақл чошар¹⁰⁴,
Бир тирилиб кўр?!

1990 йил



¹⁰⁴ Чошар – чалғир, адашар

ЎТ

Озор кўнгил дил ёзар,
Қалдирғочлар ин қазир,
Беғам одам тез озар,
Ўз ўтина ўт ёнар.

Рассом чизар ҳавога,
Табиблар зор давога,
Дод-вой — шўх куй-навога,
Ўз ўтина ўт ёнар.

Ҳеч ким тўкмас кўз ёши,
Жаҳл — ақл бардоши,
Кейин келар сўзбоши,
Ўз ўтина ўт ёнар.

Қассоб суяк сотмайди,
Овчи милтиқ отмайди,
Ялқов ухлаб ётмайди,
Ўз ўтина ўт ёнар.

Катта мушук — кичик шер,
Ноҳақлар кўп «Ҳақман» дер,
Ерлар — осмон, осмон — Ер,
Ўз ўтина ўт ёнар.

1986 йил



ГАЛМАГАЙ

Ишониб бўлми(й)ди яқин (гаҳ)ам, ёт(гаҳ)ам,
Судхўр(г)а айланган од олган¹⁰⁵ Хотам,
Табассум гўринмас - юзларда мотам,
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

Го(ҳ) йигит сўзи(н)да дурми(й)ди - лойлар¹⁰⁶,
Гўз юмар кўп киздан - юлдуз-у, Ойлар,
Гадоға айланди ничча бир¹⁰⁷ бойлар,
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

Фарзанди отасин бўяр кўз(з)ини,
Мута¹⁰⁸-да олмаслар қиммат сўзини,
Едириб қўярлор ўз(иг)а-ўзини,
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

Виждонли кишилар жони озорда,
Қийшиқдир тарози – одил бозорда,
Мулладан тинчлик йўқ ётсанг мозорда,
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

Қаргадан фарки йўқ - булбул овози,
Олганин «Бер» десанг, олган норози,
Кўнглинг(г)а ўннамас¹⁰⁹ кўшиғи, сози,
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

Мазмун-у маъно йўқ газал-шеърларда,
Дорисиз кўкармас гиёҳ ерларда,
Ул миллий қадрият, дастёр нерларда?
Галмагай эскила(р) айтқан замона.

1988 йил

¹⁰⁵ Од олган - ном чиқарган, машхур

¹⁰⁶ Лойлар - ваъдасидан тонар

¹⁰⁷ Ничча бир – қанча-қанча

¹⁰⁸ Мута - текинга

¹⁰⁹ Ўннамас - маъқул бўлмас

ТАВБА?!

Денгизла(р) кемаси - кумда юзади,
(Х)ўкизла(р) - тишлийди, игла(р) - сузади,
Одобли тўйла(р)да давра бузади,
Хаёлим нерлара опкочар, тавба?!

Гамла(р)дан ташқари ҳеч қувонч йўқдир,
Энг мўмин кишининг ҳар сўзи ўқдир,
Меҳнатсиз емаган миннат(г)а тўқдир,
Қуёш ҳам кун ботиб нур сочар, тавба?!

Худодан кўркмаган «Мулла» дер, ўзин,
Ҳеч луғат тополмас ул айтқан сўзин,
Ҳар бир кўз бўйи(й)ди, бир-бирин кўз(з)ин,
Етти ёт келади, дўст кочар, тавба?!

Хотини «Сен» деса, эркаги «Сизлар»,
Ғуно(ҳ)сиз - ғуноҳкор ғуноҳин гизлар¹¹⁰,
Катта бой ғадодан садақа излар,
Ҳикматла(р) китоби айб очар, тавба?!

Йўқ сувла(р) оққандай тескари томона,
Яхшила(р) айланган бунда ёмона,
Мушибат жўр бўлжоқ «Омон-омон»а,
Кирмасдан чиқиш(г)а жон шошар, тавба?!

1980 йил

¹¹⁰ Гизлар - яширар, беркитар

ХАЁЛ

Ҳосили оз йил ошган боғни(нг),
Ҳажми кичик кўп буюк тоғни(нг),
Файзи йўқдай қувончли чоғни(нг),
Бари тушдай, опқочар хаёл.

«Қизил китоб» оғзида - тўқай,
Сайрамайди булбуллар, тоқай,
Ёқмаганга ўйлайман, «Ёқай!»,
Бари тушдай, опқочар хаёл.

Қалби бойдан пули бор бойдир,
Вайроналар гўзал саройдир,
Ўз ҳўтигим ўзимга тойдир,
Бари тушдай, опқочар хаёл.

Куйдиради қуёшсиз кунлар,
Кундуздайин юлдузсиз тунлар,
Дилга ором энг дардли унлар.
Бари тушдай, опқочар хаёл.

Сочим оппоқ кичик ёшимда,
Бўлмагандай ғамлар бошимда,
Кўз ёшларим ичар ошимда,
Бари тушдай, опқочар хаёл.

1981 йил

АЙЛАНДИМИ ?

Гавҳар оди¹¹¹ - тошда,
Йўқ аклла(р) бошда,
Сув оқади рошда,
Бош(ш)им айландими ?

Тўғри – эгри (нинг) сўзи,
Кўрар – кўрни(нг) кўз(з)и,
Бўрини ер кўзи,
Бош(ш)им айландими ?

Кар ўйни(й)ди соза,
Қумла(р) тўла коза¹¹²
Ғуноҳкорла(р) – тоза¹¹³,
Бош(ш)им айландими ?

Моли йўқда дўкон,
Ичар сувли – туз кон¹¹⁴,
Кўча-кўй ҳам макон,
Бош(ш)им айландими ?

Севмаганим – ёрим,
Бировларда борим,
Йиғлаб-кулиш – корим¹¹⁵,
Бош(ш)им айландими ?

Осмонда ёп¹¹⁶ қаздим,
Кўп қувондим – оздим,
Ёлғонни рост ёздим,
Бош(ш)им айландими ?

1983 йил

¹¹¹ Оди - номи

¹¹² Коза – балиқ оқлаш учун қамини ёки тут наводасидан қилинган махсус тўр, қопкон

¹¹³ Тоза - бу ўришда: пок, бегуноҳ

¹¹⁴ Туз кон – туз кони. Унга шўр сув умуман зарур эмас.

¹¹⁵ Корим - қасбим, одатим

¹¹⁶ Ёп - ариқ

КИМ АЙТДИ ?

Ёмондан чиқмайди ёмонлик,
Душманинг тилайди омонлик,
Йўқ дўстлар бари сен томонлик,
Ким айтди, бу дунё ёлгончи ?

Охирин беради кизганчи(қ),
Ёлгонни ёлгон дер ёлгончи,
Молинг(г)а тегмайди талончи,
Ким айтди, бу дунё ёлгончи ?

Донолар – насихат эшитмас,
Айбли ўз айбин бекитмас,
Яхшини ёмонга дуч этмас,
Ким айтди, бу дунё ёлгончи ?

«Шайтон» ҳам инсонга ишонар,
Гар сувга ўт ёқсанг - сув ёнар,
Суюкли ёридан - ёр тонар,
Ким айтди, бу дунё ёлгончи ?

Мўйсафид дейди: «Мен ҳали ёш»,
Ишониб бўлмайди, лол - сирдош,
Тоғ-тошдан қаттиқмас, ахир - бош,
Ким айтди, бу дунё ёлгончи ?

1982 йил



ТҮҒРИ

Ёз фасли – аёз,
Шеърда сўз – саёз,
Кўп назр-ниёз,
Эгрилар – тўғри.

Тошбақа чопар,
Мушук ит қопар,
Ширин тил чақар,
Эгрилар – тўғри.

Ўннингдаги – туш,
Учар туяқуш,
Ҳўкусиз сарқуш,
Эгрилар – тўғри.

Тентакда – ақл,
Кундошлар ахил,
Беғараз бахил,
Эгрилар – тўғри.

Кулги – ундайин¹¹⁷,
Кундуз – тундайин,
Ҳаёт шундайин,
Эгрилар – тўғри.

1989 йил



¹¹⁷ Ун - овоз, товуш. Бу ўринда гамли дейилмоқчи

ГҮЁ

Мехр ошади,
Сабр шошади,
Аму тошади,
Ер – гүё осмон.

Яқинлар йироқ,
Юзи қаро – оқ,
Жуфтлар мисли тоқ,
Ер – гүё осмон.

Бир(га) – яхши-ёмон,
Қибла – тўрт томон,
Кетганлар¹¹⁸ – омон,
Ер – гүё осмон.

Мулоим – бебош,
Тузсиз ширин – ош,
Гап сотар сирдош,
Ер – гүё осмон.

Кўзи йўк кўрар,
Қал сочин ўрар,
Оёқсиз юрар,
Ер – гүё осмон.

1987 йил



¹¹⁸ Кетганлар - ўлганлар

КЕЛАР

Равондир йўллар,
Тўғридир қўллар,
Қамишли кўллар,
Ишонгим келар.

Оғир эмас иш,
Оғримайди тиш,
Оппоқ қорли қиш,
Ишонгим келар.

Ростгўй алдамас,
Борлар «йўқ» демас,
Йўқлар – йўқ эмас,
Ишонгим келар.

Вафоли – ҳар эр,
Дори эмас ер,
Босмайди ҳеч тер,
Ишонгим келар.

Сўзлар – ўтмас ўқ,
Қайгу-ла ғам йўқ,
Ҳардам кўнгил тўқ,
Ишонгим келар.

1989 йил



БЎЛИШИ МУМКИН

Мудом омад ёр,
Дард чекмас бемор,
Йўқ нарсалар бор,
Бўлиши мумкин.

Пойдеворсиз уй,
Таъсир этмас куй,
Босмайди ҳеч ўй,
Бўлиши мумкин.

Қуёш ботмайди,
Тонглар отмайди,
Дўстлар сотмайди,
Бўлиши мумкин.

Миш-миш гаплар – оз,
Урмайди аёз,
Пардаси йўқ - соз,
Бўлиши мумкин.

Ўғри опқочмас,
Камбағал очмас,
Яқинлар ётмас,
Бўлиши мумкин.

Ақл бермас ёш,
Аҳил - кўзу-қош,
Ғамгин эмас бош,
Бўлиши мумкин.

1983 йил

ҚАЛБ

Булутлар тўсмоқчи қуёшни,
Бошига киймишлар тоғ-тошни,
Ақл ҳам тарк этмиш йўқ бошни,
Тушунмай қоласан хайронлар?!

Теракдан иборат боғ кўрдим,
Дунёни сайр қилган тоғ кўрдим,
Оёғи кесилган соғ кўрдим,
Гўёки баликлар - жайронлар?!

Кундузи чироқлар ёқилган,
Кўзи соғ текисда қоқилган,
Попада бўрилар боқилган,
«Рост дея» лол тили бийронлар?!.

Эгарга минишар ҳеч отсиз,
Қуш номин олишган қанотсиз,
Яқининг бақирар: «Сиз ётсиз!»,
Ўнгимда тушларим сайронлар?!

Яхшига ёммондан қолиш йўқ,
Юзаки кулишдан толиш йўқ,
Қадрингни бепулга олиш йўқ,
Тоза қалб уйлари вайронлар?!

1984 йил



ТАВБА

Рангдош эрур қора-оқ,
Қўйлар бўрига мушток,
Кўз тегдирар кўзмунчоқ,
Тавба, астағфуриллоҳ!

Гуноҳ ўзи бу – савоб,
Бу дунёда бор жавоб,
Ўтсиз юрагинг кабоб,
Тавба, астағфуриллоҳ!

«Жаннат», «дўзах» бир жойда,
Зарар кўриш кўп фойда,
Тозалик – суплик¹¹⁹, лойда,
Тавба, астағфуриллоҳ!

Қумда ўсар оқ қайин,
Карнай навоси майин,
Кексалар ёш кун сайин,
Тавба, астағфуриллоҳ!

Қиз йиғинда - эркаклар,
Тентак соғни етаклар,
Ростга дўнди эртақлар,
Тавба, астағфуриллоҳ!

1990 йил



ДУНЁСАН

Нерда¹²⁰ йўқ ҳақлик, бор пора шўрда¹²¹ дир,
Гар кўнглинг бут бўлса, яро шўрдадир,
Хунуқлик чехраси - оро шўрдадир,
Яхшига ёмонни сопқан дунёсан.

Лол кўшиқ куйласа, жаранг овози,
Жазони ўқиб бўп йиғли(й)ди Қози,
Кўп барсанг «Оз!» дея гадо норози,
Яхшига ёмонни сопқан¹²² дунёсан.

Суви йўқ солмага чакарлар¹²³ рошни,
Қилич тез кесади эгилган бошни,
Ошинг еб отарлар раҳмат-ла тошни,
Яхшига ёмонни сопқан дунёсан.

Рос(т) бўлиб чиқади ёлғон сўзларинг,
Дўст-ёринг ўяди жон деб кўзларинг,
Душман(г)а айланиб ўзли-ўзларинг,
Яхшига ёмонни сопқан дунёсан.

Ошиқла(р) қалби(н)да бошқа бир ёрлар,
Ёз кунни ёғади ерлар(г)а қорлар,
Меҳмондўс(т) пулинг(г)а меҳмон(г)а чорлар,
Яхшига ёмонни сопқан дунёсан.

Дилда оҳ-фарёдла(р), юзларда ханда,
Ношук(у)р қилми(й)ди шуқурин канда,
Тақдир(г)а тан бермас бунда ҳеч банда,
Яхшига ёмонни сопқан дунёсан.

1990 йил

¹²⁰ Нерда- касрда

¹²¹ Шўрда- шу срда

¹²² Сопқан - пайвандлаган

¹²³ Чакарлар - тортарлар

ДУНЁ

Куриған гужумнинг сояси салқин,
Булбул қо(ли)б, қарғала(р) куйли(й)ди толқин¹²⁴,
Ҳеч кимса емиди бир-бирин ҳаққин,
Ростлари ёлғон(г)а айланған дунё,
Ёлғони ростлар(г)а айланған дунё!

Сенга иш буюрор келган мардикор,
Ноҳақла(р) ахтарар ҳақдан кирдикор,
Гадо дер: «Садақа менга не даркор?»,
Ростлари ёлғон(г)а айланған дунё,
Ёлғони ростлар(г)а айланған дунё!

Ўйин(г)а тушарла(р) мотам созлар(г)а,
Ёзлар(х)ам ўхшамин қолди ёзлар(г)а,
Кўз тўяр неки бор, йўқ-у озлар(г)а,
Ростлари ёлғон(г)а айланған дунё,
Ёлғони ростлар(г)а айланған дунё!

Омадинг кетган кун дўст-ёр қочми(й)ди,
Энг ширин фарзандинг зарин сочми(й)ди,
Ўз ёринг ўзга(га)я қучоқ очми(й)ди,
Ростлари ёлғон(г)а айланған дунё,
Ёлғони ростлар(г)а айланған дунё!

1989 йил

¹²⁴ Толқин - (толқин) куй, қўшиқ

КЎРДИМ

Давлати йўқ буюк хон,
Меҳнатсиз топилар нон,
Чиқмайди ҳеч тандан жон,
Ухламасдан туш кўрдим.

Ортга қайтди кўп кунлар,
Юлдузсиз, ойсиз тунлар,
Эгизак, қувонч-унлар,
Ухламасдан туш кўрдим.

Учбурчаклар - думалок,
Никох ўқир - учталок,
Олдингилар - энг қолоқ,
Ухламасдан туш кўрдим.

Бекор(чи)дан – «Худо» рози,
Кўпдан кўпдир - бор ози,
Гуноҳкормас ҳеч Қози,
Ухламасдан туш кўрдим.

Сахро, чўл сувга қонган,
Бир сўзли сўздан тонган,
Ноҳақга ҳақ ишонган,
Ухламасдан туш кўрдим.

1988 йил



ТЕСКАРИ

Тузга ниҳол экилган,
Ипсиз кийим тикилган,
Кулиб фиғон чекилган,
Тескаридай бу дунё.

Гўё, балиқ тўла қум,
Сув ташийди тешиқ хум,
Тўғри сўзлар – шайтон, шум,
Тескаридай бу дунё.

Денгиздан тоғ сув ичар,
Саводсиз мисол ечар,
Вафоли ёрдан кечар,
Тескаридай бу дунё.

Қумри жўжа овлайди,
Чумоли фил қувлайди,
Илон булут кавлайди,
Тескаридай бу дунё.

Ёқтирмасдан ёқарлар,
Ширин тил-ла чақарлар,
Ўлсанг кулиб боқарлар,
Тескаридай бу дунё.

1987 йил



ЭРТАК

Гўё музлаб қолгандай қуёш,
Қорлар - ёниб тамом бўлган кул.
Чаманзорда қаргалар сайрар,
Булбулим деб ўйлар ҳар бир гул.

Қафаси йўқ ҳайвонот боғи,
Бунда жонзот бўлмайди хазон.
Тилсимлари шу қадар кўп-ки,
Ёз келмасдан киради мезон.

Кундуз куни милтирар юлдуз,
Шифокорлар табибнинг зори.
Дўст-душманининг фарқи қолмаган,
Қувончидан кўпдир озори.

Шим киймайин қўйган аёллар,
Зирак тақмас баъзи бир эркак.
Ёлгон – ҳечам ёлгон бўлмаган,
Рост гаплардан тўқидим эртак.

1987 йил



МИШ-МИШ

У ёкла(р)да куёш кечда чиқадамиш¹²⁵,
Қаринжаси улли филни йиқадамиш,
Туяқуши осмонла(р)да учадамиш,
Бургутлари ерда чопиб юрадамиш,
Эшитдингми!?

Тулкила(р)ни еб кўя(р)миш товуклари,
Тунчада¹²⁶ чой қайната(р)миш совуклари,
Мева туя(га)р эмиш кури чивуклари,
Тоғдай эмиш гуру(н)чини(нг) увуклари¹²⁷,
Эшитдингми!?

Кувончла(р)дан қайғуриб кўз ёшл(ар)имишла(р),
Китобла(р)ни ўқим(ай)ин(х)ам ёдл(ар)имишла(р),
Бир-бирини севм(ай)ин яхши яш(ар)имишла(р),
Яхши қолиб ёмонла(р)ни макт(ар)имишла(р),
Эшитдингми!?

1987 йил



¹²⁵ Чиқадамиш - чиқармиш

¹²⁶ Тунча - чой қайнатиш учун мўлжалланган тунука идиш, чойгум

¹²⁷ Увуклари - ушуклари, майдаси

ЁЛҒОНЛАРИ...

Ёмон(д)нан яхши од қолар,
Судхўрла(р)ни сахий талар,
Ноҳақ(г)а ҳақ тў(х)мат солар,
Рос(т)микан ё ёлғонлари?!

Қанотсизла(р) осмонла(р)да,
Садақа кўп гадола(р)да,
Бўри чўпон подаала(р)да,
Рос(т)микан ё ёлғонлари?!

Ақл эмас, бўй кўринар,
Мусибатла тўй кўринар,
Энг йиртқичла(р) қўй кўринар,
Рос(т)микан ё ёлғонлари?!

Бир(га) келади кундуз, тунла(р),
Ойлаб, йиллаб ўтмас кунла(р),
Асли(да) қувонч – алам, унла(р),
Рос(т)микан ё ёлғонлари?!

1987 йил



РОС(Т)ЛИК

Рос(т)лик бу – ёлғонни(нг) меваси,
Айрилиқ – вафонинг беваси.

Кувончлар дилдаги армондир,
Заҳар кўп дардингга дармондир.

«Шайтон»ла(р) тан берар инсон(г)а,
Гадонинг турмуши - шоҳона.

Жарликла(р) баланддир тоғла(р)дан,
Офатла(р) - дим кўнгли чоғла(р)дан.

Ошикля(р) ёрина зор эмас,
Донога ҳикматла(р) қор эмас.

Дўс(т) бўлса керакмас душманинг,
Дўстингдир энг сўнгги пуш(ай)монинг.

Энг катта ўғрила(р) – тўрла(р)да,
Ҳаётда тўғрила(р) – гўрла(р)да.

1988 йил



ТУШ

Чўлларни соғиниш булбулгўёда,
Адолат сурати асли риёда,
Қаноти қайрилган баъзи бир қушла(р),
Ўзича кезажак юртни пиёда.

Кеч. Юлдуз нуриннан кўз(з)инг қамашар,
Бир танга бўлашиб туққан талашар,
Ҳикматлар китоби ақлинг чошириб,
Кўп билган одамла(р) йўлдан адашар.

Ёлғончи кишига рос(т)ла(р) ёлғонмиш,
Пишириб чиққанинг оқшом колғонмиш,
Мақтовла(р) бағишлаб ўзи-ўзин(г)а,
Бошқала(р) «Шайтон»нан потия¹²⁸ олғонмиш.

Ёқтирған – ёқми(й)ди, ёққан – ёқтирмас,
Ҳотамтой гадоға мут дуз таттирмас,
Қариндош - ётлашиб, ётла(р) – қариндош,
Хотинла(р) эри(г)на она боқтирмас.¹²⁹

Қарриған¹³⁰ сари сен кўпайиб ботинг¹³¹,
Тоғла(р)дан ошасан хаёлдан отинг,
Келишдан кетиш тез, ёлғон дунё бу,
Тушлар(г)а ўхши(й)ди ўнгда ҳаётинг.

1986 йил

¹²⁸ Потия - фотиха

¹²⁹ Она боқтирмас – қайнонасини сиғиштирмайди

¹³⁰ Қарриған - кексайган

¹³¹ Ботинг – куч-қувватинг

МУҲАББАТ

САДОҚАТ

Эй, меҳр элининг тахтин султони,
Азобинг - жисмимни роҳати, жони,
Майли, кес бошимни, ҳажринг тиғи-ла,
Чанқоғинг босолгай, юрагим қони.

Саноқсиз найза - нур отсин, кўз-қошинг,
Тилинг ҳам думалаб, киноя тошинг,
Титилсам, янчилсам, бўялсам қонга,
Ҳолимдан кулишга етгай бардошинг.

Ўзимда туфроқнинг шаклин кўролсам,
Оёгинг остига тўшалиб қолсам,
Қай манзил томонга юрма устимдан,
Кетсанг ҳам, келсанг ҳам, ўзим кутолсам.

Азобинг беравер, шафқат сўрмасман,
Жонимга ачиниб, чапак урмасман,
Гар тангрим айтсалар: «жонинг қайтарай»,
Кўкрагинг узра бош қўйсам, турмасман.

Ёки ос, кокилинг қирқта дорига!
Ҳеч қандай айби йўқ, ишқнинг корига!
Бир бора васлинга етсам-у, ўлсам,
Десинлар: «жонин ҳам берди ёрига!»



ГУЛЧЕҲРАГА

Аза рўмол ўрама зинҳор,
Ёлғиз қолган бошин(г)га, қордай,
Хаёлларинг тушдайин бекор,
У ўлмаган, у хали бордай.

Гўё мен гул бераётгандай,
Ёшлигимиз сири – боғлардан,
Издан қараб қолаётгандай,
Эртак бўлиб қолган чоғлардан.

Қилай десанг, руҳларимни шод,
Шукроналар айтгин бир умр,
Чекаверма беҳуда фарёд,
Бардошларинг бўлсинлар темир.

Сўлдирмагин гулдай юзларинг,
Рўзгор сенинг бошингда қолди,
Бахтин тила ўгил-қизларинг,
Улар мен бўл қошингда қолди.



ЎКСИНМА КЎНГЛИМ

Ўксинмагин, ўксинма кўнглим,
Бехудага тўкма кўз ёшинг.
Бир сенмисан ёрдан айрилган...
Борми ўзи сабр-бардошинг?!

Балки «Шайтон» йўлдан ургандир?!
Ишонтириб қўйгандир сўзи?!
Ё бўлмаса чин юрагидан,
Уни севиб қолгандир ўзи...

Шундай қизиқ экан бу дунё,
Йўқдир бунда хато қилмаган...
Нега келиб, нега кетишин,
Инсон ўзи англаб билмаган...

Умидингни узма ҳаётдан!
Оҳ-у фарёд чекмагин бунча!
Хазон бўлган кўнглинг боғини,
Безаб кўяр ҳали бир гунча!



ОҒРИҚ

Мажбурий табассум юзимда,
Қалбимда ғамгин куй, қўшиқ, шеър!
Меҳрга ташналик кўзимда,
Тақдирим «Бўлди! Бас! Етар!» дер.

Гоҳида хўрликдан тинмас ёш,
Йўқ! Бу мол-дунёга боғлиқмас...
Заҳардай ўтади есам ош,
Тирнокнинг оғриги – оғриқмас!

«Ҳали бу ҳолва!» деб туйдирар,
Ҳаётнинг энг яхши томони.
Айралиқ ўтида куйдирар,
Юракда оғриқнинг ёмони...



ҲАДЯ ҚИЛ

Гар кетсам, Аллоҳнинг даргоҳи томон,
Баҳорда гул бўлиб, қайтиб келаман!
Жонгинам! Жудолик, ёлғизлик ёмон,
Руҳим-ла яллалар айтиб келаман!

Сен шунда ёнимдан ўтма бепарво,
Бир бора бўлса-да, нигоҳ ташлаб ўт!
Балки мен ёмондим, балки бевафо,
Фақат сен қувончдан кўзинг ёшлаб ўт!

Шукрона айтишдан бошқа чоранг йўқ,
Бошин(г)га не тушса, тақдирнинг иши.
Юлиб ол! Розиман, кўнглинг бўлсин тўқ,
Ҳадя қил, топилса ёрсиз бир киши!



МАЖНУНТОЛ

Боши эгик мажнунтол,
Турар ғамдан минг пора!
Кўз кўргандан тили лол,
Дилида битмас яра!

Икки ошиқ сирлари,
Фош бўлди кўз олдида.
Алдаб бирин-бирлари,
Юракка чўғ солди-да!

«Келманг!» дея олмади,
Энди унинг қошига.
Сочин юлиб толмади,
Сой тўлди кўз ёшига!

Соясида кўнгил шод,
Бўсаларга тўймаслар!
Ўз хатосин умрбод,
Унутишга қўймаслар!



СОҒИНЧ

Орзуларим учар сен томон,
Яраланган бир қуш мисоли.
Юргандайсан ёнимда ҳамон,
Вужудимда жоним тимсоли!

Эшитилса шўх-шўх яллалар,
Гўё менга «Чўли Ироқ»дай!
Суякларим соғинч арралар,
Юрак ёниб бўлган чироқдай!

Йиллар чақмоқ чаққандай ўтар,
Сочларимда қишларин қори!
Армонларим умримга етар,
Гулламади кўнглим баҳори!

Дуо айлаб бахтинг тиладим,
Кафтим тўлиб кетди кўз ёшга!
Хаёлимда бошинг силадим,
Сўнгра ёздим исмимни тошга!



КЕЛМАСИМ

Сен кетдинг, изингдан қуёш ҳам ботди,
Кечаси уйку йўқ, гўё, тонг отди,
Айрилиқ куйлари юракда қотди,
Келмасим! Кутама - келармикансан?!
Қалбимда баҳор бўп елармикансан?!

Бир қадам масофа узоқ туюлар,
Чехрамга тинмайин кўз ёш қуюлар,
Бошимга азоблар тоғдай уюлар,
Келмасим! Кутама - келармикансан?!
Қалбимда баҳор бўп елармикансан?!

Ялла-куй, қўшиққа тароватим йўқ,
Танамда муз қотар ҳароратим йўқ,
Кунларим ўтади фароғатим йўқ,
Келмасим! Кутама - келармикансан?!
Қалбимда баҳор бўп елармикансан?!

Кўзимга кенг жаҳон тор бўлиб қолди!
Юрагим меҳринга зор бўлиб қолди!
Сен йўқсан, севгилинг хор бўлиб қолди!
Келмасим! Кутама - келармикансан?!
Қалбимда баҳор бўп елармикансан?!



СЕН

Бўлмасанг-да, гарчи ёнимда,
Ёшлигимиз ўйлаб ёдимда,
Пилхон ўзим ҳар бир одимда,¹³²
Айтган қўшиқ, ғазалимда сен!

Баҳор, гуллар чечак очганда,
Йигит-қизлар қувнаб тошганда,
Учрашувга гул-ла шошганда,
Айтган қўшиқ, ғазалимда сен!

Янроқларин тўкканда боғлар,
Оқ рўмолин ёпиниб тоғлар,
Жўшқин дарё ухлаган чоғлар,
Айтган қўшиқ, ғазалимда сен!

Қайғули куй чалса, санъаткор,
Нола қилса, қайғудан дутор,
Қалб сўзларим бўлиб мададкор,
Айтган қўшиқ, ғазалимда сен!



¹³² Ҳар бир одимда - ҳар бир қадамда

САЙРАБ

Сайраб-сайраб дардимга дард қўшма, булбул,
Озмиди-ё хасратларим? Жўшма, булбул!

Нолаларинг дардларинг-ми, куйдингми-ё?
Менинг каби бевафони суйдингми-ё?

Ёки чеккан оҳларимдан сен чоқмисан?¹³³
Ё меҳрсиз ёр меҳрига муштоқмисан?

Нега бунча вужудимни тирнайсан, айт?
Барча ғамни мен унутдим, деган, бир пайт?

Эзилгандан юрагим оҳ уриб кетди,
Йиғлайвериб кўз ёшларим қуриб кетди.

Кенг дунёлар кўрингандай тор кўзимга!
Келолмайин қолдим ўзим мен ўзимга!



¹³³ "Чоқмишсан - кўраққимисан"

НАХОТ

Ғамгин куйлар вужудим эзар,
Кўзларимда тўхтамас кўз ёш.
Илк севгимнинг хиёнатига,
Айтинг, қандай берайин бардош?

Ахир уни шундай севардим,
Қизғанардим, ҳатто ўзимдан.
Йўқ эди-ку мендай бахтиёр,
Номин кўймас эдим сўзимдан.

Дардларини ичига ютиб,
Дод дегиси келар юрагим.
Ўз ёримга керак бўлмасам,
Ўзга ёрга борми керагим?

Нахот энди ўтарман ёлғиз,
Айрилиқни(нг) кучоқларинда?!



МУҲАББАТ

Сахрога айланди кўнглим боғлари,
Юракда қолди-ку армон доғлари,
Ҳеч қайтиб келарми ёшлик чоғлари ?
Эртакка айланган муҳаббатимсан!

Мавжини йўқотган жўшқин сойлар ҳам,
Асрга татийди йиллар, ойлар ҳам,
Қадрли - учрашган ўша жойлар ҳам,
Эртакка айланган муҳаббатимсан!

Қошин(г)га қушдайин учар эдим, мен,
Ғоҳида васлингни кучар эдим, мен,
Оловдай ёнардим, ўчар эдим, мен,
Эртакка айланган муҳаббатимсан!

Неча ёз, неча қиш, баҳорлар ўтди,
Бизларни қўллаган ғамхорлар ўтди,
Умрим ҳеч қулмади, ҳам хорлар ўтди,
Эртакка айланган муҳаббатимсан!



СЕВИНЧИМ – ДАРДИМ

На бир оғринажак кўнглим,
На бир севинажакд(ай)ин.
Бош бўлса(ха)м қатти(к) тошла(р)дан,
Туғилажакд(ай) ин.

Йўллариннан адашиб,
Ақл-хуш сарак.
Тоза деб, оқ лойлиқлар(г)а,
Буланжак гарак.

Севинчим – дардим!

Йиғлам(ай)ин кулган йўқдир.
Ишқ - бозор, шайтон - тарози,
Шу сабабли оҳ чекиб,
Севган севилм(ай)ин норози.

Кўзларим(г)а кенг дунё тор,
Сигм(ай)ин гетжакман!
Бир умр(г)а айрилиқда,
Ёра етжакман!

Дўс(т)-қардош, тукқанларим,
Ёт(г)а дўндила(р).
Бу дунё олғов-долғов,
Ўйлаб натжакман!

Севинчим – дардим!



ГАЛАРМИ

Кўз(з)им қувонарми, ё,
Кўз ёшда ўтарми?
Юрагим оҳ-фарёдлари,
Ёра етарми?

Ошиқликни(нг) дарди ёмон,
Кулиб эзажак.
Хаёлимда ёрим-ла,
Бошқа кезажак.

О-о-о... келарми бахтим?!

Жон-дилдан соғинсам-да,
Қоражақим йўқ.
Юзларина дармилиб,
Соралжақим¹³⁴ йўқ.

Орзулари армонмикан,
Муҳаббатимни?!
Бу дунёда севилмин(х)ам,
Қолажақим йўқ!



¹³⁴ Соралжақим йўқ - юзимни зафарон қилгим йўқ

ИЗЛАБ

Излаб-излаб изларингни,
Тополсайдим.
Дийдор кўриб, ғам дафтарим,
Ёполсайдим...

Боғлар аро кезиб, хуснинг,
Гулда кўраман!
Ишқинг ёққан юрагимни,
Кулда кўраман!

Вужудимни соғинч эзиб,
Юмилмас кўзлар!
Хаёлларим фақат сенинг
Исмингни сўзлар!

Айрилиқни борса-келмас
Йўллари узоқ.
Тақдир - севиб, севгимизга
Кўйганми тузоқ?!



ОРЗУЛАРИМ

Орзуларим сойларда қолди,
Булутларда чўкди нигоҳлар.
Тунлар кўзим ойларда қолди,
Вужудимни қамради оҳлар.

Бирга боғлар кезар эдик-ку!
Наҳот тақдир бизни айирди?
Кўнглимизни сезар эдик-ку!
Қанотларим ғамлар қайирди?

Соғинаман кунлар аро мен,
Қувончимдан қолмади дарак.
Бедор ўтиб оҳлар аро мен,
Бир умрга қулмасам керак...



ЁЛҒИЗ АЁЛ

Соғинчлар гирдоби ютади,
Пар ёстик тошларга айланган.
Келар деб, келмасин кутади,
Дилига гириялар жойланган.

Ёмғирлар кўзларин ёшидан,
Куз, япроқ тасвири юзида.
Зардоблар ажрашмас ошидан,
Айрилиқ титроги сўзида.

Тул хотин боғлари - армонлар,
Ғам, алам кўнглининг қувончи.
Бедорлик - дардига дармонлар,
Орзуси - йўқолган ишончи...



ШАФОАТ

Юрагим сеники, ол, деган эдинг,
Севгингни сеҳрига бердим- ку, борим!
Ўзингча, балки сен алдаган эдинг,
Кўнглингни тўқ тутиб юравер ёрим!

Майлига бир умр чекиблар озор,
Ҳар куни аламлар ютаверайин.
Кечалар - уйқусиз, кундузим - бедор,
Тақдирнинг нажотин кутаверайин.

Покиза қалбларга суртиб оёгин,
Борми, айт, қулганин, кўргаз бир кўрай?
Ҳар кимга тегизар қилмиш таёгин,
Аллохдан мен сенга шафоат сўрай!



НАҲОТКИ

Кувончим гуллаган баҳори ўтди,
Аламли изғирин шамоли елар.
Танамдан мисоли қиш қори ўтди,
Ишончсиз кутаман, қачон ёр келар?

Такроран хаёлим ҳаёт йўлида,
Наҳотки, иккимиз айирди қўйди.
Гўёки, ташнадил қушман чўлида,
Юрагим армондан беомон тўйди.

Ҳар оним ноумид, ғамгин қурда ман¹³⁵,
Чехрамда на севинч, қулгининг изи.
Дардларим айтайин, қайси турда ман,
Тақдирим ёзғити - ким севган қизи?

Орзуим йўл олди борса-келмасга,
Йиллар ҳам бир зумда ўтар чақмоқдай.
Ақлим ҳам аҳд қилган - жойдан жилмасга,
Ишончим олдида қолдим аҳмоқдай.



¹³⁵ Қур - давра

НАТИЖА

Кутишдан сабримнинг косаси тўлди,
Йўқ ердан чиқардим, кўчангни чангин.
Ўртага совуқлик тушгандай бўлди,
Чехрангда кўрдим мен сўл(и)ган гул рангин.

Ёлғон-у миш-мишлар ростга дўндими?
Афсона, эртакка ишондинг, қўйдинг.
Менга деб аталган меҳринг сўндими?
Дилимни ҳижронинг тиғи-ла сўйдинг...

Қайтадан кун ботди, чироқлар ўчди,
Хаёлим бирма-бир кетди сен томон.
Гўёки, юрагим ўрнидан кўчди,
Нимадир сезаман - натижа ёмон!?



СИЗНИ

Кушдайин безовта учар кўзларим,
Айрилиқ хавфини сезиб туради.
Бўлмайин қоларман бир кун керагим,
Юрагим ҳар лаҳза эзиб уради.

Тақдирим устимдан кулиши тайин,
Ўзига аёндир унинг ишлари.
Ишончим йўқолар, ишонган сайин,
Бирдайга ўхшайди, ёз-у кишлари.

Биламан, ярашмас сизла юлдузим,
Барибир ёлғизлик олиб кетади.
Тунларга айланар ёруғ кундузим,
Сизни бир бахтсиз қиз бахтли этади!



ЁЛҒИЗЛИК

Гапимга бир қулоқ солинг сиз,
Мен ўзим ўзим-ла кетаман.
Кузатиш шарт эмас, қолинг сиз,
Безовта қилиблар нетаман.

Хўп, хайр! Узрга энди кеч,
Кўрмайсиз дийдорим юзларин.
Бариси бефойда, энди ҳеч,
Айтмайман энг сўнги сўзларим.

Тўкмайман беҳуда кўздан ёш,
Қўллагай сабр-ла бардошим.
Шу кундан эътибор(ан) бағрим тош,
Ёлғизлик - ёрим ҳам сирдошим...



ТАШЛАБ

Бошимга не савдо солмадинг,
Соғинчинг-ла эзиб толмадинг,
Хаёлимдан сира колмадинг,
Ташлаб кетдинг мени, муҳаббат!

Дил озори ўтмас кунларга,
Қувончларим алам, унларга,
Ёруғ куним қаро тунларга,
Бошлаб кетдинг мени, муҳаббат!

Қасқдан ҳам ишқинг суйдирмас,
Олов ёкмай, ўтда куйдирмас,
Ҳар кун сенинг боринг туйдирмас,
Ошлаб кетдинг мени, муҳаббат!

Ишонмайман ўзимга ўзим,
Сенинг васфинг бўлди ҳар сўзим,
Йўлларингда телмиртиб кўзим,
Ёшлаб кетдинг мени, муҳаббат!



БОРДИР

Ошиқлар етдилар васлига ёрин,
Уларга келади орзу-ҳавасим.
Тақдирим аямай олади қорин,
Оғриғин ютаман, чиқмайди сасим.

Неча йил келмайди кўнглим баҳори,
Совуқдан вужудим муз кота бошлар.
Қалбимга оқмади қувонч анҳори,
Сел бўлиб ёғмоқда мен тўккан ёшлар.

Кунба-кун ўзимни сезмай бораман.
Мажбуран куламан ҳар он - ҳар онда!
Адашиб қолдим-ку, ғамлар аро ман,
Кўзимга тордайин бу кенг жаҳонда!

Яшарман қўл очиб, ул чун дуога,
Айрилиқ куйларини чалар юрагим!
Ҳар кун такрорлаб шукрим худога,
Балки бир бахтсизга бордир керагим!



НЕГА ?

Қандайин ажойиб эди, у кунлар,
Ёшликни(нг) гаштини суриб, мастона.
Юлдузлар санардик, ой тўлган кунлар,
Гўёки ҳаммаси тушдай - афсона.

Ажинга айланиб, йиллар ўтади,
Қишларин қорини ёғдириб бошга.
Юрагим дийдоринг кўмсаб кетади,
Аламдан тўлади кўзларим ёшга.

Эсталик суратинг суртиб юзимга,
Мен бахтсиз севгимни эсга оламан.
Саволлар бериб гоҳ, ўзим-ўзимга,
Ёлғизлик дарди-ла бирга қоламан...

Тақдирдан сўрайман, ажратди нега?
Сендами, мендами кимдадир гуноҳ?
Кимлардир ўз бахтин, тахтин вориси,
Биз эса чекамиз, умр бўйи оҳ...



ТАҚДИР

Кун ҳам ботди. Шамол эсмоқда,
Мажнунтоғлар сочини силаб!
Хаёлимда нелар кечмоқда,
Ўша қизни(нг) бахтини тилаб!

Совук урди кўнгил боғимни,
Энди гуллар ўсмаса керак?!
Фараз қилдим улсиз чоғимни,
Орзуларим - мевасиз терак...

Айланмоқда ер шари аста,
Ҳар дақиқа - вақтим ўғирлаб.
Айрилиқдан синди дил хаста,
Асло бўлмас уни тўғрилаб.

Мен ҳамини эслайман албат,
Кел, эй, тақдир мен бирла йиғла!
Тарих бўлиб қолди муҳаббат,
Юрагимга ёзилди тиг-ла!



СЕВМАСА-ДА

Қалб кўридан келар бир садо,
Аламларга беролмай бардош.
Ҳасратида бўлдим мен адо,
Тополмадим ҳамдард-у сирдош.

Пиёлани кучиб май тўла,
Ютавердим гўёки олов.
Сафар қилдим, хаёлан чўл(г)а,
Согинчлари юракка қалов.

Бўлиб кетди ўзгани(нг) ёри,
Шўх яллалар, «Гиря» чалганим.
Ҳаётда бир қувончим бори -
Севмаса-да, сева олганим!



САНСИЗ

Кўнглим - «Ёз ёвон»,
Китобсиз жавон,
Йўлим беравон,
Эй дилдор, сансиз!?

Чархипалак бош,
Юлдузлар - сирдош,
Ҳамдардим - бардош,
Минг озор, сансиз!?

Сезолмай ўзим,
Сўзполмай сўзим,
Кўролмай кўзим,
Кун мазор, сансиз!?

Чиқмай можаро,
Харидор аро,
Тошилмай чора,
На бозор, сансиз!?

Умрим ёз бўлмас,
Ёқар соз бўлмас,
Дилда роз бўлмас,
Гўзал ёр, сансиз!?



БАХТЛИСАН

Кўнглингда бўлса у майлига,
Сенга ишқ қалбимда қолса, бас!
Ким, Мажнун етдилар Лайлига,
Дилимда - бегараз бир ҳавас!

Айрилиқ куйлари елади,
Хаёлим отида чавандоз.
Алам-ла йиғлагим келади,
Шунча кўп азоблар - гўё оз...

Армонлар ичра мен бир ўзим,
Чўлларда кезгандай кезаман!
Исмингни такрорлар ҳар сўзим,
Севгин(г)га ташналик сезаман!

Жонгинам! Бахтлисан дунёда,
Севишга ҳақлидир юрагинг!
Балки у мендан-да зиёда,
Меҳри-ла бсролар керагинг!?



СОҒИНЧИМ

Уйкум ҳам келмасдан қочади,
Киприklar эзилар кўзёшдан!
Азоблар қучоғин очади,
Илоҳим айирма бардошдан!

Булбулни(нг) саси ҳам зоғдайин,
Тинмасдан ғашимга тегади.
Қувончим юракда тоғдайин,
Қун-бакун қаддимни эгади.

Тақдирим ёзғити - кўп кутиш,
Барига бардошим етолгай.
Жонгинам оғирдир унутиш,
Соғинчим ўзим-ла кетолгай...



ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Такдирга тан бериб жимгина,
Яшаш мумкин оёқсиз, кўзсиз.
Дилингдаги айтар сўзингни,
Бармоқларда кўрсатиб сўзсиз.
Бир нарсасиз кўнгил тўлмайди,
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди!

Майли, булбул сасин эшитма,
Кезганингда чамаи-боғларни.
Қайиу-ҳасрат эзиб юрагинг,
Четлаб ўтиб кўнгил чоғларни.
Бир нарсасиз кўнгил тўлмайди,
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди!

Орзуларинг пучга чикса-да,
Бори омад кулиб бокмайин.
Армонларда ўтса-да умринг,
Сен ўзингга ўзинг ёқмайин.
Бир нарсасиз кўнгил тўлмайди,
Муҳаббатсиз яшаб бўлмайди!



РОСТИНИ АЙТ

Эҳтимол сен мени севарсан,
Ё балки бошқани де(я)рсан.
Парвойинг палак-да, индамай,
Жавобинг ўрнига куларсан.

Майли кул, жонгинам кулавер,
Бир дали-девона билавер.
Ишқингни(нг) ўтина куйдириб,
Азоблаб юрагим тилавер.

Қангиди қошимга келолсанг,
Кўнглингда борини деёлсанг,
Бир оғиз сўзинг-ла мени сен,
Дунёда энг бахтли қиолсанг.

Ё «Ҳа» де, ё «Йўқ» де – ростини айт,
Уялиб опқочма кўзингни!
Севсанг ҳам, севмасанг барибир,
Тўй қилиб оламан ўзингни!



МЕНИ ДЕ

Жонгинам, сен менинг келажак бахтим,
Қандайин севишим ўзинг билсайдинг.
Индамай турмагин, десанг-чи: «Майли!»,
Қошларинг уймасдан бир бор кулсайдинг.

Қарамай ўтасан сочларинг ўйнаб,
Гоҳида ҳайронман, тушунмай қолдим.
Балки сен бошқани юрарсан ўйлаб,
Беомон гумонлар ичра йўқолдим.

Илтимос ҳамиша мени де, ёрим,
Истасанг бир умр гулларга ўрай!
Ахир сен меники – меники жоним,
Тиз чўкиб «Ҳа» деган жавобинг сўрай!

Ўзимча қувониб, куйлаб юрибман,
Ҳеч нарса кўринмас ошиқ кўзимга.
Фақат сени - сени ўйлаб юрибман,
Келолмай қолмайин яна ўзимга...



НИМАНГ БУ?

Бепарвосан нега бунчалар?
Ёқмайманми сенга шунчалар?!
Дилимда минг гумон гунчалар
Севгингми бу? Севмаслигингми?!
Ё севгимни сезмаслигингми?!

Гоҳ куттириб келмасликларинг...
Гўё кўзга илмасликларинг...
Ёқишингни билмасликларинг...
Севгингми бу? Севмаслигингми?!
Ё севгимни сезмаслигингми?!

Дийдорингни истар кўзларим,
Соғинчлардан сўлди юзларим,
Жавобсиз қо(ли)б кетди сўзларим,
Севгингми бу? Севмаслигингми?!
Ё севгимни сезмаслигингми?!

Сени дейди юрагим ҳар чок,
Айладинг-ку меҳрингга мушток,
Хаёлимда кезар бир жумбоқ,
Севгингми бу? Севмаслигингми?!
Ё севгимни сезмаслигингми?!



БЕДАНА

Яйраб юрган беданани,
Тезде тутиб олдилар.
Кўриниши жуда гўзал -
Сим қафасга солдилар.

Эрта-ю кеч нола уриб,
Сайраб турар бечора.
Бошқа ҳеч ҳам иложи йўқ,
Нима қилсин, на чора?

Яқинларин соғингандир,
Дарёдир кўз ёшлари.
Чиқай деса панжарага,
Урилади бошлари.

Тутқинлигу ёлғизликдан,
Чекар тинмай оҳ-у дод.
Унинг дардин дардларидан,
Кимларнингдир кўнгли шод...



ДАРДИНГ ИЛА...

Муҳаббат сен бунча гўзал,
Ҳам жуда сирлисан, оҳ!
Ҳар бир дилга ёқасан, ҳам —
Бунча сеҳрлисан, оҳ!

Нимасан? Ҳеч англолмадим —
Азобмисан ё қувонч?!
Ушалмас орзумисан ё —
Ҳаётга бўлган ишонч?!

Сездирмасдан юрагимга,
Кириб келдинг атайин.
Ростмисан сен, ёлғонмисан,
Айт, нима дед атайин?!

Майли ширин, майли аччиқ,
Майли, қайғу — армон бўл!
Дардинг ила ошиқларга,
Сен ҳамиша дармон бўл!



АЙТАҚОЛ

Юрагим, гоҳида ҳомушсан,
Талпиниб қайгадир шошасан.
Гоҳида сиғмайсан ўзингга,
Жўш урган дарёдай тошасан.

Соғиниб қолдингми севгилинг,
Қилич қош, қоп-қора кўзларин.
Гоҳ кулиб турган ул чиройли,
Ғунчалаб, оп-оппоқ юзларин.

Сочларин силагинг келдими?
Бунчалар кўзимни қиздирма¹³⁶!
Не дардинг бўлса, тез айтақол,
Унинг ҳам юрагин эздирма!



¹³⁶ Кўзимни қиздирма — ҳавасимни келтирма

ИШҚ ДАРДИ

Ишқ дард-у ғамини кўрманг замондан,
Севмаган инсонни(нг) дарди - давосиз.
Ёр хажрин чекмаган ошиқ бормикан,
Йўқ эмас, бор эрур бунда вафосиз.

Қизикдир - муҳаббат бирла озори,
Чаққондир ҳамиша ишқнинг бозори,
Яхшими, ёмонми яхшидир бори,
Кувончсиз кўринмас, ғавғосиз.

Бир-бирин соғиниб оҳлар чекарлар,
Ё кўнглим боғига армон экарлар,
Айрилиқ дардидан кўз ёш тўкарлар,
Шунда ҳам деманглар, севги - сафосиз.

Каттами кичикми ет(каз)иргай ёра,
Ёлғиз бўп ўтмагай, тополмай чора,
Дилин хуш айлагай қилса(ха)м ов(в)ора,
Ҳаёт гўзал эмас, ишқий савдосиз.



НА ЧОРА?

Кўксим тилиб таралади,
Бир ғамгин куй навоси.
Топилмайин қолдими-ё,
Машшоқ дардин давоси?!

Бор вужудим эриб кетди,
Дарё бўлди кўз ёшим.
Гўё менинг дардим куйлар,
Эмасди-ку сирдошим?!

Севганидан айрилгани,
Маълум - ким у бечора?
Тақдирга тан бермай бўлмас,
Иложи йўқ, на чора?

Нега? Нечун, ахир бундай,
Кимдир йиғлар, кимдир чоғ?!
Кимдир кўнглин очса, кимдир,
Унинг учун қазар чоҳ?!



КҮРИНМАДИНГ...

Ахли ошиқ боғда кезар,
Ой уйғонган чоғда кезар,
Излаб дилим доғда кезар,
Кўринмадинг...

Юлдузлардан сўрайинми?!
Саволларга ўрайинми?!
Дардим айтиб йиғлайинми?!
Кўринмадинг...

Дийдорингнй тилар бўлдим,
Кўз ёшлар(г)а чўмар бўлдим,
Соғиниблар ўлар бўлдим,
Кўринмадинг...

Шайтон гумон солдими-ё?!
Ақл-у ҳушинг олдими-ё?!
Мендан кўнглинг қолдими-ё?!
Кўринмадинг...



БИЛМАДИМ

Шарт эмас қаламим бўлиши,
Хат қилиб битишга дардларим.
Қўз ёшим томчилаб қоғозга,
Ёзади қайғу-ла ҳасратим.

Балки у ўзга бир ёр билан,
Гул териб боғларда кезади?!
Унутай дейман-у илож йўқ,
Соғинчи юрагим эзади?!

Айрилиқ - азоб, лек кўникдим,
Такдирим шу бўлса, найлайин?!
Яшаш чун берилган бу ҳаёт,
Боримга минг шук(у)р айлайин!

Севганга севилмадим,
Севганларни севмадим...
Ўйладим ишқ - қувонч деб
Дард эканин билмадим...



СЕВГИ

Ширин дерлар ишқ-мухаббатни,
Аччиқлиги ундан ҳам ширин.
Ҳалигача ҳеч ким билмаган,
Дарди дилхуш – сеҳрли сирин.

Гоҳо осмон(ни) кучгинг келади,
Гоҳ жарлиқда сезасан ўзинг.
Таърифламоқ истайсан аммо,
Тополмайсан таърифга сўзинг.

Яхши-ёмон – тақдирдан кўриб,
Севилингу севаверинглар!
Кувонгирса кувонинг сиз ҳам,
Гар куйдирса куяверинглар!

Дардингизни дармон деб билинг,
Ишқ суянчиқ бўлсин ҳамиша!
Ким не деса деяверсинлар,
Чин севгидан қилманг андиша!



БОРИ ЯХШИ

Дардинг дарди - бу севги,
Ҳасратинг ҳам қувончинг.
Кун-бакун ортиб борар,
Ёлғонига ишончинг.

Суймаганга суйканиб,
Боқасан, у боқмайди.
Қувсанг-да келаверар,
Ёқтиргани – ёқмайди.

Кутмаганни - кутасан,
Кутмаганинг- кутади.
Оддийлиги - айёрлик,
Гул, деб - тикан тутади.

Аччиқлиги болдайин,
Ширин озори яхши.
Яхшими ё ёмонми?!
Йўғидан бори яхши!



БУ ҲАЁТ

Яшаб бўлурми ёрсиз?!
Кўнглингдаги дилдорсиз?!
Жонга оро бўлса-да,
Муҳаббат йўқ озорсиз!
Гўзал ҳаёт, бу ҳаёт,
Севги билан барҳаёт!

Қувонишиб юрсинлар!
Севилсинлар, севсинлар!
Унутмасдан ҳаёни,
Ўйнасинлар, кулсинлар!
Гўзал ҳаёт, бу ҳаёт,
Севги билан барҳаёт!

Шайтон юзин очмасин,
Ақл-хуши чошмасин¹³⁷.
Кўрган, билган дўст-ёри,
Юз ўгириб қочмасин.
Гўзал ҳаёт, бу ҳаёт,
Севги билан барҳаёт!

Озмас дарду қувончи,
Гумони ҳам ишончи.
Ҳеч кимга дуч келмасин,
Сохта ошиқ - ёлгончи.
Гўзал ҳаёт, бу ҳаёт,
Севги билан барҳаёт!

¹³⁷ Чошмасин - адашмасин

БОРМИДИ...

Ваъдага вафолар йўқмиди бизда,
Мен сени, сен мени севмаганмидик?!
Ул орзу, тилаклар қайларда қолди,
Сен мени, мен сени демаганмидик?!

Дуч келса обқочиб қаро кўзларни,
Айтолмай энг гўзал ширин сўзларни,
Ҳаёнинг рангига бўяб юзларни,
Муҳаббат туйғусин сезмаганмидик?!

Қушдайин учиблар кўнглимиз ҳушлаб,
Ўтдайин титроқли қўллардан ушлаб,
Қучиблар олишга тортина бошлаб,
Тонггача боғларни кезмаганмидик?!

Бормиди дунёда биздай бахтиёр,
Бир-бирин ардоқлаб чиндан севар ёр,
Кун ўтмай кўришга бўлиб ингизор,
Соғиниб юракни эзмаганмидик?!



ЙЎҚМИ...

«Кечириг» деб айтдинг-да, кетдинг,
Яраланиб қолди юрагим.
Ё ўзгага кўнгил кўйдингми?
Йўқми энди менинг керагим?!

Соғиниб ул каро кўзларинг,
Кундузларим айланди тунга.
Сезмай қолдим бор-у йўғимни,
Ошиқ дилим тўлди, оҳ, унга!

Орзуларим гулбоғларини,
Хазонлари урди армоннинг.
Дардларимга севгиндан бўлак,
Таъсири йўқ ҳеч бир дармоннинг!



ЙЎҚ!

Ахир биз бахтиёр эдик-ку!
Мен сени чин дилдан севардим.
Қизганиб етти ёт кўзлардан,
Ишқингда ёниблар қуярдим...
Ўзга бир севгини ўзига,
Сигдира оларми юрагим?!

Дийдорсиз қуриблар қолди бу,
Кўнглимнинг боғларин гуллари?
«Нега?» деб хаёллар сураман,
Уйқусиз кундуз-у тунлари.
Ўзга бир севгини ўзига,
Сигдира оларми юрагим?!

Наҳотки, армонга айланди,
Орзулар, умид-у қувончим?
Бир зумда йўқолиб кетдим,
Севгига бўлган бор ишончим?!
Бегона севгини ўзига,
Сигдира оларми юрагим?!



ЯНА

Сен қанчалар суймайман десанг,
Мен шунчалар суя бошладим.
Юрагимда ёнган рапк, алам,
Ўти ичра куя бошладим.

Айтчи сенга ёқмасам агар,
Изларингда юритармидинг?!
Азобларинг қувончларида,
Ўйнатиблар кулдиармидинг?!

Меҳринг сезар қаро кўзларим,
Дилда ишқинг завқи елади!
Дийдорингга тўёлмайман ҳеч,
Яна, яна кўргим келади!

Жонгинам! Қўй, бундай ҳазилинг,
Гумонларга тўлдирма кўнглим.
Фақат ўзинг! Ўзингсан ахир,
Биринчи, ҳам охирги севгим!



ҚАНИЙДИ

Мен сени, сен мени демасмидинг ё?
Не учун кўз ёшга тўлди кўзимиз?!
Миш-мишга инониб ажраб кетишга,
Сабабчи эмасми ахир ўзимиз?!

Ул бахтли кунларни эсласам агар,
Хаёлим паришон бўлиб кетади.
Қилмаган ишингга жавоб беришлик,
Энг ёмон жойи шу - алам этади...

Йўқ айбни бўйнимга олай майлига,
Кечиргил, сен мени кечира олсанг.
Қанийди кўнглимни(нг) боғин гуллатиб,
Қайтадан келсангу ёнимда қолсанг...



ШИРИН СҮЗ

Севаман, мен сени севаман,
Қандайин дилхуш, ширин сўз!
Яйраб-ла(р) кетасан кувончдан,
Эркалаб: Ҳа, деса қоракўз!

Юзларинг оловдай ёнади,
Қизариб алвонранг гулдайин!
Бу сўзни чин дилдан айтса бас,
Тунлар ҳам туюлар кундайин!

Шунда сен бу гўзал ҳаётнинг,
Чинакам завқини сезасан!
Хаёлап учиблар фазога,
Гўёки дунёни кезасан!

Кўнглингни безайди бир туйғу,
Қалбингда куй, кўшиқ елади!
«Сенчи?» деб сўраса уялиб,
Ёлғондан «Йўқ!» дегинг келади!



АГАР

Кўнглим! Кўнглим бўлсанг: айт!
Борми ўзи қувончинг?!
Қолмадими дилингда,
Муҳаббатга ишончинг?!

Ёлғиз кезиб юрасан,
Ҳамма кўзлардан йироқ.
Тинглаганинг ҳамиша,
«Гиря» ҳам «Чўли Ироқ»...

Юрагинг қайғу, алам.
Ҳасратларга кўндими?
Шундай гўзал ҳаётдан,
Умидларинг сўндими?

Яшаш учун курашмоқ,
Бардошли инсон иши!
Агар сендек ўйласа,
Қолармиди бир киши?!



КЕЧИРИНГ

Кимларнинг кўлига қаратдим,
Кимлардан ҳайитлик сўратдим,
Ўзгалар меҳрига ўратдим,
«Кечиринг!» дадангиз, «Кечиринг!»,
Кечирмай, мен ўзим ўзимни!

Айрилиқ кечмиши осонмас,
Қилмишим ҳеч ишонч қозонмас,
Ўйламанг умримни хазонмас,
«Кечиринг!» дадангиз, «Кечиринг!»,
Кечирмай, мен ўзим ўзимни!

Соғинчлар тирдоби ютмоқда,
Ҳар лаҳзам зардоблар тотмоқда,
Тонгларим сизларсиз отмоқда,
«Кечиринг!» дадангиз, «Кечиринг!»,
Кечирмай мен ўзим ўзимни!

Болам деб босмадим бағримга,
Армонлар тоғ бўлди яғримга,
Майлига келмангиз қабримга,
«Кечиринг!» дадангиз, «Кечиринг!»,
Кечирмай мен ўзим ўзимни!



АЙРИЛДИМ...

Яна бир тонг отди. Қандай? Билмадим...
Юлдузлардан узилмасдан нигоҳим.
Хаёлимда фақат сўнгги учрашув,
Бормиди ё олдингда бир гуноҳим?!

Алам билан кулиб қўйдим ўшанда,
Армон ёши томчилади кўзимдан.
Қараб турдим индамадим негадир,
Ўзим билдим, ўтганини ўзимдан.

Мен бир сени, сени севар эдим-ку!
Чин дўстим-ла дил боғладинг атайин...
Ҳам ёримдан, ҳам дўстимдан айрилдим...
Бу дардимни кимга, қандай айтайин?!



АЛДАЙ ОЛМАЙМАН

Гуллар билан келиб қошимга,
Севгингизни изҳор айламанг?
Раҳм қилинг кўзда ёшимга,
Зинҳор мени сиз ёр айламанг?
Сизни ҳеч ҳам алдай олмайман,
Алданганим ўзимга етар...

Қани эди сиз-ла боғларни,
Қўл ушлашиб тонггача кезсам!
Юрагимдан юлиб доғларни,
Чин муҳаббат тафтини сезсам!
Сизни ҳеч ҳам алдай олмайман,
Алданганим ўзимга етар...

Тарк айламас алам-армонлар,
Ювса кетмас лойларга ботдим.
Зардоб ичсам - дардга дармонлар,
Мен бахтимни эрта йўқотдим.
Сизни ҳеч ҳам алдай олмайман,
Алданганим ўзимга етар...

Қани эди сизла боғларни,
Қўл ушлашиб тонггача кезсам!
Юрагимдан юлиб доғларни,
Чин муҳаббат тафтини сезсам!
Сизни ҳеч ҳам алдай олмайман,
Алданганим ўзимга етар...

МЕН

Гар тонг сахар кўринган юлдуз,
Ёритса ул кўзларинг - кундуз¹³⁸,
Қуёш жисминг илитса кундуз,
Тонг ёруғи - қуёш нури мен!

Сенга гуллар атаса баҳор,
Тўлқинланиб куй чалса анҳор.
Булбул қўшиқ айтса, гулга зор,
Ул куйлар-у қўшиғи ҳам мен!

Шамол елиб сочинг силаса,
Эркалатиб бахтинг тиласа!
Ҳижрон тиғи қалбинг тигласа,
Эркалатиб соч силаган мен!

Сен кўрган ҳу қушлар самода,
Кстар узоқ, келар ҳар онда.
То мадор бор танамда — жонда,
Келишинг интизор кутган мен!



¹³⁸ Қундуз – андатра (бу қиёсда ўша жонивор кўзлари субҳидамда юлдуздай чараклашига ишора бор.)

ЯШАШ МУМКИН

Ишқ-мухаббат шундай эмиш деб,
Бир бевафо ҳажрида куйдим.
Армонларда қолди юрагим,
Дардларини дилимга туйдим.

Кимга айтай бу арзу ҳолим,
Ким ҳам тинглар оҳ-у додимни.
Мен қалбимнинг кўрига кўмдим,
Хазон бўлган илк муродимни.

Раво кўрмай ҳеч бир ошиққа,
Кечирган-у, кўрган, билганман.
Яшаиш мумкин ҳаётда ёрсиз,
Яшамасдан бурун ўлганман!



БАС ЕТАР

Илоннинг домига илинган қушдай,
Рангларинг куз япроқ - кўзларингда ёш.
Ўнгингда кўрганинг гўёки тушдай,
Ҳамдардинг бўлолгай сабр-ла бардош.

Афсуски, вақтнинг қайтиши гумон,
Очилган гул қайта гунча бўлолмас.
Кувонч боғларининг ҳосили - армон,
Ким хато қилсаки, тотмайин қолмас.

Сингилжон, бас етар бошингни кўтар,
Қаерда қиш бўлса, баҳор, ёзи бор.
Гул билан соғиниб бир йигит кутар,
Бўл дея сен менга чин вафодор ёр!



ЕТОЛГАЙ

Ким кимни дим яхши кўради,
Санми-ё, манми-ё айт ўзинг?!
«Йўк» дейсан уялиб, «Йўк» дейсан,
Ёлғонми, ростми ё ҳар сўзинг?!

Сигм(ай)инла(р) кета(р)ман жаҳона,
Кувончдан ёрилажок¹³⁹ юрагим.
Ўзим(г)а инонм(ай)ин¹⁴⁰ қоламан,
Сезибла(р) сенга-да керагим.

Кўшикла(р) айтасим¹⁴¹ келади,
Сўзлари одинг(г)а¹⁴² одалган¹⁴³.
Соғиниб кетаман дийдоринг,
Кўзларим йўлинг(г)а қадалган.

Бунчалар гўзалдир бу ҳаёт,
Балки ишқ-муҳаббат борина.
Бир умр тартса-да азобин,
Етолгай ҳар ким ўз ёрина.



¹³⁹ Ёрилажақ - ёришмоқчидай

¹⁴⁰ Инонмин - ишонмай

¹⁴¹ Айтасим - айтгим

¹⁴² Одинг - исминг, номинг

¹⁴³ Одалган - аталган, бағишланган

ҚЎШИҒИМ

Кўнглимнинг рангига ўраб бир куни,
Кўмарлар мен билан илҳомимни ҳам!
Шеъримда қолади юрагим уни¹⁴⁴,
Гоҳида кулади, гоҳ кўзларида нам...

Қўшиғим шамол бўп соғиниб елар,
Гуллари қуриган боғларим аро!
Кўз ёшла мазорим қошига келар,
Дардларин айтарга ул кўкси яро...



¹⁴⁴ Ун - товуш, овоз

ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАР

СОҒИНДИМ

Дим¹⁴⁵ соғиндим, соғиндим,
Ўртанибла(р) оғриндим,
Галми(й)ди даб нолиндим,
Соғиндим, ман соғиндим,
Ўртанибла(р) оғриндим...

Ал¹⁴⁶ ушлашиб юрганинг,
Эжашиб¹⁴⁷, шўх гулганинг,
Эркалатиб суйганинг,
Соғиндим, ман соғиндим,
Ўртанибла(р) оғриндим...

Панасини, чорбоқни(нг)¹⁴⁸,
Сув ичган ул ирмоқни,
Кўксинга бош кўймоқни,
Соғиндим, ман соғиндим,
Ўртанибла(р) оғриндим...

Сочларимнан тортқанинг,
Ёлгон гаплаб чотқанинг¹⁴⁹,
«Севаман» даб, ойтқанинг,
Соғиндим, ман соғиндим,
Ўртанибла(р) оғриндим...



¹⁴⁵ Дим - жуда

¹⁴⁶ Ал - қўл

¹⁴⁷ Эжашиб - ҳазиллашиб

¹⁴⁸ Панасини чорбоқни - чорбоғ панаси, яъни пинҳона учрашув жойи

¹⁴⁹ Чотқанинг - алдаганинг, чуқ туширганинг

ОҒА ГАЛИНГ

Бир гап(п)им бо(р), оға, галинг,
Гўринмасдан боға галинг,
Қуёш ботор чоға галинг,
Ман оға, боға бораман!

Боға ҳечам кирдингиз-ми?
Гуллаганин кўрдингиз-ми?
Мани излаб юрдингиз-ми?
Ман оға, боға бораман!

Рўмол тикдим, сиза одлаб¹⁵⁰,
Юрсин дея, мани ёдлаб,
Учрашуь(г)а кўнглим шодлаб,
Ман оға, боға бораман!

Мақсадингиз билажакман,
Соғинибла(р) юражакман,
Сизни қийнаб - гулажакман,
Ман оға, боға бораман!

Ҳар гун ойнаға боқаман,
Исирға, минжиқ¹⁵¹ тақаман,
Сиз(г)а ман шунд(ай)ин ёқаман,
Ман оға, боға бораман!



¹⁵⁰ Сиза одлаб - сизга атаб

¹⁵¹ Исирға минжиқ – сирға, мунчоқ

НАЙЛАЙИН

Боғимда гуллади шафтоли, узум,
Бўйнимда нақшли¹⁵² минжиқла(р) дузум,
Хеч саннан дарак йўк, йўлингда гўз(з)им,
Дармилиб кутишла(р) корим, найлайин!

Хар ожи¹⁵³ сўзингни дила сопаман,
Шарпала(р) гўринса, сан даб чопоман,
Хаммала(р) кувонса, бир ман хопоман¹⁵⁴,
Соғинчинг ўрти(й)ди, зорим, найлайин!

Гезжала юлдузла(р) санаб, адошиб,
Гўззима ёш галар, дарёдин дошиб,
Азобинг гуннан-гун меъёрдан ошиб,
Совийман, галса-да қорим, найлайин!

Ўйноқи яллала(р) чалмас шўх созим,
Қулоғим эшитмас - сассиз овозим,
Тарк атди вужудим аркалик нозим,
Сезмийман ҳаётда борим, найлайин!

Тўй, байрам кўнглима ўрнашаси йўк,
Ҳамиша мансиз(х)ам кўнглинг бўлсин тўқ,
Армонни юрака сончдинг мисли ўқ,
Бахтингни диладим, ёрим, найлайин!



¹⁵² Нақшли - чиройли, гўзал. Бу ўринда катор қатор мунчоқлар гўзаллиги назарда тутилган

¹⁵³ Ожи - аччиқ

¹⁵⁴ Хоно - хафа

ЁРА - ЁР

Қиз бола очилған гул десам, тўғри,
Ўтлар(г)а ёнм(ай)ин(х)ам кул десам, тўғри,
Қафасда кушдайин учиши армон,
Ким сотиб олса бас, кул десам, тўғри.
Зардобла(р) малҳамим, ман бемор бўлдим,
Кўнглим(г)а ёқмаған ёра - ёр бўлдим...

Соғинчи чўллатди¹⁵⁵ - ичларим ёнди,
Дийдор(х)ам сувиннан бармин қизғонди,
Йўк ердан азобла(р) чўл(ғ)аб олдила(р),
Инониб юрганим ваъдадан тонди.
Зардобла(р) малҳамим, ман бемор бўлдим,
Кўнглим(г)а ёқмаған ёра - ёр бўлдим...

Кўнглимни очар(г)а хўстори - ётла(р),
Гулзордан юр(и)сам, кўринар чотла(р),
Соғинған маҳалда кундузим - тундир,
Юрагим оғрийди чекиб фарёдла(р).
Зардобла(р) малҳамим, ман бемор бўлдим,
Кўнглим(г)а ёқмаған ёра - ёр бўлдим...

Найлайин ўзима-ўзим қозиман,
Тақдирим алинда чолған созиман,
Юзимда кулгидан асар топилмас,
Бош(ш)има на тушса(ҳа)м, мажбур-розиман.
Зардобла(р) малҳамим, ман бемор бўлдим,
Кўнглим(г)а ёқмаған ёра - ёр бўлдим...



¹⁵⁵ Чўллатди - чанқатди

ГЕТАМАН

Нокишакли¹⁵⁶ сирға, минжиқ доқаман,
Бағри дошман, гўрсам ариб оқамон,
Дешонимнан¹⁵⁷ парво қилм(ай)ин кетсам-да,
Ичим олиб, ўзим ўт(г)а ёқаман.

Бўён ўсм(ай)ин қолди сувсиз рошла(р)да,
Дузи йўқд(ай)ин ичсам, ичган ошла(р)да,
Гежа-гундуз йўллари на дармилиб,
Чўмиб гетдим, согиниб кўз ёшла(р)да.

«Жонимсиз» деб, кўнглим очиб кетаман,
Гул уруғин дил(г)а сочиб кетаман,
Кутавариб рангим кузак йўрпоқдин,¹⁵⁸
Ничча марта алдаб қочиб кетаман.

Чарх(и)-палак тинм(ай)ин бош(ш)им ойлана,
Қачон шунга куёв белбоғ бойлана?
Ҳайрон бўлдим, суқи сингиб¹⁵⁹ қолдим?
То ўлинча кўнглим шунга бойлана.



¹⁵⁶ Нокишакли - турли пақшлар билан зийнатланган, чиройли

¹⁵⁷ Дешонимнан - сиртимдан

¹⁵⁸ Кузак япроқ - саргайган барг, ҳазон

¹⁵⁹ Суқи сингиб - астойдил меҳр бериб севгани таъсирига тушиб қолмбқ

ГАЛАРИМ

Баҳорни(нг) шамоли эсди ёвона¹⁶⁰,
Қалдирғоч ин курди ёзғи айвона,
Йўлина қарийман чиқиб нарвона,
Соғинчин азоби сунгак(к)а¹⁶¹ етди,
На бўлди, галарим галминла(р) гетди...

Ўйласам дунаман¹⁶², ақлим бойланиб,
Шайтоним отинда гумон ойланиб,
Юраким оғрийди у ён шойланиб,
Соғинчин азоби сунгак(к)а етди,
На бўлди, галарим галминла(р) гетди...

Тўйлара ниятлаб пахта сойаман¹⁶³,
Чўлласа ичар деб купи чойаман¹⁶⁴,
Хабарин эшитсам, қушд(ай)ин қойаман¹⁶⁵,
Соғинчин азоби сунгак(к)а етди,
На бўлди, галарим галминла(р) гетди...

Тақдирим одашиб ёзғит ёздими?
Бахтима ойрилиқ чуқур қаздими?
Кўнгил(г)а ишонч йўқ, йўлдан оздими?
Соғинчин азоби сунгак(к)а етди,
На бўлди, галарим галминла(р) гетди...



¹⁶⁰ Ёвон - қишлоқ

¹⁶¹ Сунгак - суяк

¹⁶² Дуниб қолмоқ - ҳеч нарсани идрок этолмай қолиш

¹⁶³ Пахта сойиш - пахтани қамши таёқчалар билан билан савалаб титиш

¹⁶⁴ Купи чайиш - қувида қатикит айронга айлантириш

¹⁶⁵ Қушдай қайиш - қушдай пахта қараб шўнгиш

АЙИРМАНГ

Алларимда хина, қошим сурмали,
Кўйлагим кўк сатин ёкам бурмали
Сасла(р) галди эшитилмас айвоннан,
Совчила(р)ми? Кимла(р)? Қайси тамоннан?

Митти қушман, қонотимни қайирманг,
Жон опагон, севганимнан айирманг.
Қум(г)а эксанг, эккан налча ўнарми¹⁶⁶?
Йигит қиз(г)а ёкмаса, қиз кўнарми?

Ёзда булут, қуёш нурин ёпмасин,
Кўз ёшларим дарё бўлиб оқмасин.
Митти қушман, қонотимни қайирманг,
Жон опагон, севганимнан айирманг,

Гул бўлмаган боғда булбул сайри(й)ми?
Кўнгилда йўқ ёрсиз кўнгил яйри(й)ми?
Оёқ яланг жангалликда¹⁶⁷ кездирманг,
Оғрикина юракимни эздирманг.

Митти қушман, қонотимни қайирманг,
Жон опагон, севганимнан айирманг,
Олма тол(г)а, тўронгини сопмангла(р),
Қуриб қолса гуноҳина ботмангла(р).

Очилмин(х)ам дуриб эрта сўл(ай)инми?
Ёт йигит(г)а севм(ай)ин келин бўл(ай)инми?
Митти қушман, қонотимни қайирманг,
Жон опагон, севганимнан айирманг.

¹⁶⁶ Налча ўнарми - нихол унарми

¹⁶⁷ Жагаллик - жангалзор, тиканзор

ГАРАКЛИ

Кум этақда¹⁶⁸ тонгда кезсанг ҳаволи,
Қалажиқ¹⁶⁹ ни туз кони дим даволи¹⁷⁰.
Ёрни истаб чеккан азоб билинмас,
Минг ўртаса(ҳа)м юрак-бағрим тилинмас.

Ҳовуз бўйи соя, гужум- теракли,
Бўлиб қолди ёрим шунд(ай)ин гаракли.
Рош(г)а эккан гурвак эрта пишибди,
Оқ арикла бир-бир ера тушибди.

На хати во(р), на хабари соғиндим,
Чиконима¹⁷¹ ёмонлабла(р) нолиндим.
Сўқи¹⁷² ла(р)да йиғлаб шоли туяман,
Айрилиқни(нг) дардин айтиб куяман.

Тандир(г)а ўт ёкиб чўрак¹⁷³ ёпимми?
Оёқ яланг йўлларина чопимми?
Гул тўқиймон рўймолина одалган,
Қаро кўз(з)им суратина қодалган.

Иймантириб этларимни ошлажак,
Келаварм(ай)ин кўзларимни ёшлажак.
Куз йўрпоқд(ай)ин ранги гулд(ай)ин рўйимни,
На(и)лож атин олган ақли ўйимни.

Мунчалар кўп гетмас ади узоқлаб,
Гуно(ҳ)сизд(ай)ин галар, гуносин оқлаб.
Ала (т)чушса ўзи билар ҳолимни,
Меҳрим билан озорлиийман золимни.

¹⁶⁸ Кум этақ - кум ёнбағирларида

¹⁶⁹ Қалажиқ - Богот туманидаги кўҳна қалъа номи

¹⁷⁰ Дим даъволи - жуда шифобахш

¹⁷¹ Чикон - дугона

¹⁷² Сўқи - кели

¹⁷³ Чўрак - Одатда, Хоразм номлари ҳажмига кўра катта ва кичик бўлади. Чўрак - кичик нон дегани.

ЧАҒАЛЛАҚ¹⁷⁴

Тўлкинла(р)ни куйларинда,
Эркала(ни)б учқан чағаллақ,
Кўкрагини қалқон этиб,
Шамол(г)а тутқан чағаллақ.

Чағ-чағалақ, чағаллақ,
Чағ-чағалақ, чағаллақ.

Ўлжа кўрса қонот ёйиб,
Айланаверган чағаллақ,

Жундукини сув(г)а чайиб,
Товланаверган чағаллақ.

Чағ-чағалақ, чағаллақ,
Чағ-чағалақ, чағаллақ.

Балиқла(р)ни дим хуштори,
Патлари оппоқ чағаллақ
Дарё, денгиз, кўл хўстори,
Кезмак(к)а муштоқ чағаллақ.

Чағ-чағалақ, чағаллақ,
Чағ-чағалақ, чағаллақ.

Парвозини ҳеч қўйми(й)жақ,
Илдириб олжақ чағаллақ.
Киччи бўлса(ҳа)м еб дўймижақ,
Тўйи(ни)б олжақ чағаллақ.

Чағ-чағалақ, чағаллақ,
Чағ-чағалақ, чағаллақ.

¹⁷⁴ Чағаллақ - балиқчи қуш номи

ЖОН ОПА

Тўқиган рўмолим шамола сардим¹⁷⁵,
Гулларин нақиши соғинчу-дардим.
Ангшариб¹⁷⁶ оларми кўрганд(ай)ин ўзи?
Ё бошқа қизла(р)да бўла(р)ми кўз(з)и?

Кўз(з)иннан айлан(ай)ин ёт(г)а қараса(ҳа)м,
Келар(г)а қош бўяб, сочим тарасам.
Сикмонла(р) пиширдим жуган униннан,
Айрони бувамни музд(ай)ин хуминнан.

Дўстурхон ёйибла(р) соғинар бўлдим,
Келмаса ўртаниб оғринар бўлдим.
Мунда(й)тиб истатиб¹⁷⁷ қолмағай эди,
Кўнглим(г)а гумонла(р) солмағай эди.

Йўринжа¹⁷⁸ ўрилиб, култа¹⁷⁹ боғланди,
Ёримдан хабар йўк кўнглим доғланди.
Қанийди, булбулим билан топишсам,
Ўз кўнглим хо(х)лаған билан қовушсам.

Ҳар кунни кечаси, кундузи бордир,
Нишатсам бахт кулиб, омадим ёрдир?
Эгнимда эйноғоч¹⁸⁰ сувла таши(й)ман,
Ёт ер(г)а берсала(р) нишаб яши(й)ман?

Совчила(р) тинми(й)ди кунда, кун оша,
Жавобим берсала(р) (ма)ина томоша!
Жон опа, розилиқ, жавоб керакмас,
Ёримнан айирар савоб керакмас.

¹⁷⁵ Сардим - ейдим

¹⁷⁶ Ангшариб - англаб, илғаб

¹⁷⁷ Истатиб - соғинтириб

¹⁷⁸ Йўринжа - беда

¹⁷⁹ Култа - бир боғ беда

¹⁸⁰ Эйноғоч - Елкага қўйиб икки челақ сув қўтаришга мўлжалланган ёғоч ускуна

ЗОРИМАН

Курамиш¹⁸¹ ла кураб кўрпа бичаман,
Айрилиқни(нг) за(х)рин кунда ичаман,
Ўлдирса-да, куйдирса-да розиман,
Яхши кўрган ёрдан ничик гечаман.

Хабарларин етказинг даб қушлар(г)а,
Кеча кириб чикди ёмон тушлар(г)а,
Товлонибла(р) ётабилм(ай)ин чиқаман,
Сабр-бардош баргий ақл-хушлар(г)а.

Кўрсатса-да ўзин дим(х)ам гаракли,
Тополмадим уннан яқин даракли,
Салма роша дулли налча эк(у)вадим,
Соя берди бўлди гужум – даракли.

Куннан куна сўл(а)ётирман ман ўзим,
Одларини такрорли(й)ди ҳар сўзим,
Ничча¹⁸² совчи қайтиб гетти изина,
Очилмажак эл ичинда гул юзим.

Учак¹⁸³ лар(г)а чикиб йўлин қари(й)ман,
Галарини кутиб шунд(ай)ин ҳори(й)ман,
Гар тоқ ўтсам ўт(ай)ин, бошқа гаракмас,
То ўлинча шу дали¹⁸⁴ ни зориман.



¹⁸¹ Курамиш - курак

¹⁸² Ничча - қанча

¹⁸³ Учак - том

¹⁸⁴ Дали - дали, девона, мажнун. Бу ўринда ошник назарда тутилган.

ГҶҰРИНМАС

Орзуларим олиб қочар узоқ-узоқ(қ)а,
Қаро сочим толалари бўялди оқ(қ)а,
Кўнглимни ҳеч узоқ(й)ман яхши гўраман,
Сезсам-да ман илганимни чигал тузоқ(қ)а.

Ёлворибла(р) тақдиримдан нажот сўрадим,
Нерладанам¹⁸⁵ алдоқчи ул ёр(г)а уврадим¹⁸⁶,
Гала қўйса, қадамина меҳрим поёндоз,
Хаёлимда галмасимни гул(г)а ўрадим.

Балки, бир гун ҳасратларим қувонч(г)а дўнар,
Балки, умид юлдузларим эртадан сўнар,
Гундан-гуна ўйлайвериб ёниб кул бўлдим,
Юрак динм(ай)ни эзилса-да, кутниш(г)а кўнар.

Гундузлари гўзларима куёш гўринмас,
Ич-ичимдан йиғли(й)вериб кўз ёш гўринмас,
Бир ўзим(г)а аёндир-эй, соғинч азоби,
Ишончимни ўғирлаган бевош¹⁸⁷ гўринмас.



¹⁸⁵ Нерларданам - қайданам

¹⁸⁶ Уврадим - учрадим

¹⁸⁷ Бевош – бебош - эрка, шўх

ГЕЧ

Азоб бариб ёд(г)а тушар ҳар гўрганда,
Ёш вах(т)лари бирга ўйнаб юрганларим.
Туртиб ўтиб беҳудадан беҳудага,
Сан йиғласанг, ман ҳазатиб¹⁸⁸ гулганларим.

Го(х) дафтаринг гизлаб¹⁸⁹ қўйиб, гўрмаганд(ай)ин,
Ё кокилинг бир-бирига ду(г)йар¹⁹⁰ эдим.
Санинг билан сўллашган¹⁹¹ ҳар бир болага,
«Гўрасан» деб мушт газаниб¹⁹² қўяр эдим.

Йиллар ўтиб бир қиз бўпсан, дим ғалишган,
Дармилипла(р) қоламан ой юзларинг(г)а.
Қилмишимдан пуш(ай)мон атиб ёмон бўлдим,
Уялганнан қаролми(й)ман гўзларинг(г)а.

Кеч кечолсанг ёшлиқдаги бебошлиғим,
Ё ос мани сочларингни торина сан.
Бар азобинг бўлса, қўнглинг дўлғонича,
Айлантирма жоним, меҳринг зорина сан.



¹⁸⁸ Ҳазатиб - мазза қилиб

¹⁸⁹ Гизлаб - яшириб

¹⁹⁰ Дуймоқ - тугмоқ

¹⁹¹ Сўллашган - сўзлашган

¹⁹² Газаниб - ўқталиб (мушт маъносиди)

КЎМАК

Капча¹⁹³ ни ол капчани,
Пахсага лой ота(й)ли(к).
Бўёз бува ўйина,
Хормасинла(р) ойт(ай)али(к).

Дапкилап пишира(й)ли(к),
Сўвго¹⁹⁴ тўрпокни қориб.
Чартак¹⁹⁵ да чой дамланган,
Ким қолса агар ҳориб.

Қаттисини қирганда¹⁹⁶,
Текис чиқсин деворла(р).
Гап топмасинла(р) яна,
Гўрган ошна, дўс(т)-ёрла(р).

Дим савобли(к) бу удум.
Қадимдан дерла(р) «Кўмак»¹⁹⁷.
Алдан галса халқинг(г)а,
Ёрдам бармакинг керак.

Оғзи бир эл(г)а мудом,
Хизр бува душ ўлар.
Иши галишиб гетиб,
Ҳардам кўнгли ҳуш ўлар.



¹⁹³ Капча - деворни пахса-пахса қилиб қурганда лой иргитишга мўлжаллаб ясалган кичикрок белкурак

¹⁹⁴ Сўвга тўрпок - бўш, юмшоқ тупрок

¹⁹⁵ Чартак - чайла, уй эгалари ва ҳашарчилар учун тикилган вақтинчалик бошпана

¹⁹⁶ Қаттисини қирмоқ - бир оз қуриган деворни сўнгги бора тарошлаб, пардозламоқ

¹⁹⁷ Кўмак - ҳашар

ТАДБИРКОРЛА(Р)

Ҳар бири бир гўч йигит,
Иншўрда¹⁹⁸ ўтиргонла(р).
Четла(р)дан олиб галип,
Завод, фабрик курғанла(р).

Кеча-кундуз тинм(ай)ин,
Ҳориш налигин билм(ай)ин,
Бекор(г)а газип юрм(ай)ин,
Меҳнат деб югургонла(р).

Мушули бўлса(ҳа)м минглаб,
Камчилигини гизлаб,
Дурли чорала(р) излаб,
Йўкла(р)ни бор қилгонла(р).

Миннат атми(й)ди ишин,
Аям(ай)ин бирам кучин,
Элни(нг) равнақи учун,
Хизматла(р)да тургонла(р).



¹⁹⁸ Иншўрда - мана шу ерда

ЁҚА(ДИ)МИ ?

Осмонлар(г)а учжақла(р)ни,
Қанотини қайирманг.
Гап-сўз этип ошиқла(р)ни,
Бир-бириннан айирманг.

Деймаган(г)а дейманг ахир,
Дард чектирманг, қувониб.
Яхши кунин кўролм(ай)ин,
Куйманг ичингиз ёниб.

Баҳор(да) терак экиб, кузак —
Олма олган бом(и)акан?
Саломина яраш(а) алик,
Олм(ай)ин қолган бом(и)акан?

Ёмонни ёмон қилмиши,
Ўзина тез қайтади.
Бир кун келиб тақдир ун(ҳ)ам,
«Ёқа(ди)ми?!» деп айтади!



ПУШАЙМОН

Тўй баҳона борвадим,
Оқшом Чандир-Қиёт(г)а¹⁹⁹.
Бир пари учраб қолди,
Ўхшатди мани ёт(г)а.

Гизланиб, қочиб юрса(ха)м,
Гўззим узмадим уннан.
Оди²⁰⁰ ким? Кимни қизи?
Сўрадим (в)уннан-буннан.

«Хов» деди, бири бирдан,
Ёкмади гарак сўзим.
«Ёлп-юлп»²⁰¹ этди бир нарса,
Солма²⁰² да гўрдим ўзим.

Энди буннон б(у) ёнина,
Ўйлам(ай)ин гап отми(й)ман.
Бировни(нг) ёрини ман,
«Ёқтирдим» деб айтми(й)ман.



¹⁹⁹ Чандир- Қиёт — қишлоқ номи

²⁰⁰ Оди - исми

²⁰¹ Ялп- юлп этди - қўздан ўт чаклаб кетди (кутилмаган шапалоқ зарбидан)

²⁰² Солма - ариқ

ЁР-ЁР

Бомади-ё алдингда бир гунойим, ёр-ёр,
Едди ёта раво гўрдинг сан худойим, ёр-ёр.

Сочларимни қирқ ўримлаб ўрдила(р), ёр-ёр,
Бо(р)-йўк орзу, умидларим гўмдила(р), ёр-ёр.

Қаро гўзим маржон ёша дўлдику, ёр-ёр,
Кўнглим богин гул, гунчаси сўлдику, ёр-ёр.

Бармоқима қонд(ай)ин хино суртилди, ёр-ёр,
Ҳижрон тиғи юракима санчилдику, ёр-ёр.

Эгнимдаги оқ кўйлаким кафинми, ёр-ёр,
Мани(нг) учун букунги тўй дафинми, ёр-ёр.



ОШИҚ ДИЛ

Тил, тилсанг тил, ошиқ дилим,
Азобингнан қувонсин!
Қораминла(р) ўтиб кетсанг,
«Ёлғоннан» деб инонсин!

Ниччали кўп қувсанг, шунча,
Мейрим ортиб борсин-ай!
Ишқинг дарди дармон бўлиб,
Юрагимда қолсин-ай!

Турган сайин ичим ёқсин,
Писанд атм(ай)ин юришинг!
Ман оҳ чаксам, кўз(з)инг сузиб,
Ҳазатибла(р) кулишинг!

Дим бадланиб дурсанг(х)ам сан,
Нур ёғади юзингнан!
Менга ёқиб қолганингни,
Ўзингнан кўр, ўзингнан!



ОРВОЧИ²⁰³

Чик, чета чик, орвочи!
Бўл, чета чик, орвочи!
Ч(е)ирт су(р)ншойни су(р)ншойчи!
Ўт ёқ тунчага - чойчи!

Богдан мева узингла(р)!
Дўстирхонни дузингла(р)!
Тўйда ўйнаб кулингла(р)!
Тўйни тўйд(ай)ин билингла(р)!

Осма шўрва²⁰⁴ осилсин!
Палов дам(г)а босилсин!
Шерпа ходим ойлансин!
Бел(г)а фўта бойлансин!

Ўтирингла(р) меймонни²⁰⁵!
Дўлдилинг ёз айвонни!
Кутинг, кутганнин хонни!
Дўймин гетмасин ко(р)нни!



²⁰³ Орвочи - келин олиб келган аравакаш

²⁰⁴ Осма шўрва - кайлатма шўрва

²⁰⁵ Ўтирингла меймонни - меҳмонни тўр(юкори) га олинглар, ўтказинглаар.

НОЗ ЭТМА

Алингнан бир тутқан(г)а,
Қавоғинг уйаверма.
Нишатганинг бўлди? деб,
Кўнглинг(г)а ту(г)йаверма.
Мани ўтинг(г)а ёқиб,
Ўзинг(х)ам куяверма!
Кўзларингни опқочиб,
Лабингни бураверма.
Ёлгончакки қор этиб²⁰⁶;
Ичингнан кулаверма.
Мани ўтин(г)га ёқиб,
Ўзинг(х)ам куяверма!

Кўрсанг(х)ам кўрмаганд(ай)ин,
Қарам(ай)ин ўтаверма!
Соғинтириб қўйибла(р),
Гизланиб²⁰⁷ юраверма!
Мани ўтинг(г)а ёқиб,
Ўзинг(х)ам куяверма!

Гуно(хи)м бўлса қойийсан,
Тилингни тияверма.
Дийдоринг(г)а зор этиб,
Кавушинг кияверма.²⁰⁸
Мани ўтинг(г)а ёқиб,
Ўзинг(х)ам куяверма!

²⁰⁶ Ёлгончакки қор этиб - ёлгондакам аччиғланиб, яъни ноз қилиб

²⁰⁷ Гизланиб - яшириниб

²⁰⁸ Ковушни қийиш - кетишга шайланмиш

ҲИЖРОН АЗОБИ

Қайтиб галди узок кетган карвонла(р),
Хушхабарла(р) кутиб кўз(з)им гирёнла(р),
Сўраб беринг, ё айтингла(р) ёронла(р),
Севгилим хат бериб юбормабмикан?!
Ҳеч бўлмаса бир на даб(юб)армабмикан?!

Ваъда бериб гет(у)вади: «Тез қайтаман!»,
Дараги йўк дардим ким(г)а айтаман?
Ўйл(ай)ивариб адо бўлдим қайта(нга) ман!
Севгилим хат берип ю(б)вармабмикан?!
Ҳеч бўлмаса бир на даб(юб)армабмикан?!

Билса эди (в)уни соғинганимни?
Дийдор истаб шунд(ай)ин оғринганимни?
Ўтсиз ўтда қуёиб қоврилганимни?
Севгилим хат бериб ю(б)вармабмикан?!
Ҳеч бўлмаса бир на даб(юб)армабмикан?!

Балки маннан гумон этип юргандир?
Рост деб ёлғон гап-сўзлар(г)а киргандир?
Ё бошкани севиб кўнгил бергандир?
Севгилим хат бериб ю(б)вармабмикан?!
Ҳеч бўлмаса бир на даб(юб)армабмикан?!



ЖУББА²⁰⁹

«Суюнчи» деб алларинда дуюнжик²¹⁰,
Опам жубба тикип га(ли)бди болам(г)а.
Гўзларини нурларини нах²¹¹ этиб,
Опам жубба тикиб га(ли)бди болам(г)а!

Совғала(р)ни сони кўп, ҳам ҳар ту(р)лли,
Баъзила(ри)ни баҳоси катта пулли,
Одийғина читт(д)ан, қурамиш²¹² гулли,
Опам жубба тикиб га(ли)бди болам(г)а!

Шундатмаса²¹³ кўнгли дўлмаса гарак,
Хо(х)ламасла(р) деб(х)ам ўйласа гарак,
Буннан ортик совға бўмаса гарак,
Опам жубба тикиб га(ли)бди болам(г)а!

Го(х) хаборин оламиз, ё йўқ го(х)да,
Узоқ бўлса(ҳа)м келар пойи пиёда,
Унингд(ай)ин ме(х)рибон йўқдир дунёда,
Опам жубба тикиб га(ли)бди болам(г)а!



²⁰⁹ Жубба- ёш болаларга кийдириладиган пахталик кийим. Хоразмда бу сўзнинг «курта» деган варианты ҳам бор.

²¹⁰ Дуюнжик - тугунча,

²¹¹ Нах - ип

²¹² Курамиш - қурок

²¹³ Шундантмаса - шунақа қилмаса

ИСТИҒНОЛАРИНГ

Кўрсам кериб бошингни,
Уйиб қаро қошингни,
Бир саллониб ўтасан,
Тер дагандай тошингни.
Сан мани гавҳаримсан,
Бебаҳо жавҳаримсан!

Ўзинг чирой(г)а бойим,
Ҳаммадан хўширойим²¹⁴,
Бунчалар шайтонсан-ай!
Кўринсанг да мулойим.
Сан мани гавҳаримсан,
Бебаҳо жавҳаримсан!

Фойдаси йўқ, на дам(ай)ин,
Турасан ҳеч индам(ай)ин,
Ялантириб юрасан,
Минг чақирсам, бир га(л)м(ай)ин.
Сан мани гавҳаримсан,
Бебаҳо жавҳаримсан!

Кулсам кул(ай)ин сани деб,
Кўйсам куй(ай)ин сани деб,
Кўнглингда борим билиб,
Ўлсам ўл(ай)ин сани деб.
Сан мани гавҳаримсан,
Бебаҳо жавҳаримсан!

²¹⁴ Хўширойим - чиройлигим, гўзалим

ЮРАКДА КУРТАК ОЧГАН ТУЙҒУ

Ёхти яна(ха)м ёхтиланди,
Чикқанингдин дешона.²¹⁵
Куёшу ой олса бўлар,
Чиройингнан нишона!

Бир кўрганнан гул васлингни,
Галди шунд(ай)ин ҳавасим!
Сеҳрланиб қолганд(ай)инман,
Қочди бо(р) онги асим!

Кўз(з)инг сузиб ўтиб кетдинг,
Ўйнаб сумбул сочларинг.
«Оҳ! Жониннан!» десам шуни,
Отиб таъна тошларинг.

Вужудимни чулғаб олди,
Сирли туйғу, ҳам қувонч.
Муттик дуйди²¹⁶ юрагимда,
Севгига бўлган ишонч!



²¹⁵ Дешона - ташкарига

²¹⁶ Муттик дуйди - куртак очди

ДАРДНИНГ ШИРИН АЗОБИ

Гулдир-гулдир чақмоқ чакди,
Ёмғир ёғса, ёғсин-ай!
Ухлаб ётқан ёр устина,
Севалаб уйғотсин-ай!

Кута-кута тоқатим тоқ,
Ул ёрдан ҳеч дарак йўқ!
Балки мани ёқтирми(й)ди,
Балки диди: «Кера(ги)к йўқ!»

Гулдир-гулдир чақмоқ чакди,
Ёмғир ёғса, ёғсин-ай!
Ухлаб ётқан ёр устина,
Севалаб уйғотсин-ай!

Ялинтириб ёлвортириб,
Юрганин ҳеч билмажак.
Била кўра ичим ёкиб,
Гўё кўз(г)а илмажак.

Гулдир-гулдир чақмоқ чакди,
Ёмғир ёғса, ёғсин-ай!
Ухлаб ётқан ёр устина,
Севалаб уйғотсин-ай!

Ишқ-муҳаббат дарди ғами,
Ширин азоб бўлади.
Дим қийналиб ёр(г)а етсанг,
Шунда кўнглинг тўлади.

Гулдир-гулдир чақмоқ чакди,
Ёмғир ёғса, ёғсин-ай!
Ухлаб ётқан ёр устина,
Севалаб уйғотсин-ай!

НИГОҲЛАР СЕҲРИ

Сайр атиб галдим Сангар боғина,
Гуллаб қо(ли)бди олма, анжир, анори.
Хомтак олиб юрибди бир гўзал қиз,
Гўрган айтар бўлса(й)ди шунд(ай)ин ёри.

Ўсмала(р)ни суртмаса-да қошина,
Гул чиройи гўринади юзиннан.
Ме(ҳ)йр кони икки жаллод гўзлари,
Бо(р)ми экан хўширойи ўзиннан.

Сумбул сочин кирқ ўримлаб ўрибди,
Қадди бўйи менгзар нозик ниҳола.
«Бу на пари!?» даб(юб)арганинг билми(й)сан,
Гўззинг тушса лабдаги қора хола.

Хаёлларим учиб гетди ҳар ёна,
Ибо билан қаради бир сузилиб.
Шу замони мани ошиқ юрагим,
Сангар деган боғда қолди узилиб.



ҚИЗ КҰНГЛИ

Қорчигайд(ай)ин қайа²¹⁷ верманг қошимда,
Сиз(г)а туткич берар сулгун эмасман!
«Ўлдим», «Қолдим» демагингиз шарт эмас,
Ўз ёрим бо(р), ўзга ёрни демасман!

Соғинтириб юрса-да у узоқда,
Суратини кўриб, дилим яйри(й)ди.
Ўзингизча кўнади даб ўйламанг,
Бошқала(р) гап отса коним қайни(й)ди.

Патир, чўрак²¹⁸ ёпдим кутиб олмоқ(қ)а,
Мевала(р)ни қўйдим сават(г)а жойлаб.
Балки манга гулла(р) олиб галётир,
Гулла(р)ни ичиннан гулини сайлаб.

Кечаси ой ёруғ - қуёш нуриннан,
Боғ гулламас булбул сайраб турмаса?!
Қиз болани ошиқларин сони кўп,
Ёр бўла(р)ми агар, кўнгли урмаса?!



²¹⁷ Қорчигайнинг қайиши - ўлжа учн пастга оўнгини

²¹⁸ Чўрак - кичик нон

ХУШ ЁҚАР

Қувонаман терс(г)а буриб сўзини,
Гуно(х)кор(г)а чиқарибла(р) ўзини,
Қори галиб бурганинда юзини,
Ўйнаб сочин кокил, ғажакларини,
Эшитгим бо(р) «Қўйинг...» дажакларини.

Рашкини хуш кўраман, жон-жонима,
«Бир қиз галар», дейман дамда ёнима,
Ким? дедириб қаратмин вён бонима,
Ўйнаб сочин кокил, ғажакларини,
Эшитгим бо(р) «Қўйинг...» дажакларини.

Кўз да(г)ймасин бугун ёмон гетибсан,
Қадди бўйинг галишган, дим ети(ли)бсан,
Савол бериб кимла(р)ни лол этибсан,
Ўйнаб сочин кокил, ғажакларини,
Эшитгим бо(р) «Қўйинг...» дажакларини.

Уялганнан манга сирин очмажақ,
Ошкорона ме(х)йр нурин сочмажақ,
Кўнгли бо(р)ми ёнғинамнан қочмажақ...
Ўйнаб сочин кокил, ғажакларини,
Эшитгим бо(р) «Қўйинг...» дажакларини.



ГЎЗАЛ ҚОШИДА

Қум этакда тарвуз экиб қўйвадим,
Воп²¹⁹ лироқ ерлари питта²²⁰ қурибди
Соқа²²¹ га борвадим сувин очмақ(к)а,
Солма²²² ни(нг) бўйинда бир киз турибди.

Қўзлари - жаллод қўз, қайрилма қошли,
Бўйлари галинган лаблари гунча.
Кокили қирқ ўрим – дизина²²³ тушар,
Дабардим²²⁴: «Навало²²⁵, хўширой бунча!?».

Осмоинан ой тушиб галдимикан ё?
Узола(ай)ин қолдим ман хусниннан қўз(з)им.
Тушимми? Ўнгимми? Хаёли(г)а чўмиб,
Саволла(р) бераман ўзим(г)а ўзим.

Нерла(р)дан экани у ёнда турсин,
Қизғониб один(х)ам айтмишла(р) кетди.
Доттириб²²⁶ мазали азобин манга,
Индам(ай)ин ичимни ёқибла(р) кетди.



²¹⁹ Воп - қуруқ тунроқ

²²⁰ Питта - бир оз

²²¹ Соқа - арикнинг катта каналдан сув олиш жойи

²²² Солма - ариқ

²²³ Дизина - тиззасига

²²⁴ Дабардим - деб юбордим

²²⁵ Навало - не бало, бунчалар гўзал демокчи. Сулув қошида туюлган хайратланиш ифодаланган

²²⁶ Доттириб - татиб кўргизгач

НОН ЁПАР²²⁷

Тонг отмасдан тандир(г)а,
Ўзапоё ёқдила(р).
Сут(г)а қорилган уннан,
Ўрак, патир ёпдила(р).
Касовини гап(п)и йўқ,
Рапида куйди, рапида.

Енгликлари бахмалдан,
Тикачи майда гулли.
Ўқловин ҳам ҳўнасин,
Пақшлари ҳар ду(р)лли.
Касовини гап(п)и йўқ,
Рапида куйди, рапида.

Хирмонино баракот,
Мўл бўлсин эл буғдойи.
Тўйни(нг) олди бошланди,
Ўтирманг амма, дойи²²⁸.
Касовини гап(п)и йўқ,
Рапида куйди, рапида.

Нонёпарнинг нонини,
Тузин татиб кетингла(р),
Сизлар(ҳ)ам тез орада,
Шунд(ай)ин куна етингла(р).
Касовини гап(п)и йўқ,
Рапида куйди, рапида.

²²⁷ Нон ёпар - Тўй бошлаш олдидан қилинадиган удум. Унда хонадоннинг энг ишончли кишиларидан бирига тандирда нон ёшиш вазифаси (нонёпарлик) юкланади. «Рапида куйди» маросимининг моҳиятига кўра қариндош-уруғ ва қўни-қўшни тандир ёнидаги дастурхонга турли хил қимматбаҳо матолар ва пул тапшлашади. Демак, бу шеър ўша жараёни бошлашга чорловдир. Рапида - устига бигга нон сиғадиган ҳажмда юмалоқ шаклда тайёрланган махсус асбоб. Унга нон шаклига келтирилган хамир қўйилиб тандирга киритилади.

²²⁸ Дойи - тоға

СЕНИ СЕВМАЙ БЎЛАРМИ?

Хон шойини(нг) энг сараси эгнингда,
Қора сочинг ўйнар нозик белингда,
Сенд(ай)ин қиз йўқ ахир, бирсан элингда,
Бир ўтасан қараминла(р) вон-бона²²⁹,
Ҳамма қизла(р) бирён, ўзинг бир ёна!

Гул васлингнан узолми(й)ман кўз(з)имни,
Йўқотаман айтжақ бўлган сўзимни,
Бахш айлайин жоним санга ўзимни,
Бир ўтасан қараминла(р) вон-бона,
Ҳамма қизла(р) бирён, ўзинг бир ёна!

Кўз(з)инг сузиб бошинг кериб турасан,
Савол берсам гунча лабинг бурасан,
Нега бунча юрагимнан урасан?!
Бир ўтасан қараминла(р) вон-бона,
Ҳамма қизла(р) бирён, ўзинг бир ёна!

Шунда сени яхши гўрмин бўла(р)ми?!
Азобинга сира кўнглим тўла(р)ми?!
Дард чектирсанг ранги рўйим сўла(р)ми?!
Бир ўтасан қараминла(р) вон-бона,
Ҳамма қизла(р) бирён, ўзинг бир ёна!



²²⁹ Вон-бона - уён бу ёнга, яъни эътиборсизсан демоқчи

ҚЎШИҚҚА КЎЧГАН ДАРД

Орзуларим бисёр эди,
Кувонч менга дўс(т)-ёр эди,
Гўё бахтим ҳам бор эди,
Ер(г)а урдим деб ўйлама,
Осмонлар(г)а учдим, сенсиз!

Айрилиқ солдинг бошима,
Зардобин кўшиб ошима,
Арзими(й)сан, кўз ёшима,
Ер(г)а урдим деб ўйлама,
Осмонлар(г)а учдим, сенсиз!

Кўним берди боғлар менга,
Иродасин тоғлар менга,
Қайтмас ўша чоғлар менга,
Ер(г)а урдим деб ўйлама,
Осмонлар(г)а учдим, сенсиз!

Устим - бутун, кўнглим - ярим,
Алам бўлди неки борим,
Йўқдир асло сенга зорим,
Ер(г)а урдим деб ўйлама,
Осмонлар(г)а учдим, сенсиз!

Қўшиқларим мен-ла қолди,
Дардларимни куй(г)а солди,
Алло(х) паноҳина олди,
Ер(г)а урдим деб ўйлама,
Осмонлар(г)а учдим, сенсиз!



ШАДДОД ҚИЗ

Солма, роша налча экдим тол бўлди,
Бир қиз кўрдим бийрон тилим лол бўлди,
Мас(т) бўп қолдим ҳеч кимда йўқ нозиннан,
Аччиқлиги менга шакар, бол бўлди.

Чиройини қиёсладим ойлар(г)а,
Гап(п)и сўзин минг қўйи бо(р) бойлар(г)а,
Кулиб туриб: Йўк! жавобини берар,
Тушингизни айтинг деб сув, сойлар(г)а.

Гўё мени ичим ёқиб кетажак,
Балки шунда мақсадина етажак,
Ёққан сайин батар ёқиб боради,
Фойда бермас қури қийнаб нетажак?!

Тез совчила(р) юбарибла(р) оламон,
Тўй бераман йиғиб катга оламон,
Ниятим(х)ам шунд(ай)ин шаддод қиз эди,
Бермасала(р) обқочибла(р) оламон.



НИЧИКСАН ИНДИ²³⁰

Пот-потчи²³¹ дебди мени,
Усти-бошим ёғ эмиш.
Алларим(х)ам қаварган,
Ювми(й)мишман доғ эмиш.

Ёдлариннан чиқибми,
Маллак²³²ини сурганим.
Бир коса чой бармаса(ҳ)ам,
Эшигинда юрганим.

Тонг отиб кун ботинча,
Чиқаман отиз, чела²³³.
Куч, кувватим аям(ай)ин,
Хизмат этаман эл(г)а.

Меҳнатши(нг) ҳеч айби йўк,
Нон-ошим ҳалол ейман.
Уннан зўр(г)а ўйланиб:
«Ничиксан, инди!?», дейман.



²³⁰ Ничиксан инди? – қалайсан энди?

²³¹ Пот-потчи – тракторчи

²³² Маллак – томорқа ер

²³³ Отиз-чел – дала-дашт

ГҮЗ ОЙДИН²³⁴

Отабойини(ш) ўгли бўлди,
Севинчисини барингла(р)!
Амма, хола, почча, дойи,
Гўз ойдин(г)а галингла(р)!

Шундан бери ўзинда йўқ,
Ишонми(й)ди гўз(з)ина!
Дим бошқача таърифли(й)ди,
Ўхшадини ўзина!

Ният этиб йигнаганин,
Ма(х)ккам бойлабла(р) бел(г)а!
Бозор ёна чоғиб гетди,
Дастурхон ёзжақ эл(г)а!

Кувончина шериклашиб,
Дил сўзингиз айтингла(р)!
Яхши кунда кўнглин олиб,
Севинтириб қайтингла(р)!



²³⁴ Гўз ойдин - кувончли кунда қариндошлар, қўли-қўлини, ёр-биродарлар қутлаб келганда айтиладиган сўз. Яъни ойдинлик, нурафшонлик тилаш. Одатда, табриклар чиқилгач, тўёна берилди. Уй эгаси эса меҳмонлар олдида дастурхон ёзади. Тўйга ниятлаб йнкан бор-будини меҳмонларга илиб, кувончини баҳам кўради Шу маънода «Гўз ойдин» ўзига хос маросим ҳамдир.

СЕВГИ ҚИЙНОҒИ

Го(х) кўриниб, го(х) кўринм(ай)ин,
Қочиб юрганинг наси?²³⁵!

Ичларимни ёндирибла(р),
Бат(т)ар кулганинг наси?!

Газаниб²³⁶ қош қапоқларинг,
Лабинг бурганинг наси?!

Дардларимни сезмаганд(ай)ин,
Қараб турганинг наси?!

Қор этибла(р) кетмасин деб,
Кўз(з)инг сузганинг наси?!

Ошиқ дилим, яросини,
Тузлаб тилганинг наси?!

Бериб кони азобингни,
Қийнаб севганинг наси?!



²³⁵ Наси - нимаси?, нима килганинг?

²³⁶ Газаниб - ўқталиб. Бу ўринда ўқрайиб маъносида келган.

ЧОПА-ЧОП

Чоп, чопа-чоп, чопа-чоп!
Сув галди, сув! Ёп(г)а чоп!
Шўр ерла(р) тўйиб, консин,
Экишлар(х)ам уй(г)онсин!
Чоп, чопа-чоп, чопа-чоп!
Сув галди, сув! Ёп(г)а чоп!

Олингла(р) кетмон, белни,
Тортингла(р) баланд челни!
Шарбатла(р)ни корингла(р),
Бир текис су(ғ)ворингла(р)!
Чоп, чопа-чоп, чопа-чоп!
Сув галди, сув! Ёп(г)а чоп!

Куриб қолмасин шоли,
Бугдой, макка жўхори!
Пахта гулин тўкмасин,
Ёшуллила(р) сўкмасин!
Чоп, чопа-чоп, чопа-чоп!
Сув галди, сув! Ёп(г)а чоп!

Шунда бўлар мўл ҳосил,
Муродимиз(х)ам ҳосил!
Кузакда тўйла(р) бариб,
Юра(й)ли(к) кўкрак гариб!
Чоп, чопа-чоп, чопа-чоп!
Сув галди, сув! Ёп(г)а чоп!



ЖУВОЗИМ

«Жийиқ»- саси гўё кўшиқ, создайин,
Қанчалик кўп чигит ўтса оздайин.
Ишлаб турсанг, мудом кўнглим ёздайин,
Ҳеч тинм(ай)инла(р) айланавер жувозим!

Дарё тўлиб қуёш тушсин ерим(г)а,
Кучу, қудрат берсин де(х)йқон элим(г)а.
Сен бирла мен белбоғ бойлаб белим(г)а,
Ҳеч тинм(ай)инла(р) айланавер жувозим!

Чиқарганинг емак учун ёғ бўлар!
Шёл(у)ха, шрот уюмлари тоғ бўлар!
Халқимизнинг кайфияти чоғ бўлар!
Ҳеч тинм(ай)инла(р) айланавер жувозим!

Тўхтамасанг кўпаяр ризқ, рўзимиз!
Семиради сигир, (х)ўқиз, кўзимиз!
Минг бор шук(у)р, хизматингдан розимиз!
Ҳеч тинм(ай)инла(р) айланавер жувозим!



ҲАЖВИЯ

ҚИЛМИШ - ҚИДИРМИШ

Минг ўргилиб айлансанг(х)ам жониннан,
Чақиб олм(ай)ин ўтирми(й)ди ёниннан,
Эмишки у хонзодала(р) хон(адон)иннан,
Хизматлари буюр(а)ётир галинни(нг)!
Тугунчиги тугул(а)ётир галинни(нг)!

Кўз тегмасин пешин(г)ача ётади,
Иш буюрсанг энсалари қотади,
Рангин бузиб пич(ч)инг гапла(р) отади,
Хизматлари буюр(а)ётир галинни(нг)!
Тугунчиги тугул(а)ётир галинни(нг)!

Қазон-тавок қолган жойда булошиб,
Кийим-кечак оёкости чўлошиб,
Уйина йўл олаверар кун ошиб,
Хизматлари буюр(а)ётир галинни(нг)!
Тугунчиги тугул(а)ётир галинни(нг)!

Тик боқади қайинла(р)ни юзина,
Кирми(й)миш ҳеч энасини сўзина,
Ҳурмат-иззат қури ўзли ўзина,
Хизматлари буюр(а)ётир галинни(нг)!
Тугунчиги тугул(а)ётир галинни(нг)!

На таъзим бо(р), на билади саломни,
Доритми(й)ди сингил, амма, холамни,
Бахти галди севиб олган боламни,
Хизматлари буюр(а)ётир галинни(нг)!
Тугунчиги тугул(а)ётир галинни(нг)!



БАХИЛГА

Нечун бунча бахилсан-ай?!
Ичларинг қароми-ё?!
Бир мазали сўз чиқми(й)ди,
Тилларинг яроми-ё?!
.

Яхшила(р)ни мақтасала(р),
Ўчади рангу рўйинг.
Ёмонлаш(г)а тайёр турар,
Фикру хаёлинг, ўйинг.

Гап берми(й)сан даврала(р)да,
Ўзингча дим доносан!?
Аҳли инсон қувончини,
Кўра олм(ай)ин ёнасан?!

Те(г)ймаган(г)а те(г)йма ахир,
Ула(р) не, бир қулингми?
Алларинда ўйнаб юрган,
Пулла(р) сени пулингми?

«Ҳеч ким мени кимлигимни,
Билми(й)ди-ку!» дема сен!?
Шамол нённан²³⁷ бўлса ш(у)ёна,
Сузадиган кemasан!



²³⁷ Нённан - қай томондан

ИККИЮЗЛАМАЧИ

Телефон келса: «до-донг»- икки букилиб,
Эслатади мажнунголни(нг) толини.
Ёлғондакам қувонч ёши тўкилиб,
Ликкиллатар итд(ай)ин қуйруқ, ёлини.

Елкасина миндиражақ от бўлиб,
Оёқларин суртажақд(ай)ин юзина.
Яқинлари кўринади ёт бўлиб,
«Паланкасов» - пайғамбард(ай)ин кўз(з)ина.

Ароқ, шароб ичмас тўю базмда,
Уйлари(н)да бетоб эмиш хўжайин.
Уни мактаб номин қўшиб назмда,
Бошқасига голи тўшар бу – тайин!

Сипса бўлиб сийражақ йўлини,
Омонатли молин барм(ай)ин чотажақ.
Кўкрагина қўйиб икки кўлини,
Тўғри келса бир тўшакда ётажақ.



ДОД АЛИНГНАН

Умримда мен қўшиқ айтиб билмасдим,
Бир марта ҳам ҳеч ҳиргойи қилмасдим,
Қўшиқчини унча кўз(г)а илмасдим,
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

Ўзим ем(ай)ин едир(у)вадим (в)улар(г)а,
Кўп суядим етгани(н)да қулар(г)а,
Кўнглимда ҳеч журъат йўқдир қулар(г)а,
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

Бекорчилик касби, ухлаб ётади,
Уйдан олиб кетиб ўй(г)а сотади,
Чидаб бўлмас, бунча қатти(қ) ботади,
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

Бир чойнак чой қўймас дўсту ёрим(г)а,
Талаб эгар, қарам(ай)ин йўқ-борим(г)а,
Касаллансам тийин бермас дорим(г)а,
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

Бириси дер: «Менга уй-жой етади,
Акамда бо(р), мол дунёни нетади?»,
Яна бири қор-ла²³⁸, уйдан кетади.
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

Ошнолар(г)а дардим айладим баён,
Улар айтди: «Бу дард биз(г)а ҳам аён»,
Жўр бўлдила(р): «Қоча(й)ли(к) деб биз қаён?»
Болаларим айттирди: «Дод алингнан».

²³⁸ Қор-ла - аччикланиб

ҲАСАДГҶЙ ТИЛИДАН

Равон йўлда юрсам бўлмайди,
Ёмонликсиз кўнглим тўлмайди:
«Нега хурсанд, ранги сўлмайди?»
Кулиб турган ичи қароман!

Бир оғиз ҳам йўқ яхши сўзим,
Қувончлардан йироқман ўзим.
Кўргани чун ўй деб кўзим,
Кулиб турган ичи қароман!

Ким экан бу - қаср қурибди?
Маблагларин қайдан урибди?
Меникидан баланд турибди,
Кулиб турган ичи қароман!

Дўстларимдан бўлса бир бошлиқ,
Дод соламан - «Бу не бебошлик!»
Юрагимда пайдо бўб ғашлик,
Кулиб турган ичи қароман!

Пинҳон санаб гилам-у қўйин.
Жанжал топиб бузаман тўйин,
Рост бўлса-да – дейман: «Бу ўйин»
Кулиб турган ичи қароман!

Соямга-да ҳасад қиламан,
Ўтда ёниб, бағрим тиламан.
Ўз оёғим ўзим чаламан,
Кулиб турган ичи қароман!

ЭНГ МЕХРИБОН ҚАЙНОНА

Қора булут қошин уймайди,
Сувда чўкмас, ўтда куймайди,
Ҳеч ким мени у(н)дек суймайди,
Энг меҳрибон менинг Қайнонам!

Келиши бор, кетиши йўқдир,
Зериктирмас, жанжалкаш, шўхдир,
Кулиб айтган ҳар сўзи ўқдир,
Энг меҳрибон менинг Қайнонам!

Яқини йўқ ўзли ўзидан,
Қор ёғади нурли юзидан,
Жаллод қочар кўрса кўзидан,
Энг меҳрибон менинг Қайнонам!

Яхшилиги яхшидан яхши,
Куёвиман - ҳазилкаш бахши,
Чунки, қизи ҳаётим нақши,
Энг меҳрибон менинг Қайнонам!



ЗОҒ ВА БУЛБУЛ

Ўзи(н)ча(лли) лочиннан зўр учқанд(ай)ин,
Бош(ш)и осмон гўё, кўёш кучқанд(ай)ин,
Ошиқ Ойдин овозини кўшқанд(ай)ин,
Зоғла(р) куйлаб булбул один олдила(р),
Кар кулоқла(р) кўриб қарсак чолдила(р).

На маънидан, на мантикдан нишона,
Кўкраклари тўлиб кетган нишон(г)а,
Гар, минн диск бўлмаса шўр пешона,
Зоғла(р) куйлаб булбул один олдила(р),
Кар кулоқла(р) кўриб қарсак чолдила(р).

Не(р)далиги чиқиб кетар эсиннан,
Ўйинчси(н)да кўйлак, киндик пас(т)иннан,
Ўтиролм(ай)ин ме(х)ймон қочар сасиннан,
Зоғла(р) куйлаб булбул один олдила(р),
Кар кулоқла(р) кўриб қарсак чолдила(р).

Қилмишиннан қизармийди юзлари,
Мухлисларни(нг) киссасинда кўзлари,
Уяти йўқ, кўп беҳаё сўзлари,
Зоғла(р) куйлаб булбул один олдила(р),
Кар кулоқла(р) кўриб қарсак чолдила(р).

Бир-бировинн кўра билмас, отажак,
Йўқ обрўйин мут(г)а қиммат сотажак,
Қочон(г)ача халқни алдаб чотажак,
Зоғла(р) куйлаб булбул один олдила(р),
Кар кулоқла(р) кўриб қарсак чолдила(р).



ЗИҚНА МОНОЛОГИ

Қайда бир пул топар иш бўлса борман,
Ҳаммадан бойману тийин(г)а зорман,
Уйларим кенгишлик, лек ўзим торман,
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

Кўнглини ол(ай)ин деб бир бор болам(г)а,
Уч сўм пул берми(й)ман дафтар-калам(г)а,
Йўқ дея йиғли(й)ман, амма, холам(г)а,
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

Тўвук(қ)а дана йўқ, тухум олм(ай)инча,
Сигир(г)а ўт не(ер)да, сутин соғм(ай)инча?
Бир чимдим гўш(т) олсам кўнглим чоғ бунча,
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

Ме(ҳ)ймон(г)а келганин(нг) адан²³⁹ дир жойи,
Бир қатти(қ) чўрагу, бир чойник чойи,
Уч куплик овқатла(р) ула(р)ни нойи²⁴⁰,
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

«Чиккинжи»²⁴¹, деган сўз жонимни олар,
Гумоним ҳаммадан, гўёки талар,
Кўркаман мол-дунём кимлар(г)а қолар?
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

Умримда қилмадим зиёфат, на тўй,
Ортиқча ҳаражат, бош оғриқни кўй,
«Садақа», дегунча, кел ўзимни сўй,
Бунчалар зиқнаман, било-билмадим...

²³⁹ Адан - пойгак

²⁴⁰ Пойи - ҳақи, насибаси

²⁴¹ Чиккинжи - чиқим

ҚАЛЛОБ СУРАТИ

Сен эмишсан яқин дўсти - қардоши,
Ёрдаминг(г)а муҳтож бўпти бу боши,
Ёлғон сў(з)ллаб тўкиб келар кўз ёши,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

Йўлин топиб йиққанингни олоди,
Ўзи ёнган ўт(г)а сени солоди,
Куйдиргани озд(ай)ин, кулиб қолоди,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

Туркман ғоли, уй(г)а нақш қўйилғон,
Кунда базм, кўзи, кўчкор сўйилғон,
Қайтми(й)дўгин қарз пул(г)а тўйинғон,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

Сенда - гуппи, унда - дублёнка лўстин,
Одамийлик сўзидан бошлар тостин,
Бир тангага сотиб кетар ўз дўстин,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

Ўхшатади ўзин катта бойлар(г)а,
Юрт кезади курорт деган жойлар(г)а
Бераман дер пулинг тўрт-беш ойлар(г)а,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

Тўрт-беш йил(х)ам ўтиб кетар дарак йўқ,
Ўзи торт ер, сенга қатти(қ) чўрак йўқ,
Жон(г)а тегиб: Кечдим, дейсан: Кера(ги)к йўқ,
Шуннин рўйи сиё(х)ла(р) бо(р) дунёда,
Шайтон(г)а-да дарс беради риёда!

«БАХТЛИ ЙИГИТ» МОНОЛОГИ

Майли кулинг сизга сўйлаб берайин,
Пасту-баланд дунё(ни) бўйлаб берайин,
Икки хотин жабрин куйлаб берайин,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

Кўрганиннан саломи йўқ, пул дейди,
Сунгак(х)ам йўқ, кундашим сўм гўш(т) ейди,
Менда сатин, гулли бахмал (в)у кийди,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

Икки ойлик оладўгин иш(х)ам йўқ,
Бириси оч колса, бирин корни тўқ,
Ҳар тарафдан қаргиш ёғар мисли ўқ,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

Икки ўтни(нг) орасинда қул бўлдим,
Бўйнимда икки кишан қул бўлдим,
Ўғил-қизим олди(н)да бир пул бўлдим,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

Бирина мен кетдим дейман у ён(г)а,
Унга дейман неч(ч)а келдим бу ён(г)а,
Верда-берда²⁴² қолиб кўз(з)им гирёна,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

Бўлар ишн бўлди, пуш(ай)мон керакмас,
Энди менга ҳечам душман керакмас,
Гўр(х)ам қабул қилмас гўрмон керакмас,
Дардим ким(г)а айтаримни билми(й)ман?
Қайси ён(г)а қайтаримни билми(й)ман?

²⁴² Верда-берда - у ер бу ерда

ҚАТРАЛАР

Мен дўстларим билан фахрлансам арзийди. Чунки улар менга шундай содикларки, бошимга иш тушмагунча ташлаб кетишмайди.

Тўғри сўз айтгандан қочасан. Қучоғинг очасан сохта содикқа, душманлигин билмай пуш(ай)монинг.

Ўғлим бокс қилар, жажжи мушт ила. Мен пишиб бормасам бўлмайди. Каттароқ мушт тегса гангиб қолмаслигим учун.

Ошиққа ишқ-муҳаббат - азалдан азоб-у роҳат. Гоҳ қулдиради, гоҳ ўлдиради.

Сиёҳ - тасвир айлар қуёш нурини. Ёки ой юзини қорага бўяр. Кўз олдингда қаламқаш суратин пайдо қилиб.

Халқимизда: «- Ит ҳураверади, карвон ўтаверади», деган нақл бор. Ўша ит ўғрига ҳураётган, ўтаётган эса умр карвони бўлиб чиқса-чи?! Унда ўғри ким бўлди? Ўзимиз эмас-ми?

Ҳайвондан фарқи йўқ, дейишади, баъзи инсонларни. Озгина фарқи бор. Чунки у гапира олади.

Кўз – меҳр нурининг қуёши. Агар у кўнроқ меҳр нури билан бокса, қуйдириб юбориши мумкин.

«Ўлиқнинг танасида жон йўқ», десалар ишонгим келмай қолади гоҳида. Негаки, тирик мурдалар учраб туради.

Ютуғингни айтасан қувончга тўлиб. Вужуди муз бўлиб кетади шу он. Бағрига босиб табриклаб қўяди.

«Тентак», деб қолишади гоҳида менга. Мен эса сираям хафа бўлмайман. Чунки, ақли бор одам тентакка тентак демайди.

Мол дунёнг бўлмаса, ҳеч кимга керак бўлмай қолар эмишсан. Балки, керак бўлиб қолар ҳеч кимга, ҳеч ким.

Зиёфатда шароб узатишса, «-Йўқ, ичмайман», деди. Нега? дейишса, «Хўжайинимнинг тоби йўқ», деб жавоб берди.

«Гўзаллик салони» – аёллар табиий ҳусни-жамолини ҳар хил сунъий рангларга бўяйдиган жой.

«Бизнинг орамизда ёлгон гапирадиганлар, дўстига хиёнат қиладиганлар, бировнинг ҳақини ейдиганлар йўқ», дея сўз бошлади - маърузачи. Бу гапларни эшитиб, мажлисда гўёки, ҳеч ким йўқлигини сездим.

«-Бер-бер» ига чидаб бўлмайди», нолиди бошлиқ. Бироқ «-Меҳнат таътилига чик», десалар, кўркқанидан юрагини ушлаб шифохонага ётиб олди.

Қарз сўрашса, «Айтган кунингиз қайтараман», деганига берма. «Қатнаб-қатнаб, сарсон бўлиб, ўзинг олиб кетасан», деганига бер.

«Мулла»нинг айтганини қилу, қилганини қилма!», деган гапга амал қилсак, топган-тутганимизни унга садақа қилиб беришга тўғри келади.

Яхшиям хўжайини аёл киши, йўқса, баъзи қўлини кўксига қўйиб, эгилиб турган йигитлар тўғрисида бошқача фикрга борган бўлар эдик.

Сотувчининг қўли эгри бўлса, тарози палласининг тўғрилиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.


«Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич», дейишади. Нега кўпинча, ошни уй ичида ичишларига энди тушундим.

Кимга қарасанг, «-Яхшилик эвазига, ёмонлик кўрдим», дейди. Ҳамма одам яхшилик қилган бўлса, ёмонликни ким қилиши мумкин?

Ўғрини кўриб, «ўғри» деб бўлмайди. Чунки ўз устингдан кулган бўлишинг мумкин.

Мен шеър ўқиб бераётсам, газета варақлаб ўтирган «дўстим»: «Жуда ажойиб, зўр шеър экан!», деб мактаб кўйди.

«Йирт» деган қадимий нақл бор. Ажаб парадокс. Йўқ нарсанинг нимасини йиртишаркин.



Мусаввирлар
совза

ЎКТАМ ДАВЛЕТОВ

СЕВИНЧИМ – ДАРДИМ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2013

Мухаррир:	М.Хайитова
Тех. муҳаррир:	М.Холмухамедов
Мусаввир:	Э.Мажидов
Мусахҳиҳа:	Ф.Исмоилова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Ҳасанова

Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 20.03.2013 йил.

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 14,75. Нашр босма табағи 14,25.

Тиражи 1650. Буюртма №30.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.

100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



Ўктам Давлетов 1955 йилнинг 15 март ойида Хоразмнинг Қулонқорабоғ қишлоғида туғилган. 1973 йил Самарқанд молия техникумини тугатиб ўз меҳнат фаолиятини молия соҳасида бошлаб кейинчалик Боғот туман “Ўзбекистон” ширкат хўжалигида таминотчи вазифасида давом этган. Мана ўттиз йилдирки у бадиий ижод билан шуғулланади. Шеърлари турли тўпламлар ва республика, вилоят рўзномаларида чоп қилинган. Филология фанлари номзоди, доцент Исломжон Ёкубов Ўктам Давлетов ҳаёти ва ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиб, «Қулонқорабоғ оҳанглари» (2003) номли изланишини нашр қилдирган.